

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

ХОДЖАЕВА Т.А.

**ЎЗБЕКИСТОН ВА ҲИНДИСТОН
АДАБИЙ АЛОҚАЛАРИ
ТАРИХИДАН**

МОНОГРАФИЯ

Тошкент давлат шарқшунослик институтининг
20 йиллигига бағишланади

Тошкент – 2011

Ушбу монография тарихан қисматдош, маданий анъаналар жиҳатдан бир-бирига яқин икки мамлакатнинг адабий алоқаларини энг муҳим асарлар, аниқ бир адиблар ва конкрет таржималар асосида ўрганишга комплекс ёндашиш бўйича илк тадқиқотдир. Адабий алоқалар нафақат генетик жиҳатдан, балки адабиётларнинг муҳим ўхшаш томонлари билан ҳам диққатга сазовордир.

Ўзбекистон – Ҳиндистон адабий алоқаларини ўрганиш муаммоси шу пайтгача махсус тадқиқот сифатида Россияда ҳам, Ўзбекистонда ҳам ўрганилмаган. Кўп қиррали, кенг қамровли ушбу мавзу аниқ манбаларга таянган ҳолда очиб берилган бўлиб, XI асрдан бошлаб, XV-XVIII асрлардаги Бобурийлар давридаги адабий алоқалар муаммоларига тўхталади, қисман XIX аср ва XX аср алоқалари ривожига ҳар бир босқични очиб беради.

Монография талабалар, лицей ўқувчилари, мутахассислар, ҳиндшунослар ва умуман, адабиётга қизиқувчи китобхонларга мўлжалланган.

Китобни диққат билан кўриб чиқиб, фойдали фикр-мулоҳазалар билдирган масъул муҳаррир Ансориiddин Иброҳимовга муаллиф ўз миннатдорчилигини билдиради.

Масъул муҳаррир:

ф.ф.д., проф. А.П. Иброҳимов

Тақризчилар:

ф.ф.н., доц. У.У. Муҳибова

ф.ф.н. О.Р. Усманова

Ушбу монография ТошДШИ Илмий Кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган (баённома №10, 20.04.2011).

© Ходжаева Т.А.

© Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2011

СЎЗ БОШИ

Монография қадимги даврлардан бошлаб, ҳозирги вақтга қадар (VII-XXI асрлар) Ўрта Осиё минтақасининг Ҳиндистон билан кўп томонлама адабий муносабатларини очиб беради. Бунда асосий эътибор ўзбекистонлик сўз усталарининг адабий алоқаларнинг ривожланиш тарихида тутган ўрни ва аҳамияти таҳлилига қаратилган. Ҳиндистондаги Ўрта Осиё маданияти вакиллари, уларнинг адабий мероси ушбу алоқаларни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ва ҳинд олимлари фаолиятини акс эттирадиган маълумотлар ҳам киритилган. Адабий алоқаларнинг кенгайишига муҳим ҳисса қўшган ёзувчи ва шоирларнинг ижодиётига ҳам эътибор қаратилган.

Материал Ҳиндистон ва Ўзбекистон тарихи, маданияти ва адабиёти билан боғлиқ бўлиб, ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан янги маълумотларни ўзлаштиришга имкон берадиган кенг ва кўп далиллардан иборат тўпламдир ва Ўзбекистонда илк бор чоп этилмоқда. Мутахассисларни тайёрлаш учун қўлёзма фондлари, таржималар, конференциялар материаллари, илмий-тадқиқот ишлар асосида адабий алоқаларни ривожлантириш жараёнларини тадқиқ қилиш натижаларини ўзлаштиришни мақсад қилиб қўйган.

Монография нафақат янги билимлар, далиллар, асослар, илмий маълумотларни беради, балки аспиранталар, ёш олимларни, кейинчалик ўз мутахассисликларини кенгаштиришга рағбатлантиради.

Мутахассислар олган билимлар асосида ҳар бир берилган мавзу бўйича мустақил ишлашлари лозим, чунки бу мавзулар курс иши ва илмий иш ва ҳатто, бадий таржима мавзусига айланиши мумкин.

КИРИШ

Қадим замонларда Ўрта Осиё, Хитой, Ироқ, Афғонистон ва бошқа мамлакатлар билан Ҳиндистоннинг маданий, адабий ва савдо алоқалари жуда чуқур эди, ва айниқса, Ўрта Осиё халқлари билан Ҳиндистон аҳолиси ўртасидаги ўзаро иқтисодий ва маданий таъсир узок ўтмишдан бошланган. Эрамиздан аввалги II асрда Ўрта Осиё халқлари Ҳиндистон билан биринчи марта савдо, иқтисодий ва маданий алоқа ўрнатдилар. Ўша вақтларда Ўрта Осиёдан Ҳиндистонга борадиган йўллар Парфия (Хуросон ва Каспий денгизининг жануби-шарқий қирғоғи) ва Бактрия (Балх-Ҳиндикуш тоғлари билан Амударё ўртасидаги ерлар) орқали ўтар эди.

Тарихий манбаларга кўра, Кушон давлати ҳудудида олиб борилган археологик қазилмалар вақтида топилган кўп қадимий танга пуллар, археологик маълумотлар, архитектура ёдгорликлари ва ҳайкаллар Ҳиндистон билан Ўрта Осиё халқлари ўртасидаги савдо, иқтисодий ва маданий алоқалар бўлганидан далолат беради.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Канишка ҳукмронлиги даврида (эр. I ва II асрлари) Ҳиндистондан Ўрта Осиёга буддизм дини кириб келган. Эрамизнинг II асри бошларида Бактрияда буддистлар ибодатхонаси қурилган. Бу ибодатхона буддизмнинг Ўрта Осиёда кенг тарқалишида катта роль ўйнаган. Буддизм Бактриядан Термизгача, Самарқандга ва Ўрта Осиёнинг бошқа вилоятларига тарқалган (Будданинг ҳайкаллари Ўзбекистонда бир неча бор топилган).

Кушон давлати тараққий этган даврда Ҳиндистон билан Ўрта Осиёдан Ҳиндистонга борадиган савдо йўли илгаригидек Бактрия орқали ўтарди. Ҳинд моллари Ўрта Осиёга Амударёдан, сўнгра Каспий денгизи бўйлаб Волга дарёсида келтириларди, бу ердан Қора денгиз бўйлаб Россияга олиб борилар эди. Ўрта Осиёдан Ҳиндистонга ойна буюмлар, отлар, чарм ва бошқа товарлар олиб борилса, Ҳиндистондан Ўрта Осиёга зиравор, ип ва жун газламалар, марварид, қимматбаҳо тошлар ва бошқа юқори сифатли маҳсулотлар келтириларди.

IX-X асрларда Ҳиндистон, Ўрта Осиё ва Россия халқларининг иқтисодий ҳаётида қарвон орқали савдо қилиш катта аҳамиятга эга бўлган. Шуниси қизиқки, тарихий манбаларга қараганда, бу моллар Мовароуннаҳр шаҳарларидан Ҳиндистонга келтирилган. Афғонистон ва Ҳиндистонда Бухоро шойиси жуда ҳам машҳур эди.

Ўрта Осиё олимлари Ҳиндистон халқининг иқтисодий ва маданий ҳаётини зўр қизиқиш билан ўргандилар.

Ўрта Осиё шоир, ёзувчи ҳамда олимлари ўз халқини ҳинд халқининг маданияти, санъати, фани билан яқиндан таништириш мақсадида Ҳиндистонга саёҳат қилиш, йирик ҳинд олим ва адибларининг асарларини ўзбек тилига таржима қилиш билан чекланиб қолмай, балки ўзлари ҳам Ҳиндистон тўғрисида китоблар ёздилар.

X асрнинг иккинчи ярмида ва XI асрнинг биринчи ярмида яшаган буюк ўзбек қомусий олими хоразмлик Абу Райҳон Муҳаммад ал-Беруний (973-1048) XI аср бошида Ҳиндистон бўйлаб саёҳат қилди.

Бу саёҳат вақтида ал-Беруний Ҳиндистоннинг қадимий адабий тили санскритни, ҳинд халқининг урф-одати, турмуши ва маданиятини ўрганди ва ўзининг “Тарих-ал-Ҳинд” – “Ҳиндистон тарихи” китобида ҳинд халқининг тарихи, ўша вақтдаги Ҳиндистоннинг ижтимоий тузуми, фани ва маданияти тўғрисида қимматли маълумотлар келтирган. Бу китоб ҳинд халқларининг ҳаёти билан шахсан танишиш асосида яратилган қимматли ва ягона қўлёзма асардир.

Ҳиндистон билан Ўрта Осиёда Амир Темур ҳукмронлиги даврида савдо-иқтисодий алоқа давом этди.

Испан элчиси Рюи Тансалесде Клавихонинг ёзишига қараганда “... Бу шаҳар /Самарқанд/ катта савдо ишлари олиб боради ва давлатга анча даромад келтиради. Ҳар йили Ҳиндистондан Самарқандга кўп-лаб савдогарлар мол олиб келади”¹.

Ҳиндистонга Бобурийлар ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳр ва Ҳиндистон халқлари ўртасидаги дипломатик, адабий, маданий, савдо, ҳарбий, меъморчилик ва бошқа кўпгина соҳаларда ўзаро самарали ҳамкорлик алоҳида аҳамият касб этади.

Кашта тикиш, гиламдўзлик, ёғочсозлик, шол, рўмол ишлаб чиқаришни Кашмир ва Жаммуга Қўқон, Самарқанд ва Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларидан келган тожирлар олиб кирган.

Ўрта асрлар давридаги олимлар орасида Ҳиндистон аниқ ва амалий -фанлари ютуқларининг Шарқ мамлакатларида тарқалишида хоразмлик ал-Хоразмийнинг ҳиссаси катта бўлган. Араб адабиётида “Синдҳинд” ҳинд астрономик таълимоти маълум бўлганида Ал-Хоразмийнинг ҳиссаси катта. Унинг “Ҳинд рақамлари билан ҳисоб-китоб қилиш” асари шуҳрат топди.

IX-XI асрлардаги бухоролик ва хоразмлик олимлар ҳинд олимларининг ютуқларига етарлича баҳо берган ҳолда, улардан ўзларининг илмий ишларида оқилона фойдаланишга ҳаракат қилганлар. Бу ерда икки олим – Ибн Сино ва Берунийларни мисол қилиб келтириш мумкин.

¹ Эрматов М. Ўрта Осиё, Россия ва Ҳиндистон халқлари ўртасида дўстона алоқалар тарихидан. –Т., 1959, 53-б.

Ибн Сино ҳеч қачон Ҳиндистонда бўлмаган ва ҳинд олимлари билан учрашмаган, бироқ у ўзининг “Тиб қонунлари” асарини яратишда ҳинд тиббий трактатларидан кенг фойдаланган.

Ўзбекистон ва Ҳиндистон халқлари ўртасидаги иқтисодий, маданий ва сиёсий алоқалари XVII-XIX асрларда ҳам ривожланишда давом этган.

Аврангзеб саройи ҳакими бўлган француз сайёҳи Бернъенинг гувоҳлик беришича, “ёзда Деҳли бозорларининг расталари Бухоро ва Самарқанддан келтирилган қуруқ мевалар билан тўлиб тошган”.

Ўзбекистонда кўпинча ҳиндистонлик катта савдогарлар меҳмон бўлишган. Бухоро, Тошкент, Наманган ва Андижонда, ҳатто ҳинд даҳалари бўлган. XIX асрнинг 20-йилларида Бухоронинг ўзида 200 га яқин ҳинд яшаган бўлиб, улардан 50 га яқини Мўлтон ва шимоли-ғарбий Ҳиндистоннинг бошқа шаҳарларидан келишган.

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг бошларида Ўрта Осиёда 6-8 мингга яқин ҳинд яшаган, улар асосан, синдхйлар ва панжобликлар бўлган. Уларнинг асосий қисми Бухоро, Фарғона, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларида яшаган бўлиб, у ерда уларнинг ерлари, уйлари, боғлари ва қарвонсаройлари бўлган.

Ўрта Осиё ва Ҳиндистон халқлари ўртасидаги ўзаро маданий-иқтисодий алоқалар XVI-XVIII асрларда тарихий фаолияти ҳинд халқлари тарихида улкан из қолдирган Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг авлодлари даврида шиддат билан ривожланди.

Бобурийлар доимий равишда шоирлар, ёзувчилар, олимлар, архитекторлар, тиббиётчилар, мусаввирлар, муסיқачилар ва бошқа маданият арбобларини Ўрта Осиёдан Ҳиндистонга таклиф қилишган. Улар ҳинд маданиятининг энг яхши анъаналарини ижодий жиҳатдан ўзлаштириб, ҳинд халқи билан биргаликда илм-фан, адабиёт ва санъатни тараққиётнинг янада юқори даражасига кўтариб, янги синтезни яратишган.

Ўз навбатида, Самарқанд, Бухоро, Тошкент шаҳарларида кўпгина ҳинд усталари, тиббиётчилар, илм-фан ва санъат арбоблари ҳам яшаганлар. Бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга Шарқ қўлёзмалари – халқларнинг ўзаро маънавий бойишига хизмат қилган адабиёт, санъат ва илм-фан асарлари келтирилган.

Ўзбекистонлик олимлар Ҳиндистонда табиий фанлардан ҳам кенг фойдаланилганлигига ишонч ҳосил қилиш имкониятларига ҳам эга бўлдилар.

Шундай қилиб, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Али Қушчи асарлари Ҳиндистонда астрономия ва тиббий фанларнинг ривожланишига се-

зиларли таъсир кўрсатди. Мамлакатнинг барча қўлёзма фондларида ушбу муаллифларнинг нодир асарлари сақланмоқда.

Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги маданий алоқаларнинг ривожланишига 1958 йилда ташкил этилган Ўзбекистон-Ҳиндистон Дўстлик жамиятининг президенти, Ўзбекистон халқ шоираси, “Жавоҳарлал Неру” ва “Нилуфар” каби мукофотлар совриндори Зулфия катта ҳисса қўшган.

Ҳиндистон 1947 йилнинг августида ўз мустақиллигини қўлга кiritганидан сўнг, ҳинд-ўзбек маданий ҳамкорлиги айниқса кенг ривожлана бошлади. Жавоҳарлал Неру ва унинг сафдоши Лал Баҳодур Шастри ушбу ҳамкорликка асос солишган. Жавоҳарлал Неру икки марта - 1955 ва 1961 йилларда мамлакатимизга ташриф буюрган. Лал Баҳодур Шастри, Сарвапалли Радҳакришнан, Ражендра Прасад, Зокир Ҳусайн ва бошқалар ўзбек халқининг азиз меҳмонлари бўлишган.

Ҳиндистон ҳам, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг давлат ва жамоат арбобларини қабул қилган.

I БОБ. XI-XV АСРЛАР

Ҳиндистон ва Ўзбекистон адабий алоқалари тарихининг босқичлари

Ҳиндистон ва Ўрта Осиё ўртасидаги адабий алоқалар Ўрта Осиёга буддизм кириб келганидан бошлаб ривожлана бошлайди. Лекин биринчи катта адабий ёдгорлик X асрга мансуб, яъни Берунийнинг “Ҳиндистон” асаридир. XII асрда “Панчатантра”. У “Калила ва Димна” номи билан араб тили, сўнг форс тилига ўгирилди, туркий тилга эса XIII асрда таржима қилинди. Ҳозирда туркий тилдаги қўлёзмаси эса Лондонда сақланмоқда. XVI асрда Ҳиротлик шоир Воиз Кошифий уни қайтадан ишлаб, “Анварӣ Суҳайлӣ” номи билан нашр этди. “Калила ва Димна” эса 1898 йилда Қори Фазлуллоҳ томонидан ўзбек тилига таржима қилинди. Адабий жараённинг ўзига хос хусусиятларидан бири уларнинг адабий жараёнда, макон ва вақтда ўзгаришидир. Марказий Осиё халқлари адабиёти ўзининг тарихий ривожланиши даврида турли ўзаро алоқаларга бой бўлган. Бунда Ўзбекистон ва Ҳиндистон адабиётларининг бир-бирига таъсири, асосий йўналишларини ҳар бир даврда ўрганиш муҳим. Бу иккала ҳудуднинг тарихий ривожланишини объектив омиллардан келиб чиққан ҳолда, уларнинг адабий ҳамкорлигида шартли равишда қуйидаги босқичларга ажратиш мумкин:

1. Буддизмнинг ёйилиш даври;
2. Бошланғич давр: X – XV асрлар;
3. Бобур даври: XVI – XVII асрлар;
4. Туркийзабон ва форс адабиёти ривожланиш даври: XVII – XVIII асрлар;
5. Янги ва энг янги давр: XIX – XX асрлар.

Бу муаммони ўрганишда қуйидаги йўналишларни алоҳида ажратиб кўрсатишни лозим, деб ҳисоблаймиз:

- Қазилмалар, буддизмга оид асарлар;
- Қўлёзма ва қўлёзма фондлари;
- Илмий-археологик экспедициялар;
- Адиб, шоирлар асарларининг таржимаси;
- Ёзувчи ва шоирларнинг ижоди;
- Ҳиндистон ва Ўзбекистон адабиётини ўрганиш ва илмий изла-нишларини тадқиқ қилиш;
- Адабий конференция, симпозиум ва учрашувлар, делегация ҳамда адабиёт арбоблари алоқалари ва мулоқотлари;
- Муҳим адабий саналар.

Адабий алоқаларнинг ривожланиши, кўпроқ Бобурийлар даврига тўғри келади. XVI асрда кўпгина олим, адиб ва шоирлар Эрон ва Ўрта

Осиё, Ҳиндистонга келиб яшай бошлади. Шунинг учун Марказий Осиё ва Ҳиндистон ўртасидаги адабий алоқалар ривожланди ва кенгайди. XVII асрга тўхталиб ўтадиган бўлсак, ҳинд услубининг Ҳиндистон, Марказий Осиё, Эрон ва Афғонистонда тарқалганини таъкидлаш керак.

Ўзбек адабиёти тарихидан шарқ халқлари билан дўстона муносабатлар ўрнатишда, адабий ва маданий алоқаларни мустаҳкамлашда вазият тақозоси ила ватанни тарк этиб, 1892 йилда Ҳиндистонда кўним топишга мажбур бўлган Фурқатнинг улуши катта. У қолдирган адабий мерос Ҳиндистон ва Марказий Осиё иқтисодий ва маданий алоқалари тарихини ўрганиш учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Ҳиндистон халқига бўлган ҳурмат-эҳтиром ҳиндлар қалбида шоирга нисбатан миннатдорлик ва меҳрни уйғотди. “Ҳинд халқи ўзбек шоирларидан Навоий ва Фурқат ижодидан воқиф”, – деб гувоҳлик беради таниқли ҳинд адиби Кришан Чандар².

Энг янги давр ҳақида сўз юритадиган бўлсак, Ҳиндистон халқлари адабиётининг бадиий тажрибасини идрок этиш, замонавий шароитларда янада кўп қиррали ва чуқур бўлганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бунда Р.Тҳакур ва ижодининг жаҳон адабиётига таъсири ўсиб бораётганлиги муҳим аҳамиятга эга. Кўпгина ғарб шоирлари, хусусан, Б.Йитс ва Э.Паунд Тҳакур шеърятининг ўзгача пантеистик руҳи билан мафтун бўлишарди ва у Гёте дунёқарашига оҳангдош бўлганлигини таъкидлашади.

Замонавий халқаро адабий алоқаларнинг ривожланиши шунини кўрсатадики, замонавий адабиётларнинг ўзаро таъсирини белгилайдиган омил – бу адабиётнинг асосий вазифаларига бўлган ёндашувнинг яқинлигидир. Р.Тҳакур, унинг ижоди, унинг образ ва ғоялар дунёси XX асрнинг 20-йилларидаёқ Ўзбекистон сўз усталарининг диққатини жалб этади. 40–50-йилларда Тҳакурнинг ўзбек ва рус тилларида бир нечта асарлари чоп этилган.

50–60-йилларда Ўзбекистонда Ҳиндистон мавзуси бўйича, айниқса, таржима адабиёти аҳамиятининг ўсганлигини таъкидлаш лозим.

Ушбу мавзу тўғрисида кўпгина мақолалар, тақризлар, тўпламлар қилинган таржималардан маълумот олишимиз мумкин, аммо улар турли даврга, йўналишларга, масалаларга тегишлидир ва ҳалигача битта яхлит илмий-тадқиқот иши қилинмаган деса бўлади. 60–90-йилларда Ҳиндистон адабиётининг ўрганилиши масаласи бўйича илмий-тадқиқот ишлари натижасида кўп мақолалар, монографиялар чоп этилди. Ушбу

² Эрматов М. Ўрта Осиё, Россия ва Ҳиндистон халқлари ўртасида дўстона алоқалар тарихидан. –Т., 1959, 53-б.

масала бўйича диққатга сазовор бўлган илмий-тадқиқот ишлари ўзбек ва рус тилларида Ҳиндистон ва Покистонда чоп этилган.

Бу изланишларда маданий алоқаларнинг ривожланиш тарихи масаласига кўпроқ эътибор қаратилган. Шу боис, биз нашр этилган манба ва таржималарга асосланиб, муҳим даврлар ва жараёнларга алоҳида таянган ҳолда, адабиётнинг ривожланишида Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро адабий алоқаларни кузатишни мақсад қилиб олдик. Бу борада Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасидаги адабий алоқаларнинг ривожланишига катта ҳисса қўшган таржимонлар, мутахассислар, ҳиндуносларнинг хизмати бекиёсдир ҳамда ҳинд ёзувчи ва шоирларининг 1950 йилдан 2007 йилга қадар “Шарқ юлдузи”, “Звезда Востока” ва “Жаҳон адабиёти” журналларида чоп этилган таржималарини ўрганиб чиқдик, ва асосан, мавзу охирида кўрсатилган адабиётларга таяндик.

Ўрта Осиё ва Ҳиндистоннинг қадимий адабий алоқалари

Эрамиздан бир неча аср илгари Ўрта Осиё орқали Ғарбга, Шарққа, Жанубга савдо йўллари ўтган эди. Ўрта Осиёнинг мазкур савдо йўлларида тутган географик мавқеи, унинг ўша даврдаги, яъни эрамиздан аввалги I – II асрлар ва эрамизнинг I – IV асрларда катта “ҳалқаро бозор”лардан бирига айлантирди ва унинг Ҳиндистон ҳамда бошқа қўшни давлатлар билан маданий ҳамда савдо алоқаларини олиб боришида катта имконият туғдирди.

Тиғиз иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши билан бирга Ўрта Осиё ва Ҳиндистон ўртасида жуда яқин маданий алоқалар ҳам мавжуд бўлган.

Бу даврдан бизга қолган жуда катта ҳажмдаги тарихий ёдгорликлар Кушон империяси даврида яратилган ибодатхонанинг раҳига ўрнатилган ва тошдан ясалган мусиқачилар ҳайкали ажойиб мисол бўлади. Бу ҳайкаллар Амударё бўйларида топилган.

Ўрта Осиё билан Ҳиндистон ўртасида маданий алоқа мавжудлиги сабабли Ўрта Осиёга буддизм кириб келди. Ўрта Осиёда топилган Будда ҳайкаллариининг тасвири Гандҳара санъати услубидадир. Бу ёдгорликларнинг энг қадимгиси эрамизнинг учинчи асрига тааллуқлидир.

V – VII асрларда Ўрта Осиёнинг Жануби-Шарқида жуда кўп будда диний иншоотлари мавжуд бўлган. Хитой сайёҳи Цюан Цзян Термизда ўнта будда ибодатхонасини кўрганлигини айтади. Будда ибодатхоналари Самарқанд, шунингдек, бошқа жойларда ҳам бўлган.

Ҳиндистон ва Ўрта Осиё халқлари ўртасидаги маданий алоқаларнинг янада кенгайишида Берунийнинг “Ҳиндистон” номли китоби катта ўрин тутади. Берунийнинг бу асари ўрта аср бошларида Ҳиндистон

тарихи бўйича ягона қўлланмадир. Олим унда бирламчи даражали манбалар асосида ҳиндларнинг фалсафий ва илмий назариясини, астрономия ва астрологияси, шунингдек, уларнинг қабул қилган ўлчовлари ҳақида муфассал сўзлайди. Шунинг билан бирга, Беруний Ҳиндистоннинг географияси, хусусан, унинг дарёлари, дарёларнинг манбалари ва оқими, Ҳиндистоннинг ижтимоий тузумлари ҳақида сўзлайди, каста тизимида умумий тавсиф беради. Ҳиндистондаги урф-одат, никоҳ, ворислик, ҳинд миллий байрамлари ва унга оид маросимлар ҳақида ҳам маълумот беради. Ҳиндий тилига тавсиф беради. Бу тилда ёзилган асосий фалсафий ва диний асарларни кўрсатиб ўтади.

Қадимги ҳинд асарларидан бири “Панчатантра” (“Беш китоб”) шоҳ ва шахзодаларга таълим-тарбия беришга мўлжалланиб, эрамизнинг дастлабки йилларида яратилган. Дастлаб VI асрда сурёний тилига “Калила ва Димна” номи билан таржима қилинди ва Шарқ халқларида шу ном билан машҳур бўлиб кетган асар насихат руҳида ёзилган бўлса ҳам, унда баён этилган ҳаётий масалалар кўпчилик учун фойдалидир.

Тахмин қилинишича, “Калила ва Димна” асари аввалига кириш ва 5 қисмдан иборат бўлган. Кейинчалик 13 ва 17 тагача кўпайган³. Бу китобдаги ҳикоялар инсонлар каби гапирадиган ҳайвонлар ҳаёти ҳақидадир. Уларнинг муносабати, ҳаёт тарзи ва фикр юритишлари орқали инсонларда бўладиган камчилик ва уларда юқори баҳоландиган хислатлар ҳақида ёзилган. Бу асар нафақат Шарқда, балки Ғарбда ҳам оммабоп ҳисобланади.

Афсонага кўра, “Калила ва Димна” асарининг қўлёзмасини Эронга бир сарой табиби Барзуя шахмат билан бирга олиб келган экан. Бу тахминан 550-йилларга тўғри келади⁴.

Абдуллоҳ ибн ал-Муқаффа (721–757) томонидан араб тилига таржима қилинганидан сўнг бу асар жуда кенг ёйилди. У ўзбек, тожик, озарбайжон тилларига ҳам таржима қилинган.

Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида қадимий, қимматбаҳо ва ноёб қўлёзма ҳамда китоблар мавжуд. Қўлёзмалар фондидаги материаллар орасида шундайлари учрайдики, улар Шарқ халқлари ўртасида мавжуд бўлган маданий, сиёсий, адабий ва савдо алоқалари ҳақида жуда кенг маълумотни ўзида мужассам этган. Бу қўлёзмалар орасида “Калила ва Димна” асари алоҳида ажралиб туради.

³ Крачковский Ю. Сочинения. II том, –М., –С.434.

⁴ Ўша ерда.

Шарқда “Калила ва Димна” кенг ёйилган асарлардан биридир. Бу асар инсонни яшашга ўргатадиган, олийжаноблик ва инсон яхши хулқларини тарғиб қиладиган Шарқ бадиий адабиётининг гўзал намуналаридан биридир.

XIII асрда “Калила ва Димна” туркий тилда қайта ишланган. У Лондондаги “Индия офис” кутубхонасида сақланади.

XVI асрда Султон Ҳусайн Мирзо кўрсатмасига биноан, ҳиротлик шоир Мавлоно Ҳусайн уни араб тилидан форс тилига таржима қилган ва “Анварӣ Сухайлий” номи билан қайта ишлаган. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида унинг бир қанча боблари мавжуд.

Мирза Ҳайдар Ҳудайдод Мирза Ҳусайн ёзган қўлёзма нақшли ҳамда турли рангларда жиловланган эди.

Тошкентда битилган яна бир қўлёзма қўқон қоғозига ёзилган бўлиб, уни Сотиболди Хўжа Юнус Хўжа Шоший ёзган. Унга қизил ва кўк рангларда ишлов берилган.

Аҳмад Дониш ан-Наср ас-Сиддиқий ал-Ҳанафий ал-Бухорий (тахаллуси Калла) ёзган қўлёзма жуда нодир ва ноёбдир. Калла XIX аср охирида яшаган бухоролик ўқимишли ва донишманд киши. Қўлёзманинг ёзилган даври 1313/1895-96 йил.

Бобурийлар Ҳиндистонни бошқарган даврда ўзбек-ҳинд маданий алоқалари янада кенг қулоч ёзган. Бунга мисол қилиб, Жалолиддин Муҳаммад Акбар вазири Абу-л-Фазл Муборак шоҳ 1587 йилда “Анварӣ Сухайлий”ни қайта ишлагани, асар тилини соддалаштирганини айтиш мумкин.

Қўлёзмалар фондида туркий тилга таржима қилинган “Анварӣ Сухайлий” асарининг яна 4 нусхаси мавжуд. Бу таржима Қошғар ҳокими Муҳаммад Имомбекка Мулла Муҳаммад Тимур томонидан 1131/1787 йилларда тортиқ қилинган эди.

Институт қўлёзмалар фондида бу асарнинг 20 дан ортиқ нусхаси мавжуд. Улар араб, форс-тожик, ўзбек ва бошқа шарқ тилларида бўлиб, Тошкент, Қозон, Лахўр, Байрут ва бошқа жойларда ёзилган. “Калила ва Димна” асарини 1898 йилда Қори Фазлуллахон, айниқса, ўзбек китобхонлари учун таржима қилган бўлиб, у жуда оммалашган. 1901 – 1913 йиллар ичида у 3 марта қайта нашрдан чиқарилган.

Таржимада “Панчатантра”нинг фақат номи ўзгарибгина қолмаган. Кейинчалик асарнинг мазмуни, тузилишига ҳам ўзгартиришлар киритилган. Таржимонлар асарга эркин ёндашганлар, ўз даврига қараб асарга қўшимчалар қилганлар. Натижада “Калила ва Димна” “Панчатантра”нинг таржимаси эмас, балки мустақил бир асарга айланган. “Калила ва Димна”нинг ўзбек тилида бир неча хил таржимаси мавжуд-

лиги ва кейинги 15 – 20 йил мобайнида бир неча бор катта нусхаларда нашр этилиши (Суйима Ғаниева таржимаси) бу асарнинг халқимизга қанчалик мақбул эканлигининг белгисидир. 1992 йилда таниқли адабиётшунос олим ва таржимон Иброҳим Ғафуров таржимасида “Панчатантра”нинг ўзбек тилида чоп этилиши муҳим воқеа бўлди.

“Ҳитўпадеша” асари “Панчатантра”дан “ёш”роқ – у 10 – 14 асрлар мобайнида Бангал вилоятида яратилган. Ҳинд адабий анъанасига кўра, Нарайан Пандит мазкур асарнинг муаллифи ҳисобланади. Асар қадимги ҳинд тили – санскритда ёзилган. У мақол, матал, ҳикматли сўзларга бой, воқеалар ҳайвонлар тилидан сўзланади.

“Ҳитўпадеша” тузилиши жиҳатдан “Панчатантра”га ўхшайди. Бир қатор мавзулар “Панчатантра” ва бошқа манбалардан олинган. “Панчатантра”дан олинган сюжетлар қайта ишланган. “Ҳитўпадеша”нинг тили “Панчатантра”га қараганда содда ва равон, мақол, матал ва ҳикматли сўзларга жуда бойлиги билан ажралиб туради. Шу сабабларга кўра асар ниҳоятда мароқ билан ўқилади. “Ҳитўпадеша”ни ҳиндий тилидан ҳиндшунос А.Иброҳимов таржима қилган, китоб 1997 йилда нашр этилган.

Беруний ва унинг “Ҳиндистон” асари

Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад Беруний (973 – 1048) кўпчилик Шарқ олимлари каби илмнинг турли соҳаларининг чуқур билган қомусий олим эди. Беруний ўрта аср Шарқ илм-фанининг деярли ҳамма соҳасида – астрономия, математика, жўғрофия, тарих, геодезия, минерология, фармакогнозия, фалсафа, филология, ҳатто шеърятда ҳам сезиларли из қолдирган.

У 973 йилда Қиёт номли бир кичик шаҳарда туғилган (Амударёнинг ўнг қирғоғида). Ҳозирги кунларда Беруний номли шаҳар қурилган.

Тақдир тақозоси билан Беруний номи ва асарлари то XIX асргача овруполик олимлар диққатидан деярли четда қолиб келган. Фақат 1876-1878 йиллари австриялик олим Эдуард Захау Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарининг арабча матнини чоп эттирди, 1879 йилда эса инглиз тилига ўгирилган таржимасини оммалаштирди. Натижада Овруполиклар кечикиб бўлса-да, Беруний асарлари билан таниша бошладилар ва олим номи ўз сафдошлари қаторидан арзигулик жой эгаллади.

Беруний даставвал яратган асарларнинг энг йириги “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” бўлиб, мавзу доираси, унда қамраб олинган материал ниҳоятда бой, кенг. Унда Марказий ва Яқин Осиё, Греция, Рим халқлари тарихининг қиёсий хронологияси, этнографияси, маданияти, эътиқоди, турли анъаналари ҳақида маълумот

берилади. Бу асарда Беруний дунёқараши ҳам ўз ифодасини топган. Олим Шарқ фанининг Форобий, Ибн Синога ўхшаган илғор вакиллари каби Марказий Осиё халқларига хос бўлган илғор фалсафий қарашлар ва қадимги юнон файласуфлари, айниқса, Аристотель ва атомчилар анъанасини давом эттирди.

Математика ва астрономияга оид ишларида олим тригонометрияга оид баъзи муаммоларни ҳал қилади, ер куррасининг ўз даври учун энг аниқ бўлган ўлчовини ишлаб чиқади, ўрта асрларда биринчи бўлиб ер курраси модели – глобусни, астрономияга оид янги асбобларни яратади. Беруний Архимед қонунига суянган ҳолда минераллар оғирлиги орқали сифатини аниқлаш йўллари кешф этади, уларнинг таснифини тузишга киришади. Астрономияга оид асари “Ал-Қонун ал-Масъудий”дан олдин ҳам Беруний бу соҳа, айниқса, осмон ёриткичлари ҳаракати билан қизиқиб келган ва бир қанча рисолалар ёзган.

Беруний яратган асарлар орасида ҳам ҳажми, ҳам аҳамияти жиҳатидан йириги “Ҳиндистон” эди. Ҳозирги ҳинд олимларининг фикрича, Ҳиндистон ҳақида ҳалигача ҳиндларнинг ўзлари ҳам шундай ажойиб асар яратмаганлар, Берунийгача эса, умуман ҳеч нарса ёзилмаган. Шунинг учун ҳиндлар Беруний номини чуқур ҳурмат билан тилга оладилар.

Ҳиндистон ҳақида асар ёзишга киришар экан, Беруний қадимий ҳинд тили - санскритни ўрганади, бу тилда ёзилган китоблар билан танишади, турли соҳа вакилларида маълумотлар тўплайди, ҳиндлар ҳаёти, урф-одати, айниқса, эътиқодига оид диний китоблар билан батафсил танишади. Беруний фақат ҳинд китоблари билангина қаноатланмай, қадимги юнон, рим адиблари асарларидан ҳам фойдаланади. “Ҳиндистон”нинг рус тилига таржимаси учун сўз боши ёзган олимлар А.Б.Холидов ва В.Г.Эрманларнинг аниқлашича, Беруний асарда Ҳомер, Платон, Аристотель, Иоанн Грамматик, афродизиялик Александр, тианлик Аполлоний, Порфирий, Аммоний, Арат, Гален, Птоломей кабиларнинг асарларидан фойдаланган ва парчалар келтирган.

Беруний яратган “Ҳиндистон”га ўхшаган асар умуман фан тарихида учрамайди. Унда ҳам мамлакат, ҳам ярим орол халқлари ҳақида шунчалик бой маълумот бериладик, ақл бовар қилмайди: диний табақалар, эътиқодлар, хурофот, фалсафа, аниқ фанлар, қонун ва урф-одатлар, диний-тарихий афсоналар, ёзув турлари, ярим орол жўғрофияси, адабиёти ва ҳоказолар. Кейинги даврлар олимлари Беруний берган маълумотларнинг тўғрилигини текшириб, олимга хос бўлган илмий ҳалолликни яна бир бор тан олганлар.

“Ҳиндистон” асарида берилган маълумотлар шунчалик бой ва қимматлики, улар ҳалигача ҳам ўз моҳиятини йўқотмаган. Бу асарга тенг келадиган бирор асарни тилга ололмаймиз, дейдилар “Муқаддима” муаллифлари.

У Аристотель, Архимед, Демокрит асарларини яхши билган. XI асрда Махмуд Ғазнавий ўз қўшинлари билан Хоразмни босиб олади. Минглаб асирга олинганлар орасида Беруний ҳам бўлган.

Ҳиндистон Берунийга қадар араб ва форс адабиётида мўъжизалар мамлакати сифатида намоён бўлган. Беруний Ғазнада ҳинд олимлари билан танишган. 1030 йилга қадар 12 йил мобайнида у Ҳиндистонда бўлган. “Ҳиндистон” асари устида ишлаган вақтда Берунийнинг илмий услуби – материалга танқидий ёндашув яққол намоён бўлган. У 45 ёшида санскрит тилини ўргана бошлади, бир неча маротаба Ҳиндистонга ташриф буюрди. У Евклиднинг “Элементлар” ҳамда ўзининг астрономик асарини санскрит тилига таржима қилди. У таржимаси муваффақиятсиз чиққан деб ҳисоблаган “Панчатантра”ни араб тилига таржима қилмоқчи бўлади. Унинг Ҳиндистон тўғрисидаги иши XI аср тарихини ўрганишда муҳим манбага айланди. Беруний 14 та юнон муаллифининг 24 та асари, 40 та санскрит манбаларидан фойдаланган. 150 дан ортиқ асар унинг қаламига мансуб: шундан 70 таси астрономия, 20 таси математика, 18 таси адабиёт (шу жумладан таржималар ва библиографиялар) соҳасига оид, у картограф, физик, файласуф, тарихчи, этнограф сифатида машҳур бўлган.

Бизгача Берунийнинг фақат 27 та асари етиб келган. У 17 ёшидан бошлаб тадқиқот ишлари билан шуғуллана бошлади. У ҳозирги Ўзбекистон, шимолий Эрон, Афғонистон, Покистон, шимолий Ҳиндистонда яшаган. Беруний “Ҳиндистон” асари устида ишлаётган вақтда санскрит тилидаги юздан ортиқ манбалардан фойдаланган, ва иккинчидан, “Ҳиндистон” асари ёзиб тугатилганидан сўнг беш йил ўтгач, у тузган ўз асарлари рўйхатидан маълум бўлишича, у ҳинд материалларига асосланган 20 та асар ёзган.

Беруний асарнинг 80 бобида деярли бутун асрда тарқалган филологик мазмундаги маълумотлардан ташқари учта қисмни – Ведалар, Пураналар ва ҳиндларнинг диний адабиёти тўғрисидаги XII боби, грамматика, шеърийатга оид китоблар ҳақида сўз юритиладиган XIII боб ҳамда ҳиндча мактублар тўғрисидаги маълумотни ўз ичига олган XVI бобни атайлаб ажратиб кўрсатади.

Алишер Навоий ва Ҳиндистон

Алишер Навоий турк дунёси адабиётининг энг машҳур вакилидир. Чунки ҳеч ким бу тил ва адабиётнинг равнақи учун унингдек хизмат қилолмаган. Навоий ижоди туркий адабиётнинг энг юксак чўққисидир. Ҳеч ким унга қадар бу тилда бунчалик “кўб ва хўб” ёзмаган эди. Навоий барча туркий халқларнинг энг буюк шоиридир. Навоий Хитойдан то Хуросонгача ёйилган туркий қавмларни бир адабий тил байроғи остида

бирлаштирди, “якқалам” қилди. Бу билан миллатнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий равнақига улкан таъсир кўрсатди.

Алишер Навоий 1441 йил 9 февралда Шохрух Мирзо ҳукмронлиги даврида Ҳиротда туғилди. Замондошлари унинг ҳақида кўпинча “Низомиддин Мир Алишер” деб ёзадилар. “Низомиддин – дин-диёнат” низоми дегани бўлиб, донишманд мансаб эгаларига бериладиган сифат, “мир” – амир демакдир. Унинг отаси Ғиёсиддин Муҳаммад темурийлар саройининг амалдорларидан, хонадонининг ишончли кишиларидан эди. Онаси амирзода Шайх Абусаид Чангнинг қизи бўлган, исми маълум эмас.

Алишер сарой муҳотида яшаганлиги учун алоҳида тарбия ва назоратда ўсди. Кичиклик чоғидан шеър ва мусиқага ишқи тушди. Олиму фозиллар даврасида бўлди. Уч-тўрт ёшларида даврининг машҳур шоири Қосим Анварнинг бир шеърини ёд айтиб меҳмонларни ҳайратга солди. Бир йилдан сўнг эса уни мактабга бердилар. У бўлажак султон Ҳусайн Бойқаро билан бирга ўқиди. Унинг зеҳни ва иқтидори ҳақидаги гаплар эса эл орасида тарқалиб борди.

1447 йилда Шохрух Мирзо вафот этиб, темурий шаҳзодалар орасида тахт учун кураш бошланади. Ҳирот нотинч бўлиб қолади. Алишерлар оиласи Ироққа йўл олади. Йўлда, Тафт шаҳрида Алишер замонасининг машҳур тарихчиси “Зафарнома”нинг муаллифи Шарофиддин Али Яздий билан учрашади.

1452 йилда Абулқосим Бобур Мирзо Хуросон тахтига ўтиради, нотинчликлар босилади. Алишер эса ўқишни давом эттиради. Мактаб ёш Алишерни шеърят, адабиёт оламига олиб кирди. Бўлажак шоир Саъдий Шерозийнинг “Ғулистон”, “Бўстон” асарларини, Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр”ни (Қуш нутқи) катта иштиёқ билан ўқиди. Айниқса, қушлар тилидан келтирилган ҳикоятлар ва уларнинг чуқур мазмуни Алишернинг ўй-хаёлини тамом эгаллаб олди. Умрининг сўнгида эса “Лисон ут-тайр” (Қуш тили) номи билан китоб ёзди.

Бўлажак шоирнинг севиб ўқиган шоирлари яна Низомий Ганжавий ва Хусрав Дехлавийлар эди. 1453 йилда Алишернинг отаси вафот этди. Алишер Абулқосим Бобур хизматида кирди. У 7-8 ёшида шеър ёзгани маълум, улар туркийча битилган. У форсча шеърлар ҳам ёзди. Ўзбекча шеърларига “Навоий”, форсчасига “Фоний” тахаллусини қўйди. “Наво”нинг бир маъноси – куй, оҳанг, яна бири – баҳра. Дард, ғамни ҳам “наво” деганлар. “Фоний” эса ўтиб кетувчи, йўқ бўлувчи, вақтинча дегани. Шоир тахаллуслари шу барча маъноларни қамраб олади.

1457 йилда Абулқосим Бобур Мирзо вафот этди. Навоий шу йиллари шоир сифатида жуда катта шуҳрат топа борди. 1465-1466 йил-

ларда унинг мухлислари шеърларини тўплаб “Девон” туздилар. Бу китоб бугун “Илк девон” номи билан машҳурдир.

Алишер Навоий 1469-1472 йилларда муҳрдор, 1472-1476 йилларда вазир бўлиб ишлади. 1487-1488 йилларда Астрободда ҳокимлик қилди. Ҳусайн Бойқаро уни ўзига ғоят яқин тутар, ҳар бир нарсада у билан маслаҳатлашар ва уни ниҳоятда кадрлар эди.

Ҳусайн Бойқаро ҳокимият ишларида Навоийнинг ақл ва садоқатига таяниб иш кўрди. Уни қаршилигига қарамасдан, юқори мартабаларга кўтарди, 1472 йилда эса “амир” (вазир)ликка қўйди. Буюк шоир “амири кабир” (улуғ амир), “амирул муқарраб” (подшоҳга энг яқин амир) унвонларига мушарраф бўлди.

Алишер Навоий шеърни, шоирликни ҳамма нарсадан баланд тутди. Вазирлик мартабасида туриб ҳам шеър ёзишни тўхтатмади. Шоҳ Ҳусайн Бойқаронинг ўзи унга раҳнамолик қилди. Улуғ шоирнинг илк шеърӣ девонини мухлислари тузган бўлсалар, биринчи девони – “Бадое ул-бидоя” (Бадиийлик ибтидоси)ни 1472-1476 йилларда шоҳнинг амри ва истагига кўра ўзи китоб қилди. 1476-1483 йилларда иккинчи девон “Наводир ун-ниҳоя” (Ниҳоясиз нодирликлар) майдонга келди. Навоийнинг энг катта орзуси йирик дostonлар ёзиш, биринчи навбатда XII асрнинг буюк шоири Низомий Ганжавий (1141-1209)дан кейин шоирлик қудратининг мезонига айланиб қолган “Хамса” яратиш эди.

Навоий беш dostonни икки йилда ёзиб тамомлайди - 1483 йилда “Хамса” ни ёза бошлаб, 1485 йилнинг бошида тугатади. Туркий тилда биринчи мартаба “Хамса” яратилади. Олиму фузало – барча бу ходисани зўр олқиш билан кутиб олди.

1480-1490 йиллар Навоий учун бадиий ижодда самарали давр бўлди. Шоир “Хамса”дан кейин кўп ўтмай, кетма-кет насрий китоблар яратди. У 1488 йилда ёзган “Тарихи мулуки Ажам” (Ажам шоҳлари тарихи) шуларнинг бири эди. Китобнинг асосий ғояси ўтган шоҳларнинг ҳаёти, қилган ишлари орқали замондошларига ибрат ва сабоқ бермоқдир. 1491 йилда шоир муаммо жанрига бағишланган “Рисолайи муаммо” (иккинчи номи “Муфрадот”) рисоласини ёзди. Навоий ўзбек тилида муаммо ёзган илк ўзбек шоирларидан бўлди. “Ҳазойин ул-маоний”га унинг 52 муаммоси киритилган. Навоийнинг 1490 йиллардаги энг катта хизматларидан бири “Ҳазойин-ул-маоний” (“Маънолар хази-наси”) ни тузиш бўлди. 1492-1498 йилларда тартиб қилинган 4 китобдан иборат девондан бу улкан куллийёт шоирнинг туркий тилда ёзилган деярли барча лирик шеърларини қамраб олган эди.

Навоий араб, форс тилларини мукаммал билган ва уларда ҳам ажойиб асарлар ёзиш қудратига эга эди. “Хамса” асари буюк шоирнинг

тарих ва илми нужумни пухта эгаллаганлигини намойиш этган эди. Луғатшунослик борасида эса “Сабъату абхур” (Етти денгиз) номли китоб ёзган. Айниқса, 1498-1499 йилларда хатларини тўплаб “Муншаот” тузди. 1500 йилнинг охирларида ёзиб тугатган “Маҳбуб ул-қулуб” асари унинг сўнгги асари бўлиб қолди. “Маҳбуб ул-қулуб” – қалбларнинг маҳбуби, кўнгилларнинг севгани дегани. Бу асар дунёнинг аччиқ-чучугини кўрган, гоҳо бахтиёрлик, гоҳо бахтсизлик топган буюк шоир ва мутафаккирнинг 60 йиллик ҳаётига якун бўлди. Бу асар, бир сўз билан айтганда, яхшилик ва ёмонлик ҳақидадир.

Алишер Навоий 1501 йилнинг 3 январида вафот этди. Бутун халқ – шоҳдан гадогача, олимдан чўпонгача, шоирдан деҳқонгача улуг фарзандининг ўлимига қайғу ва изтироб билан мотам тутади.

Алишер Навоий Македония шоҳи Александрга бағишланган ва барҳаёт “Хамса”нинг якунловчи – бешинчи достонини 1485 йили ёзиб тугаллади. Навоий салафлари Низомий ва Хусрав Деҳлавий каби олдида тарихий дoston яратишни вазифа қилиб қўймади. Навоий учун Искандар тарихий шахс эмас, балки идеал ҳоким, лашкарбоши, айна вақтда, ҳақиқий олим, табиат тадқиқотчиси. Алишер Навоий “Садди Искандарий” достонига бош қахрамон қилиб румлик фотиҳнинг тимсолини олган бўлса ҳам, унинг ғалабаларини тавсифлаш мақсадини кўзда тутган эмас. Асар йирик фалсафий, дидактик умумлашмалардан иборат. Шоир ифодаламакчи бўлган барча фикрлар ана шу марказий қахрамон орқали баён этилади. Низомий, Деҳлавий, Жомий ва Навоий ўз “Искандарнома”ларини ёзар эканлар, давр талаби ва ўз дунёқарашидан келиб чиққан ҳолда у ёки бу масалани ҳал қиладилар.

“Садди Искандарий” Навоий дostonлари орасида энг йириги бўлиб, у ўн тўрт минг тўрт юз мисрадан ортиқроқдир. Достонда анъанавий боблардан сўнг Эрон тарихи берилади, Искандар мавзуси ўн бешинчи бобдан бошланади.

Шоирни Жаҳонгирнинг таржимаи ҳоли эмас, балки унинг адолат ўрнатиш йўлида олиб борган фаолияти ва ўғитли нутқлари қизиқтиради. Искандарнинг Кашмирдаги фаолиятидан хабар топган Ҳиндистон ражаси ўз ихтиёри билан Жаҳонгирга тобе бўлади ва Деҳлида қишлашни таклиф қилади. Навоий Искандарни шунчалик инсонпарварлик, халқпарварлик хислатлари билан бойитгани боис халққа озор бермаслик учун ража таклифини рад этиб, Синд дарёси соҳилидаги дарахтзорга жойлашади.

Навоий ўзининг “Садди Искандарий” достонида Искандарнинг ҳаёти билан боғлиқ кўплаб ҳодисаларни ёритиб беради. Искандар ватанга қайтади, лекин унинг саломатлиги анча ёмонлашган эди, у садоқатли

дўстларини атрофига тўплаб мамлакатни тақсимлаб беради. Искандар ҳаётининг охирги дамлари келганини англайди. Навоий Искандарнинг шоҳлик ва донишмандлик фаолиятини туташтирган ҳолда тасвирлайди. Навоий ҳар бир бобнинг сўнги қисмида ўзига мурожаат қилиб ахлоқий хулосалар чиқаради. Шунинг учун “Садди Искандарий”ни “Искандарнома”лар орасида энг характерли насихатнома дейишга ҳақлимиз. Алишер Навоий яратган Искандар тимсоли золим босқинчи, вайрона келтирувчи зобит ҳам эмас, дунё лаззатларидан қўл силкитган дарвеш, зоҳид ҳам эмас. Зўравонлик, золимликнинг ашаддий душмани, имкони борида қон тўкишдан қочиб, мазлумларни ҳимоя этувчи адолатли, лекин шахсияти зиддиятлардан холи бўлмаган, борган сари ҳукмронлик лаззатини англаб ета бошлаган шоҳдир.

Жаҳон маданияти тарихида шоир, файласуф, маърифатпарвар, сиёсий арбоб, фан ва санъат ҳомийси сифатида ном қолдирган Алишер Навоийнинг кўп қиррали фаолияти Ҳиндистонда ҳам кенг адабий жамоатчилик томонидан юксак баҳоланади.

Навоий асарлари Ҳиндистонда ҳам маълум ва машҳур эди. Бобурийлар саройларида кўплаб ўртаосиёлик шоир ва рассомлар ижод қилади. Улар ўз ижодларида Навоий хотираларига, унинг образлари ва ғоялари дунёсига мурожаат қилганлар.

XIX аср ўрталарида Навоий асарлари ва унинг замондошлари яратган ҳамда шоирнинг ҳаёти, ижоди ва ижтимоий-сиёсий фаолияти ҳақида қимматли маълумотларни ўзида мужассамлаштирган тарихий йилномалар Ҳиндистонда эълон қилина бошланади. 1857 йил Бомбайда чоп этилган таниқли тарихнавис олим Хондамирнинг асарида Навоийнинг Ҳиротдаги ҳаёти тўғрисида қизиқарли ва тўла маълумотлар келтирилади. 1887-1900 йилларда Бомбай шаҳрида Давлатшоҳ Самарқандийнинг (1438-1491) Темурийлар даври шоирлари ҳақидаги асарида ўзбек классик адабиётининг асосчиси тўғрисидаги очерк ҳам жой олган.

Ўзбек классик адабиётининг асосчиси ўз асарларида Ҳиндистонга, унинг халқи, тарихи ва маданиятига бир неча марталаб мурожаат қилади. Шу ўринда унинг “Ҳамса”сидаги “Сабъаи сайёр” (“Етти сайёра”) ва “Садди Искандарий” (“Искандар девори”) дostonлари алоҳида ажралиб туради. Навоийнинг бу дostonларида ҳиндистонликлар асарда иштирок этувчи шахслар бўлиб майдонга чиқадилар ва содир бўладиган воқеалар силсиласи китобхонни Ҳиндистон заминига етаклайди.

Алишер Навоий Амир Хусрав Дехлавийга катта ҳурмат билдиради ва Хусравнинг шеърӣ истеъдоди ҳеч бир ҳукмдор бутунлай ўзига бўйсундира олмаган бутун Ҳиндистонни ўзига забт этди, деб ёзади.

Навоий форсийзабон ҳинд шоири Имомиддин Лахўрийнинг “Лайли ва Мажнун” достони ва ҳинд шоири Ҳасан Деҳлавий (1253-1327) ижодига юқори баҳо беради. XV асрда яшаб ижод қилган Ҳиндистоннинг кўпгина шоирлари Жомий ва Навоий билан учрашишни ва суҳбат қуришни орзу қилишар эди. Шарқшунослик институтида сақланаётган “Тазкира-и Ҳусайний” қўлёзмаси ҳиндистонлик шоир Жамол қандай қилиб Жомий ва Навоий билан учрашиш шарафига муяссар бўлганлиги ҳақида маълумот беради.

“Замана” журналида Премчанднинг “Юсуф ва Зулайҳо” достони мисолида ишқ тушунчаси ва унинг тафсили ҳақидаги мақоласи эълон қилинади. Маълумки, Алишер Навоий ҳам ана шу сюжет асосида дoston ёзишга киришган эди, лекин ўлим унинг бу орзусини рўёбга чиқаришга халақит қилган эди.

“Ўрта Осиё тарихи” номли 2 жилдлик асарида ҳиндистонлик олим Р.Санскритян Ўрта Осиёнинг темурийлар даврига мансуб бўлган адабий ёдгорликларини тадқиқ қилиб, тарихий йилномалар, Ўрта Осиёдан Ҳиндистонга борган элчиларнинг расмий маълумотлари, ўша давр давлат ва сиёсий арбобларининг фаолияти устида тўхталиб ўтади. Бу асар 1958 йил Ҳиндистон адабиёт академиясининг мукофотиغا сазовор бўлган.

Р.Санскритян ўз асарида Алишер Навоий яшаган давр, шоир шахсияти, унинг ўзбек классик адабиётини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ҳақида батафсил ва изчиллик билан тўхталиб ўтади. Ҳиротда XV асрнинг иккинчи ярмида маданиятнинг гуллаб-яшнаши тўғрисида тўхталиб, ҳинд олими “Ҳиротда адабиёт ва санъатнинг гуллаб-яшнашида туркий адабиётнинг Калидасаси – Алишер Навоийнинг хизматлари катта”, деб таъкидлайди. Ҳинд олими Навоийнинг кўплаб асарлари орасидаги “Хамса”ни алоҳида ажратиб кўрсатади. Бунинг сабаби бор, албатта. “Хамса” асари анъанага кўра фақат форсий тилида яратилар эди. Ўзбек шоири биринчи бўлиб, ана шу анъанани бузишга журъат этади ва ўз “Хамса”сини яратиш учун туркий тилдан фойдаланади. Асарда муаллиф Низомий, Хусрав Деҳлавий ва Навоийлар яратган “Хамса” асарларини биров таҳлил ҳам қилади.

Деҳли дорилфунуннинг профессори, кўп йиллар мобайнида Тошкент Давлат университетида дарс берган Қамар Райиснинг урду тилида чоп этилган ўзбек шеърляти антологиясида шундай ёзилган: “Мен ўзбек дўстларимнинг ёрдами билан Навоий, Муқимий ва Нодира каби машҳур шоирларнинг шеърларини мутолаа қилар эканман, бу шеърлар XVII ва XVIII асрда яшаб ижод этган Вали, Мир Тақий Мир, Савдо, Назир ва бошқа ҳиндистонлик шоирларнинг назмларига жуда ўхшаб кетишини

кўриб, ҳайратда қолдим”⁵. Навоий ва ҳиндистонлик шоирларнинг ғоя ва образлари ўртасидаги ўхшашлик, яқинликни ўша даврдаги объектив тарихий шарт-шароитлар замиридан излаб, доктор Қамар Райис Алишер Навоий, Мир Такий Мир (1728-1810) ва Мирзо Асадуллахон Ғолибларнинг (1797-1869) инсонни буюкликка кўтарувчи, унинг куч-қудрати ва истеъдодини улуғловчи шеърларидан намуналар келтиради.

Ёзувчи ва публицист Латиф Аҳмаднинг китобида Алишер Навоий ҳақидаги мақола ҳам жой олган.

Навоийнинг “Хамса” асарига асос бўлган афсоналар сюжетларига XX асрда ҳам ҳиндистонлик ёзувчилар мурожаат қилганлар. Масалан: Мирзо Русва (1858-1931) 1896 йилда “Лайли ва Мажнун” номли шеърӣ драмасини ёзади, панжоблик драматург Картар Сингх Дуггал (1917 йилда туғилган) “Фарҳод ва Ширин” тўғрисидаги афсоналар асосида 1958 йилда “Тоғ қазувчи” (“Кўҳкон”) номли пьесани яратди.

Халқларнинг юксак орзуларини куйлаган ўзбек шоирининг ижодини бенгалиялик ёзувчи Гўпал Ҳалдар (1902 йилда туғилган), ражастанлик адиба Ранӣ Лакшми Кумари Чундават ҳам ўзининг “Ҳимолай тоғининг нариги томонида” китобида ҳам (Ҳималаи ке ус паар) А.Навоий тўғрисида айтиб ўтади.

Ўрта Осиё ва Ҳиндистон адабий алоқалари ҳақида “Ойини Акбарӣ”даги маълумотлар

Абул Фазл Алломийнинг “Ойини Акбарӣ” (“Акбар тузуклари”) асари бошқа кўпгина асарлар каби XVI аср Ҳиндистон адабиёти, адабий ҳаёти ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади. Абул Фазл келиб чиқиши жиҳатидан Ўрта осӣлик бўлган.

Аввалига “Ойини Акбарӣ” Абул Фазлнинг уч томлик “Акбарнома” хроник асари таркибига кирар эди. Лекин кейинчалик мазмун, ғоя жиҳатдан ўзига хос маълумотларни ўз ичига олганлиги сабабли, у алоҳида китоб шаклига келтирилди⁶.

Қимматли маълумотлар манбаи сифатида “Ойини Акбарӣ” тадқиқотчилар, хусусан тарихчилар томонидан юқори баҳоланди. К.А.Антонованинг фикрича, “Ойини Акбарӣ”да турли-туман масалалар кўтарилганига кўра, уни Ал-Берунийнинг машҳур “Ҳиндистон” асарига тенглаштиради.

Акбаршоҳнинг ҳаммаслаги, яқин дўсти ва вазири ҳисобланган Абул Фазл ихтиёрида подшоҳ девонхонасидаги барча ҳужжатлар

⁵ Ўша жойда. 153-б.

⁶ Антонова К.А. Очерки общественных отношений и политического строя Монгольской Индии времен Акбара (1556-1605). –М., 1952. –С.4.

бўлган. Шунинг учун ҳам унинг маълумотлари ишончли эканлигига шубҳа йўқ. Яна шуни ҳам таъкидлаш жоизки, “Ойини Акбарий”нинг асосий ғояси Акбарни мадҳ этишдир. Шу билан бирга асарда келтирилган деярли барча далиллар мамлакат шоҳи фойдасига, уни улуғлаш мақсадида келтирилган.

Тадқиқотчиларнинг бу фикрлари, шунингдек, асарда келтирилган адабий ҳаёт ва ўша даврни тавсифловчи маълумотларга ҳам тегишли.

Акбаршоҳ саройида адабий муҳит ҳақидаги хабарлар асарнинг иккинчи қисмида, яъни армия тузуми ва мансаблар табели ўрин олган бўлимга киритилган. Ушбу бўлим охирида амирлар ва анча таниқли ҳисобланган олимлар ва шоирлар рўйхати келтирилган. Шоирлар ҳақида маълумотлар бериш билан бир қаторда, уларнинг асарларидан парчалар берилган. Бу бўлим “Қофия ижодкорлари” деб номланади. Муаллиф ушбу асарда шоирлар ҳақидаги маълумотларни беришдан аввал, улар ва уларнинг шеърляти тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиради.

Абул Фазлнинг фикрича, адабий асар ҳукмдорга бағишланса, у кўп асрлар сақланиши мумкин.

Тарихий манбаларга асосланиб шуни айтиш мумкинки, XVI асрда, айниқса, шу асрнинг иккинчи ярмида Ҳиндистонда кучли адабий ҳалқа вужудга келди. Мазкур ҳалқага тааллуқли шоирларнинг кўпчилиги Эрон, Афғонистон ва Ўрта Осиё каби Ҳиндистонга қўшни мамлакатлардан келган шахслар бўлган.

Абул Фазл асаридан ўрин олган 59 нафар шоир орасида Ўрта Осиёлик 11 нафар шоир ҳақида маълумот беради. Мазкур шоирлар ҳам Ҳиндистон адабий ҳалқаси қатнашчилари ҳисобланган. Шоирлар ҳақидаги маълумотлар қисқа, лўнда иборалар орқали очиб берилган. Баъзан эса бир неча сўзлар билан ифодалаб берилган. Абул Фазл ушбу асарни ўша давр Ҳиндистон адабиётини яхши билувчиларига бағишлаган бўлиши керак. У ўз олдида китобда келтирилган шоирларнинг подшоҳ саройига бўлган шахсий ҳамда ижодий муносабатини очиб беришни асосий мақсад қилиб қўйган. Тўғри, шоирлар ҳақида келтирилган қисқа, лўнда маълумотлар орқали, улар ҳақида тўла маълумот ҳосил қилиш учун етарли эмас. Шунинг учун биз қуйида “Ойини Акбарий”даги маълумотларни тўлдирган ҳолда, унда келтирилган 11 та шоир ҳақида бироз кенгрок тўхталиб ўтишни лозим топдик.

1. Қосим Кўхий. Тўлиқ исми – Нажмуддин Абул Қосим Кўхий 1463 йилда Самарқанд яқинидаги Миёнкалий деган жойда туғилган. 15 ёшида у таълим олиш учун Ҳиротга боради. У ерда шоир машҳур олим ва шоир Абдураҳмон Жомийнинг мактабида таҳсил олди. Кейинчалик у Кобулда бир неча йил яшаб қолди ва Кобулий деган нисбат ҳам олди. Тахминан 1525 йилда у Синдга боради. У ерда шоир

таниқли сўфий, ўз даврining машхур шоири Саид Шох Жаҳонгир Кирмоний билан учрашиш бахтига муяссар бўлди. Кўҳий Ҳиндистоннинг жуда кўп шаҳарларида бўлди ва яна ўзи севган Кобулига қайтди. Акбарободда вафот этди.

Замондошларининг гувоҳлик беришича, Кўҳий адабиётни севувчи маҳоратли шоир сифатида танилган. У фард, рубоий, қитъа ва ғазал жанрларида ижод қилган. Лекин улар жуда кам. Шунингдек, у қасида, “Тулафшон” дидактик достони, мусиқий асарлар, просодия (шеър тузиш) ҳақидаги, муаммо, топишмоқни қандай ёзиш ва уни ечиш қоидаси тўғрисидаги асарларнинг ҳам муаллифидир.

2. Майли Ҳаравий. Тўлиқ исми Мирза Қули, келиб чиқиши турк, “аҳли ишрат” гуруҳига кирган⁷. Асарда унинг шеъридан 11 байт парча келтирилади. Мазкур шоир ҳақида маълумотлар кам. Маълумки, у Ҳиротда туғилган, кейинчалик Машҳадга кўчиб келади ва ўша ерда таҳсил олади. Ҳиндистонга келиб, Акбаршоҳ хизматига кирди. Майли 1576 йилда Малвада вафот этди.

3. Хожа Ҳусайн Марвий. Олим, шоир етти иқлимда шуҳрат қозонди⁸. Хожа Ҳусайн 1506 йилда Марвда туғилди. Шу ерда таълим олди. Ҳумоюншоҳ ҳукмронлиги даврида (1530–1556) Ҳиндистонга кўчиб келади. Олим ва шоир сифатида танилди.

Унинг шаҳзода Салим туғилишига бағишланган қасидаси омма орасига тез ва кенг равишда ёйилди. Бунда ҳар бир байтнинг биринчи мисрасида Акбарнинг тахтга ўтирган йил (1556), иккинчи мисрасида Салимнинг туғилган йили (1570) абжад ҳисоби бўйича қайд этилган. Бу асари учун Акбаршоҳ унга 200 танга мукофот беради. Умрининг охирида Марвий ватанига қайтаётиб, 1572 йилда вафот этади⁹.

4. Дарвеш Баҳром. “Ота-бобоси туркий миллат вакиллари бўлган. Баёт қабиласидан келиб чиққан. Ҳизрни учратган”. Шохберди Баҳром Сақо тахминан XVI асрнинг бошларида Бухорода дунёга келди. 1540-йилларда Кобулда Бобурнинг иккинчи ўғли Комрон Мирзо қўлида хизмат қилди.

1560-1561 йилларда Деҳлида яшади. Тахаллуси ҳам Сақо – “сув ташувчи” сўзидан олинган. Шри Ланкага (1563 й.) кетаётиб, йўлда оламдан кўз юмади. Форс ва туркий тилларида ёзилган шеърлар девони унинг адабий меросини ташкил этади.

5. Сабухий Чигатой. Сабухий бухоролик шоир бўлган. Бухоро ва Арабистонда таълим олди. Унинг Ҳиндистонга қачон боргани номаълум. 1563 йилда Аграда ҳаётдан кўз юмди.

⁷ Ойини Акбари. 173-б.

⁸ Ойини Акбари. 174-б.

⁹ Ўша жойда. 175-б.

6. Мушфикий Бухорий. Абул Фазл Мушфикий ҳақида ҳеч қандай маълумот бермайди. Фақат унинг ижодидан намуналар келтиради.

Абдурахмон Мушфикий 1538 йилда Бухорода туғилган. Моҳир шоир сифатида эътибор топган. Самарқандда узоқ вақт яшаган. Бир йил (1577–1578 йй.) Ҳиндистонда Акбаршоҳ саройида бўлиб қайтган. 1588 йилда Бухорода вафот этган.

Мушфикий адабий меросини бир нечта қасидалар девони, ғазаллар, рубоийлар, қитъа, маснавий ва “Соқийнома” достони ташкил этади.

7. Солихий. Асарда унинг бир нечта шеърларидан 4 байт мисол тариқасида келтирилган. Анча вақт Ҳиндистонда яшаб, Акбаршоҳ саройида мунши бўлиб хизмат қилган. Ўзи ҳиротлик бўлган ва 1575 йилда ватанига қайтади.

Шунингдек, Ўрта Осиёдан бўлган Саид Муҳаммад Факри, Гаюри Ҳисорий ва Мир Саид Али, Ёдгор Ҳолатий каби шоирларнинг ҳам ҳаёти ва ижоди ҳақида қисқача маълумот берган.

Юқорида номлари келтирилган шоирлар Ўрта Осиёлик бўлганлари билан Ҳиндистон адабиёти вакиллари ҳисобланади. Уларнинг XVI асрда Ҳиндистоннинг турли жойларида Ҳиндистон адабий давраларидаги фаолияти, улар ҳақида Абул Фазлнинг маълумот қолдирганлиги Ўрта Осиёдан чиққан шоирлар мамлакат адабиётида етакчи ўрин тутганидан далолат беради. Бу далил икки мамлакат ўртасидаги чуқур адабий ва икки томонлама манфаатли алоқалар бўлиб турганини исботлайди.

Ўрта Осиё ва Ҳиндистон адабиёт марказлари ўртасидаги алоқалар фақат шоирларнинг, у ёки бу мамлакатдан бир-бирига бориб келгани билан эмас, ўзи билан ранг-баранг ва ижодий характер ташкил этганлиги билан ҳам алоҳида аҳамият касб этади. “Ойини Акбарий”да берилган маълумотлар ҳам Ўрта Осиё ва Ҳиндистон ўртасидаги адабий алоқаларга мисол бўла олади. Тўғри, Абул Фазл ўз даври адабиётини тўла очиб беришни мақсад қилиб қўймаган. Унинг учун ўша давр мамлакатдаги форс адабиётининг ривожланиш тарзи муҳим ҳисобланган ва шу орқали маҳсулдор ҳинд ва Ўрта Осиё адабий алоқалари ҳақидаги муҳим масалалар очиб берилган.

Шунингдек, “Ойини Акбарий” маълумотлари Ўрта Осиёдан етишиб чиққан шоирларнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишда, уларнинг Ҳиндистон ва Ўрта Осиё XVI аср форс адабиётига қўшган ҳиссаси ва таъсирини тадқиқ қилишда муҳим роль ўйнайди.

II БОБ. XVI-XVIII АСРЛАР

Бобурийлар даври

Мовароуннахр тарихида чуқур из қолдирган, Афғонистон ва Ҳиндистон тарихида эса асрларга татиғулик улкан бурилиш ясаган давлат арбоби, буюк саркарда, серқирра олим ва тенгсиз нозиктаъб шоир — Захириддин Муҳаммад Бобур ҳақида хорижий тилларда бир неча ўнлаб хилма-хил катта-кичик асарлар яратилган. XVIII асрнинг учинчи чорагида инглизлар Ҳиндистонни босиб олгандан кейин улар жуда кўплаб қимматбаҳо осори-атиқалар билан бир қаторда ноёб китоблар ва қўлёзмаларни ҳам ўз юртларига олиб кетганлар. Уларнинг кўплари ҳозирда Британия музейида ва Ҳиндистоннинг миллий музейларида сақланмоқда. Ана шу манбалар асосида инглиз ва ҳинд тарихчи, адабиётчи ва иқтисодчи-файласуфлари Бобур ва Бобурийлар ҳақида ҳам самарали изланишлар олиб бордилар. Инглиз тарихчиси ва таржимони Уильям Эрскиннинг “Бобур ҳукмронлиги давридаги Ҳиндистон тарихи” асари ана шундай ноёб тадқиқот намуналаридан ҳисобланади.

Маълумки, Бобур асарлари Шарқ, хусусан, Марказий Осиё халқлари ижтимоий-сиёсий фикрлар тарихининг тараққиётига ижобий таъсир кўрсатди. Унинг асарлари жаҳон фани ва маданияти ривожланишига ғоят катта бойлик бўлиб қўшилди. Бобур кишиларни биродарликка, иноқликка, шафқатли, инсофли бўлишга, Ватанни эъзозлашга чақиради. У инсоннинг заковат ва жисмини кемирувчи ичкиликка қарши кескин курашда, тарбияни инсоннинг маънавий жиҳатдан ўсишида, гўзаллашишида асосий омил деб қаради. Бу фикр-ғояларни Бобур ўз асарларида олға сурди. Мумтоз адиб аҳолининг осон, қулай савод чиқариш йўлларини излади, кишиларни саводхонликка ундади, адабий тил, нутқ маданияти ривожини учун курашди. У ўз замондошларининг хулқи, ижоди, фанга қўшган ҳиссаларини таҳлил этиб, уларга адолатли баҳолар берди. Бобур адабиёт назарияси, тарих, география, ўлкашунослик масалаларини ва халқнинг урф-одатларини синчковлик билан ўрганди.

Бобурнинг қўл остидаги ерлар Ҳинд дарёсининг иккала қирғоғида анчагина масофага кенгайди. Пойтахтдаги ишларни ҳал қилгач, ўз ўрнига ҳали ёш бола бўлган Комрон Мирзони қўйиб, 1525 йил 17 ноябрда (ҳижрий 932 йил сафар ойининг биринчи кунида) Бобуршоҳ бешинчи ва охирги марта Ҳиндистонга юриш қилди.

Бобур ҳаётини эсласак, у йигирма ёшга тўлмай туриб, ҳаётнинг барча аччиқ-чучукларини, тақдирнинг иссиқ-совуғини бошдан кечирди. У гоҳ унчалик назарга чалинмайдиган шахзода қиёфасида, гоҳ

улкан салтанат эгаси бўлган ғолиб шоҳ, гоҳ беватан ва кувғин қилинган қочоқ қиёфасида кўз олдимизда намоён бўлади. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам уни жамиятдан, ҳаётдан умидворлик, метиндай ирода кучи тарк этмади. У ота юртидан қувилиб, бир неча ҳамроҳлари билан мусофирликнинг энг оғир кунларини кечираётган пайтда ҳам шавкати ва шон-шуҳрати сўнмади ва минглаб кишиларни ўз ортидан эргаштира олди ҳамда уларнинг ёрдами туфайли чексиз салтанатни қўлга киритди. Бундай бесаранжом вазиятда кишиларни идора этиш учун жасур сарбоз бўлиш лозим эди, шунинг учун ҳаёти бошиданок суворийлик унинг касби бўлган эди. Бироқ унинг жанг қилишга бўлган иштиёқи уни тинчликни таъминлаш ва қадрлаш ҳиссидан маҳрум этгани йўқ. Ҳарбий ҳаракатлардан тин олган пайтларни серташвиш ҳаётнинг осуда кунлари деб ҳисоблар эди.

Бобурнинг билимга бўлган чанқоқлиги туфайли билим олишга интиланларга ҳамиша оталарча ғамхўрлик қилар эди ва уларни ўз атрофига тўплаб олар эди. Умри тўс-тўполон, уруш ва юришларда ўтган бўлса ҳам, унинг зўр иштиёқ билан ўз даврининг илғор фанини эгаллашга интилиши ақл-заковати жуда ўткир ва бетакрор эканидан далолат беради. Унинг хислатларини яхши билган холаваччаси, таниқли тарихчи Ҳайдар Мирзонинг айтишича, Бобур ажойиб фазилатларга эга шоҳ эди. Бу фазилатлар ичида энг зўри унинг олийжаноблиги ва инсонпарварлиги эди. Туркий назмда Мир Алишердан кейин турарди, унга тенг келадиган шоир йўқ эди. Бундан ташқари, қонун ва дин асосларига бағишланган илмий асар – “Мубаййин”ни яратди. Бу асар кенг халқ оммаси, дин асосларига бағишланган бўлиб, уни давлат арбоблари олқишлади ва таҳсин айтди. Бобур мусиқа ҳақида ҳам рисола яратдики, бу асар бу соҳада унгача яратилган асарлардан устунлик қилади. Ҳазрат Убайдуллоҳ Эшоннинг “Волидия риюласи” асарини шеърӣ йўл билан туркийга таржима қилди. Унинг туркийда ёзган хотиралари (“Бобурнома”) тушунарли ва равон тили, услубининг софлиги билан алоҳида аҳамиятга моликдир. У санъатнинг бошқа соҳаларидан ҳам яхши хабардор эди. Оила аъзоларидан ҳеч бири қобилият борасида унинг олдига туша олмас эди. Кечирган ҳаёти, жанг -жадаллар ва саргузаштлар борасида эса унинг авлодларидан ҳеч бири унинг тақдирини такрорлай олмади.

Бобур фақатгина мусиқа ишқибозигина бўлиб қолмай, балки яхшигина бастакор ҳам эди. У яратган куй ва кўшиқлар жуда ёқимли бўлиб, унинг вафотидан кейин ҳам халқ оғзидан тушмади.

Бобур туркийдан ташқари, форс тилида ҳам шеърӣ асарлар яратди, бироқ бобурийлардан кейинги Ҳиндистонда бўлиб ўтган даврда давлат тўнтаришлари ва тахт учун курашлар туфайли уларнинг кўп-

лари йўқолиб кетган. Бобурда адабиётшунослик ва шоирлик қобилиятдан ташқари, Шарқда катта санъат ҳисобланган хаттотлик қобилияти ҳам яхши ривожланган эди. Нафис ҳуснихат эгаси бўлган Бобур бошқаларнинг ҳуснихатига тақлид қилиб кўчира оларди ва хатто ўзининг алоҳида Бобурий хат деб аталган алифбони яратди.

“Бобурнома” асари Бобурнинг энг яхши асарларидан ҳисобланади. Унинг биринчи қисми Бобурнинг болалик ва йигитлик йилларидаги ташвиш ва қувончларини батафсил ҳикоя қилади. Кейинги қисми эса, баъзан – баъзан ёзилган, гоҳида эса кунма-кун бўлган воқеалар тафсилотини ўз ичига олган воқеалар баёни бўлиб, баъзи жойлардаги воқеалар тафсилоти тўла ёритилган бўлса, айрим жойларда эса қисқа ёзилган.

Бобур асарида бирор шахс хусусида сўз юритиладиган бўлса, унинг кийиниши, дид, одатлари шунчалик ҳаққоний ва батафсил тасвирлаб бериладигани, биз худди улар орасида яшаётгандай, у кишиларни шахсан танигандай бўламиз. Бобур ўзи бўлган мамлакатлар манзараси, иқлими, маҳсулоти, санъат асарларини шунчалик тўла ва батафсил тасвирлаб берганки, бу асар ёзилган шароитни кўз олдимизга келтирадиган бўлсак, шу мақсадда келган сайёҳлар ҳам бунчалик ёза олмаса керак.

Бу асарнинг жозибадорлиги асар муаллифининг феъл-атворидадир. Умрининг барча азоб-уқубатларини кўргандан кейин ҳам, яна сахий қалб эгаси ва саховатли инсон қиёфасини сақлаб қолиш, юмшоқ кўнгил ва сабр-қаноат билан яна ўз фаолиятини давом эттириш ҳаммага ҳам хос бўлавермайди. Ҳукмдорлик ва улуғворлик, одатда, кишининг нозик дидини ва сезгирлигини ўтмаслаштиради.

Бобурнинг феъл-атворидаги энг олийжаноб фазилатлар унинг инсонпарварлигидир. Ўша давр тарихчиларининг айтишича, унинг укалари Бобурга қарши бош кўтарган бўлса, улар ўз айбини тан олиб, тавба қилиши биланок, тарихчи Хафихоннинг таъбири билан айтганда, эрон, араб ёки ҳинд шоҳларидан фарқли ўларок, уларни кечирибгина қолмай уларга нисбатан гина сақламасди. Бобур бақувват гавдали, ўрта бўйдан юқорироқ киши бўлиб, жисмоний ҳаракат талаб қиладиган ўйинларни яхши кўрар, ўткир мерган ва моҳир қиличбоз эди.

Бобуршоҳ 1530 йилнинг 26 декабрида Агра яқинидаги Чорбоғдаги саройида, 47 ёшида дорилбақога рихлат қилди. 47 йиллик умрининг 36 йили ҳукмронликда ўтди. Ундан 26 йили Кобулда, 5 йили Ҳиндистоннинг катта қисмида ўтди. Унинг жасади ўзининг васиятига кўра, Кобулда, шаҳар яқинидаги тепаликка дафн этилди. Бу ер ҳозиргача унинг номи билан аталади. Бобур салтанатига қарашли бўлган ерлар геог-

рафиясини жуда яхши ўрганган машҳур сайёҳлардан бири шундай ёзди: “Кобул атрофига қилган сайёҳатим кўп вақтни олмади, Шоҳ Бобурнинг мақбарасини янги қурилган пайтдаёқ бориб кўришга муяссар бўлдим. Мақбара шаҳардан бир милча масофада шинамгина жойда ўрнашган. У қўл остидаги бепоён юртлардан энг шинам жойни ўзининг оромгоҳи сифатида танлаган”. Кобул хусусида у шундай деб ёзган эди: “Иқлими шунчалик ёқимли, биз билган бу оламда бунинг тенги йўқдир. Кобул аркида май ичиб, косани кетма-кет тўхтатмай даврада айлантирдик, бу ер ҳам тоғ, ҳам дарё, ҳам шаҳар, ҳам саҳродир”.

Қабр устига икки бўлак оқ мармар тахта ўрнатилган бўлиб, унга ўйиб ёзилган ҳарфлар Шоҳ Бобур вафот этган йилни (ҳижрий) кўрсатиб туради (Арабча ҳисоб бўйича 50 йил умр кўрди). Бобур қабри атрофида унинг хотинлари ва болалари дафн этилган. Кичкина боғ атрофи оқ мармар девор билан ўралган. Шарқираб оқиб турган сув бу гўшадаги анвойи гулларни суғориб туради. Қабрдан сал нарироқда оқ мармардан қурилган мўъжазгина масжид бор. Ундаги тахтачадаги битилган ёзувга қараганда, бу масжид 1640 йилда подшоҳ Шоҳ Жаҳоннинг буйруғига биноан, мусулмонларнинг шу ерда намоз ўқишлари учун қурилган эди. Бобурдек улуғ инсоннинг кейинги авлодлари томонидан бу тарзда улуғланиши кишини қувонтиради. Бу ердан тепаликка қараб кенг йўл солинган. Йўлнинг охирида Шоҳ Замоннинг буйруғига биноан, ёзлик дала-ҳовли қурилган бўлиб, у ердан Бобур мақбарасини мароқ билан томоша қилиш мумкин.

Ўзбекистонда “Бобурнома”нинг ўрганилиши

Бобур Мирзонинг ватанида унинг шоҳ асарини ўрганиш анча эрта бошланган. XVIII асрнинг бошида, аниқроғи 1714 йилда Бухорода Темур Пўлат “Бобурнома”нинг Бухоро нусхаси деб юритиладиган қўлёзмасини сотиб олади. Кейинчалик шу нусхани Санкт-Петербургда Г.Я.Кер ўрганиб чиқади ва ўз қўли билан ундан нусха кўчиради. Мазкур нусха асосида 1857 йилда “Бобурнома”нинг биринчи нашри Қозон шаҳрида чоп этилади. Ғиждувонлик Мулла Абдулваҳоб кўчирган ва “Вақо-йи-нома-йе подшоҳий” деб аталган бошқа бир қўлёзма 1824 йилда Петербургга келтирилади ҳамда О.Сенковский ундан нусха кўчиради. Сенковскийнинг аниқлашича, ушбу қўлёзма 1709 йилда ёзиб тугатилган ва ундан 1809 йилда нусха кўчирилган.

Захириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижоди, жумладан, “Бобурнома” бўйича жиддий тадқиқотлар 40-йиллардан эътиборан бошланди. С.А.Азимжонованинг ёзишича, бу ҳол 1947 йилда Алишер

Навоий таваллудининг 500 йиллигини нишонлаш билан боғлиқ эди, чунки А.Навоийнинг ҳаёти билан бевосита боғлиқ бўлган Ҳирот ва Самарқанддаги маданий ҳаётни тасвирлашда олимлар “Бобурнома”ни четлаб ўта олмасдилар¹⁰. Шу муносабат билан бир қатор илмий мақолалар чоп этила бошлади¹¹.

Мирзо Бобур таваллудининг 475 йиллиги муносабати билан 1958 йилда академик В.Й.Зоҳидовнинг “Ўзбекистон маданияти” газетасининг 1958 йил 12 апрель сониди “Бобурнинг адабий фаолияти”, “Шарқ юлдузи” журналининг 1958 йил 11-сониди “Бобурнинг фаолияти ва адабий-илмий мероси ҳақида”, 1958 йилда Тошкентда ўтказилган Бутуниттифок шарқшуносларининг биринчи конференциясида “Заҳириддин Бобур” номли маърузаси, айниқса муҳим аҳамиятга эга бўлди. Мазкур асарларда “Бобурнома” ҳақида ҳам батафсил сўз юритилган.

П.Шамсиев ва С.Мирзаевлар томонидан 1948-49 йилларда “Бобурнома”нинг икки жилдлиги ҳозирги ёзувга табдил қилиниб чоп этилиши ҳамда 1960 йилда мазкур асарнинг академик нашрининг чиқиши катта воқеа бўлди.

Мазкур нашрлар ва 1958 йилдаги русча таржиманинг чоп этилиши туфайли “Бобурнома”ни турли жихатдан тадқиқ этиш бошланди, бир қатор номзодлик диссертациялари ёқланиб, китоб ва мақолалар чоп этилди¹².

Таниқли олима, тарих фанлари доктори, академик Сабоҳат Азимжонованинг бобуршуносликда хизматлари алоҳидадир. Ярим асрдан зиёд давом этган илмий фаолият мобайнида номзодлик ва докторлик диссертациялари, ўнлаб рисола ва мақолалари Бобур Мирзонинг ҳаёти ва ижоди, хусусан, “Бобурнома”ни ўрганишга бағишланган¹³.

¹⁰ Государство Бабура в Кабуле и в Индии. –М., 1977. –С.12.

¹¹ Ёқубов Ҳ. Бобур. –Т., 1941; Ёқубов Ҳ. Улуғ шоир ва адиб. Қизил Ўзбекистон, 26.12.1940; Шайхзода М. Заҳириддин Бобур. Гулистон, 1940, №1; Шайхзода М. Бобур ва Навоий. Қизил Ўзбекистон, 23.12.1940 ва б.

¹² Джамалов С. О художественных особенностях «Бабурنامه». Дисс. канд. филол. наук. –Т., 1971; Атаджанов Н. Художественный перевод и научное комментирование (на материале «Бабурنامه»), Дисс. канд. филол. наук. –Т., 1978; Ходжаева Л. Проблемы перевода: характер, стиль и интерпретация текста «Бабурنامه» (Литературоведческий аспект). Дисс. канд. филол. наук. –Т., 1986; Шукуруллаева С. Воссоздание художественного своеобразия «Бабурنامه» в его английских переводах (Дж. Лейдена – У.Эрскина и А.Бевеидж). Дисс. канд. филол. наук. –Т., 1989; Ҳасанов Ҳ. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва географик мероси. –Т., 1966; Назарова Х. «Бобурнома»да кесимнинг ифодаланиши. Тошкент давлат педагогика институти «Илмий асарлар». –Т., 1963; Назарова Х. XV асрнинг охири ва XVI асрнинг бошларидаги ўзбек адабий тилида гапнинг уюшиқ бўлаклари. Тошкент давлат педагогика институти «Илмий асарлар». –Т., 1970 ва б.

¹³ Азимджанова С. «Государство Бабура в Кабуле и в Индии». –Т., 1969; Азимджанова С., Каюмов А. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Предисловие к «Избранным сочинениям». –Т.:

Бобуршоҳнинг Кобул улуси ва Ҳиндистонда олиб борган сиёсати, дипломатияси, хусусан, иқтисодий сиёсати, тактика ва стратегияси, ютуқ ва камчиликларини тушунишда С.Азимжонованинг асарлари бекиёс аҳамият касб этади. Табиийки, бу тадқиқотлар асосан “Бобурнома” асосида олиб борилган.

С.Азимжорова халқаро миқёсда шуҳрат қозонган олимандир. 1980 йилда Мирзо Бобурнинг 500 йиллиги муносабати билан ЮНЕСКО нашр этган “Бобурнома”да француз, ҳинд, афғон олимлари билан бир қаторда С.Азимжонованинг ҳам иштирок этиши унинг бобуршуносликдаги хизматларини жаҳон миқёсида тан олинганлигидан далолатдир.

Ўзбекистоннинг мустақиллик арафасида ва мустақиллик йилларида қадриятларимизнинг тикланиши, ўтмишимизга муносабатнинг ўзгариши натижасида кўплаб улуғ сиймоларга, жумладан Бобур Мирзо шахсига, унинг шоҳ асарига бўлган муносабат ҳам тубдан ўзгарди. 1990 йил кузида “Бобурнома” яратилганлигининг 460 йиллиги биринчи марта кенг нишонланди. Шу муносабат билан матбуотда кўплаб мақолалар босилиб чиқди¹⁴.

1993 йил давомида Бобур Мирзо таваллудининг 510 йиллиги кенг нишонланди. Февраль ойида Андижон шаҳрида шу санага бағишлаб “Бобур ва ўзбек миллий маданияти тараққиётининг айрим масалалари” деган мавзуда илмий анжуман билан тадбирлар силсиласи бошланди. Анжуман материалларининг аксарият қисми “Бобурнома”га бағишланган. Йил давомида матбуотда мақолалар эълон қилинди, шу қутлуғ санага бағишлаб айрим китоб ва рисоалар чоп этилди¹⁵.

Бобурийларнинг Ҳиндистондаги авлодлари вакиллари иштирокида йил охирида ўтказилган тадбир юбилей тантаналарига яқун ясади.

Мустақиллик йилларида қадриятларимизни тиклаш ва ўрганишга, буюк сиймоларимиз, хусусан Бобур Мирзони эъзозлаш, ўрганиш, тарғиб қилиш бўйича тобора кўпроқ ишлар амалга оширилмоқда. 2000 йил

Изд. АН Ўзбекистана, 1959; К истории Ферганы второй половины XV века. –Т.: Фан, 1957. Ред. и предисловие. В кн.: Бабурнаме. Записки Бабура. –Т., 1958; Ред. и предисловие «Бабур и его труд «Бабур-наме». В кн.: Бабурнаме. Записки Бабура. –Т., 1993 ва б.

¹⁴ Азимжорова С. Бобур – буюк тарихчи олим (Саодат, 1990, №8, 14–16-б.); Азимжорова С. «Бобурнома» қандай ёзилган. –Гулистон, 1990, № 8, 11-б.; Отажонов Н. Мукамал нашр йўлида. («Шарқ юлдузи», 1990, № 10); Сулаймонова Ф. «Бобурнома»га ишланган расмлар. (Гулистон, 1990, № 9); Сулаймонова Ф. Олам кезган асар. (Сов. Ўзб-ни, 21.10.1990); Султонов Х. Мардона китоб. (Саодат, 1990, №9); Шукуруллаева С. Шедевр мировой классики. К 460 летию «Бабур-наме». (Правда Востока, 21.10.1990); Бабур-наме – 460 лет. (Правда Востока, 17.03.1990); Хасанов С. След в веках. К 460 летию «Бабур-наме». (Правда Востока, 21.10.1990)ва бошқалар.

¹⁵ Бабур-наме. Записки Бабура. Изд.второе, доп. Под ред. Азимджановой С.А. –Т., 1993; Иброҳимов А. Бобурийлар мероси. –Т., 1993 ва б.

22-24 майда Самарқанд шаҳрида “Бобур ва бобурийларнинг жаҳон цивилизациясини ривожлантиришидаги мавқеи” мавзуида Халқаро илмий анжуманнинг ўтказилганлиги фикримизнинг далилидир.

2000 йил кузида “Бобурнома” яратилганлигининг 470 йиллигини нишонлаш бўйича тадбирлар ҳам мазкур буюк асарга, унинг муаллифига бўлган ҳурмат рамзидир. Ўзбек олимларининг саъй-ҳаракатлари ва Республика ҳукуматининг кўмагида Бобур Мирзо яратган барча адабий-илмий меросларни “Тўла асарлар тўплами” шаклида чоп этишга қарор қилинди. Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 520 йиллигига бағишланган мазкур академик нашр беш жилддан иборат бўлиб, унинг икки жилдини “Бобурнома” ташкил этади.

Заҳриддин Бобур таваллудининг 525 йиллиги муносабати билан 2008 йил август ойида Андижонда ўтказилган Халқаро анжуман катта аҳамиятга эга бўлди ва яна бир қарра улуғ ўтмишдошимиз яратган адабий-илмий мерос жаҳон маданиятга муносиб улуш бўлиб қўшилганидан дарак беради.

Комрон Мирзо шеърияти

Бобурнинг ўғли Комрон Мирзо ўз даврининг машҳур шоирларидан эди. У ўзининг сахийлиги, кучлилиги ва мардлиги билан ажралиб турар эди. У ҳар қандай шароитда олим, шоир ёки илм аҳли билан учрашиш учун фурсат топар эди. Унга қўлидан келганча ёрдам берар эди. Комрон Мирзо 1510 йилда дунёга келган. Ёшлигиданоқ унда шеърятга қизиқиш уйғонган эди. Унинг бир қанча қўлёзмалари Ҳиндистон кутубхоналарида сақланади.

Бобурийлар Ҳиндистонда ҳукмронлик қила бошлаганларида, Бобурнинг тўнгич ўғли Ҳумоюн тахтга ўтиради. Кобул ҳам ўша вақтларда Ҳумоюнга бўйсунарди. Шунинг учун ҳам ака-укалар орасида ўзаро келишмовчиликлар бўлиб турарди. Комрон Ҳумоюндан Кобулни олишга ҳаракат қилади. Бобур шундай ўзаро урушлар бўлишини билар эди. Шунинг учун ҳам у бу урушларни тинч йўл билан ҳал қилишга ҳаракат қилди. Лекин бу ҳам ака-укаларни қониқтирмади. Бир қанча вақт ўтгач, Бобур вафот этади. Унинг вафотидан сўнг ҳам ўзаро жанглар давом этади. Шу вақт орасида Ҳумоюнни Эрон подшоҳи Шершоҳ Сур енгиб, тахтни эгаллайди. Ҳумоюн эса Шершоҳ вафотидан сўнггина ўз тахтини эгаллайди. Комрон бу орада фурсатни қўлдан бой бермай, Кобулни эгаллайди. Қайта тахтга ўтирган Ҳумоюн укасидан Кобулни тортиб олади. Комрон эса мажбуран Бадахшонни эгаллайди. У акасига бўйсунган ҳолда, барча масалаларни тинч йўл билан ҳал қилишга уринади. Бир йилча тинчлик ҳукм суради. Ҳу-

моюн мирзо атрофидаги бек ва уламоларнинг маслаҳатига бўйсунган ҳолда, ўз укаси Комроннинг кўзига мил торттиришга буйруқ беради. Уни Маккага юборади. Комрон кейинчалик 1556 йилда вафот этади.

Комрон Мирзонинг учта кўлёзма асари Худобахш кутубхонасида сақланади. У 1556 йилда ёзилган бўлиб, 36 варақдан иборат ва унда 47 та ғазал, 2 та маснавий, 1 та тартиббанд, 28 та рубоий, битта тўртлик, 2 та қитъа, 21 та фард, туркий тилда яна 24 та ғазал, 8 та рубоий, 23 та фард, 2 та қитъа ва 1 та маснавий форс тилидадир. У ерда бир қанча муҳрлар мавжуд бўлиб, улар Бобурийлар саройига тегишлидир. Иккинчи кўлёзма Рампурдаги кутубхонада сақланади. Учинчи кўлёзма эса Калькуттанинг Осиё жамияти фондида бўлиб, у Худобахш кутубхонасидаги кўлёзма асардан кўчирилган нусхадир. Комрон девонини дастлаб 1929 йилда ҳиндистонлик олим Маҳфузул Ҳақ чоп эттирган. Комрон Мирзо тўғрисида, айниқса, унинг туркий тилдаги шеър-ғазаллари тўғрисида илиқ фикр-мулоҳазалар билдиришган. Унинг ижодининг теранлиги, ғазалларининг аниқ, содда, равонлигини, ундаги гўзаллик, хилма-хилликни алоҳида таъкидлашган.

Комрон ижодиётининг отаси Бобур ижоди билан боғлиқ томонлари бўлса-да, у ҳам отаси сингари Навоий лирикаси олдида бош эгарди. Комрон Мирзо Ғозий таҳаллуси билан ҳам ижод қилган. У ўзининг бир шеърида шундай деган эди:

*Туркийда Навоийга етсам, не ажаб, Ғозий,
Шеъримга қулоқ солса маҳбуби сухандоним.*

Унинг Навоийга ўхшатиб ёзган шеърларидан шуни билса бўладики, Навоий ижодига катта эътибор ва қизиқиш билан қараган.

*Даво висолинг эрур, кўнглума тараҳҳум этиб,
Не бўлди дардима, эй бевафо, даво қилсанг,
Висол муждасини еткуруб, карам айлаб,
Вафога ваъда қилиб, ваъдага вафо қилсанг.*

Ушбу байтнинг иккинчи ва тўртинчи қатори Навоий қаламига мансубдир.

Комрон форс тилида ёзган шеърларини эса Амир Хусрав Дехлавийдан, яъни унинг шеърларидан илҳомланиб ёзгандир. У Дехлавийни ҳам катта эҳтиром билан тилга олган.

*Комрон, Хусрав киби шеъринг топар ҳусни қабул,
Бўйла бўлса ҳусн эли васфида гуфторинг сенинг.*

Комрон ва Бобурнинг шеърлятидаги боғлиқлик, энг аввало, услуб жиҳатидандир. Услубнинг равонлиги, соддалиги, шеърда мақол ва

маталларни усталик билан қўллаш, шеърӣй шаклларни ўз жойида ишлатиш – буларнинг ҳаммаси Комрон ижодида катта ўрин тутди.

Шундай шеърлардан мисол келтирамиз:

*Ёрдан келди хату таъвизи жон бўлди манга,
Қотили ҳажр илгидин хатти омон бўлди манга.*

Ушбу шеърда севикли ёридан келган хатни ўқиган ошиқнинг ҳолати тасвирланади. Айрилиқ занжирида занжирбанд ошиқ учун ушбу хат уни худди жаллод қўлида қатл қилинишдан қутқариб қолгандай тасвирланади. Қуйидаги байтда эса “чиқмаган жондан умид” мақоли жуда чиройли қўллаган.

*Етишди қосиди жонон манга дами сакарот,
Бу чин эмишки, тирик жонга бор умиди нажот.*

Унинг ижодида ўша вақтларда камдан-кам қўлланадиган ўхшат-ишларни учратиш мумкин.

*Кўнглум ўргамчи киби зулфидин,
Бир магас ҳолига тушди осилиб.*

Комрон ижодида, унинг ғазалларида одамийлик, меҳр, севги-муҳаббат жуда катта ўрин тутди. Шу бобда ҳам у жуда гўзал ғазаллар ярата олган. Унинг ғазалларида ошиқнинг маҳбубасига бўлган севгиси ёрқин ифодалаб берилган. Комрон ижодида она ватан мавзуси ҳам ўрин тутди. У Ҳиндистонда туркий ва форс тилларини давом эттирувчи шоир бўлган.

Шуни айтиш мумкинки, Ҳиндистонда бир қанча шундай шоирлар, олимлар, ёзувчилар яшаганларки, улар икки тилда баравар ижод этиб, Ҳиндистон адабиётига улкан ҳисса қўшганлар.

Ҳиндистонда туркийзабон адабиёт

Ўрта Осиё мамлакатларининг қўшни чет давлатлар билан маданий муносабатларида адабий алоқалар ҳамиша етакчи ўринни эгаллаб келган. Бу жиҳатдан Мовароуннаҳр ва Ҳиндистоннинг кўп асрлик анъанавий адабий ҳамкорлиги, халқларимиз ўртасидаги дўстона ришталарни юзага келтириш ҳамда уни мустаҳкамлашда ҳал қилувчи омил вазифасини ўтаган.

Маълумки, XVI-XVIII асрларнинг биринчи ярмида сиёсий вазият бўйича шаклан бир-бирига ўхшаш ҳар икки минтақада юз берган иқтисодий-ижтимоий силжишлар, фан ва маданият, айниқса адабиётнинг тарихий ҳамкорлик асосида ривожланишига катта таъсир кўрсатди. Шу нуқтаи назардан XVI аср охири – XVII асрнинг бошида Мовароуннаҳр

ва Ҳиндистон феода­л тар­қоқ­ли­ги­га қар­ши ку­раш тен­ден­ция­ла­рининг на­ти­жа­си бўл­миш ҳинд сар­за­ми­ни­да мар­каз­лаш­ган Бу­юк Бо­бу­рий­лар дав­ла­ти­нинг та­ш­кил то­пи­ши, ў­за­ро фе­о­да­л уруш­лар ва та­лон-та­ро­ж­лик­лар ту­фай­ли та­на­з­зул­га юз ту­та бош­ла­ган “ҳинд-му­сул­мон ма­да­ния­ти”нинг та­рақ­қи­ё­ти та­ри­хи­да кес­кин бу­ри­лиш я­са­ди.

XV аср­нинг охи­ри – XVI аср­нинг би­рин­чи чо­ра­ги­да­ги си­ё­сий ва иж­ти­мо­ий во­қе­а­лар ҳам­да иқ­ти­со­дий тан­глик гир­до­би­да Ҳин­ди­стон­га Мо­ва­ро­ун­на­хр ва Ху­ро­сон­дан фан, санъат ва ада­биёт на­мо­ян­да­ла­ри­дан и­бо­рат ян­ги бир оқим ки­риб кел­ди.

Ҳин­ди­стон тур­кий­за­бон ада­биё­ти та­ри­хи­га оид илк маълумот­лар даст­лаб “Бо­бу­рно­ма”да ўз ак­си­ни то­п­ган. Унинг са­ҳи­фа­ла­ри­да­ги ўз­бек шеъ­рия­ти анъа­на­ла­рининг тар­ғи­бо­ти би­лан боғ­лиқ ка­тор ха­бар­лар маж­муи ҳам бу юрт­да тур­кий тил ада­биё­ти­нинг ўз­ла­шу­ви­дан да­рак бе­рув­чи ман­ба­дир. Асар­да За­ҳи­рид­дин Му­хам­мад Бо­бур, Шайх Абул Во­жиб, Шайх Зайн Садр, Мулла Али­жон Тур­ди­бек Хо­ксор ва Му­хам­мад Со­лих ка­би тур­кий ва фор­сий­да ижод қи­лув­чи шоир ва ёзув­чи­лар­нинг зикр қи­ли­ши ёки Хў­жа Ка­лон би­лан тур­кий­да­ги ёзиш­ма­ла­ри ва шу­нинг­дек, ўғил­ла­ри Ҳу­мо­юн, Ко­мрон, Ҳин­дол­га ўзи­нинг баъ­зи тар­жи­ма ҳам­да шеър­ла­ри­ни ю­бо­риб тур­ган­ли­ги шу­лар жум­ла­си­га ки­ра­ди. Бо­бу­р­нинг сер­қир­ра ижоди ва унинг дав­ри­да­ги са­ро­й ада­бий му­ҳи­ти кўп­гина саф­дош ва ёш қалам­каш­лар­ни ил­ҳом­лан­ти­риб, Ҳин­ди­стон тур­кий­за­бон ада­биё­ти­нинг ра­в­на­қи учун му­ста­ҳ­кам а­сос я­рат­ди. Бо­бу­р­нинг ада­бий ва дав­лат­чи­лик син­га­ри кўш – ижодий ва си­ё­сий фао­ли­я­ти­нинг энг му­ҳим жи­ҳа­ти шун­да­ки, шоҳ Бо­бур ум­ри­нинг сўн­ги йил­ла­ри­да­ги ор­зу­си – бу­тун Ҳин­ди­стон­ни я­гона куч ости­да бир­лаш­ти­риш­га эри­ша ол­ма­ган бўл­са ҳам, ам­мо шоир Бо­бур ада­биёт та­ри­хи­да кам­дан-кам, фа­қат тақ­дир та­қозо­си би­лан­гина на­сиб эт­ган бахт – ўз халқ­и ада­биё­ти­ни ос­мон­ў­пар Ҳи­мо­лай тоғ­ла­ри­дан олиб ў­тиб, унинг ба­ди­ия­ти­ни Ҳин­ди­стон­да кен­гай­ти­риш ша­ра­фи­га му­яс­сар бўл­ди.

Ҳин­ди­стон та­ри­хи­да XVI аср­нинг ик­кин­чи чо­ра­ги­га оид фан, ада­биёт ва санъат со­ҳа­си­да­ги ўз­га­риш­лар, Бу­юк Бо­бу­рий­лар сал­та­на­ти ма­да­ний ҳаё­ти­да ўзи­нинг иб­ти­до­си­дан то энг юк­сал­ган пал­ла­си­га қа­дар Ҳу­мо­юн ўт­каз­ган маъ­му­рий ис­ло­хот­лар на­ти­жа­си­да юз бер­ган иж­ти­мо­ий-иқ­ти­со­дий сил­жиш­лар­нинг ма­ҳ­су­ли э­ди.

Ҳу­мо­юн фан ва ма­да­ния­т­ни қа­др­лов­чи, ада­биёт­ни сев­гучи ки­ши э­ди. Ман­ба­лар ор­қа­ли е­тиб кел­ган шеъ­рий на­му­на­лар­га қара­ган­да, у форс, тур­кий тил­лар­да рубоий ва ғазал­лар ёз­ган.

Баъ­зи ман­ба­лар­да Ҳу­мо­юн дав­ри­да Ҳин­ди­стон­дан Ўрта Осиё­га ҳам илм-фан ва ада­биёт на­мо­ян­да­ла­ри ке­либ тур­ган­ли­ги зикр этил­ган.

Уларнинг туркийда тузган девонлари Ҳиндистон туркийзабон адабиёти пойдеворини мустаҳкамлаш ва уни ташвиқ қилиш борасида улкан ҳисса бўлиб қўшилди.

Ҳиндистон Акбар даврида Бобур ва Ҳумоюн ҳукмронлик қилган йилларига нисбатан хорижий, жумладан Мовароуннаҳр, Хуросон ҳамда эронлик фан ва маданият аҳли учун маҳаллий олим, адиб ва санъаткорлар билан бевосита ҳамкорлик қилишда ижод марказига айланди. Унинг Ҳиндистон маданияти олдидаги улкан хизматлардан бири яна шуки, у ўз бошчилигида қачонлардир шу замин даҳолари яратган кўҳна адабий ва диний-фалсафий ҳамда аниқ фанларга доир обидаларни санскритдан Абдул Қодир Бадаюнӣ, ака-ука Абул Фазл ва Файзийлар томонидан юқори савияда форс тилига таржима қилдириб, тез орада ҳинд тафаккурининг нодир намуналарини дунё миқёсида танилиши ва тарқалишида катта рағбат кўрсатди.

Ҳиндистон адабиётида XVI асрнинг иккинчи ярми Файзий, Абул Фазл, Абдурахим хони Хонондек забардаст шоирлар учун сермахсул ижод палласи бўлди.

Акбар даври “ҳинд-мусулмон маданияти”даги ғоявий якдиллик, ижодий ҳамкорликнинг жонкуяри – туркий, форс, араб, ҳинд тиллари ва адабиётининг билимдони ҳамда пешқадам Абдурахим хони Хонондир. Ҳинд манбаларида “Раҳим” таҳаллусида қалам тебратган шоирни ниҳоятда эркин фикрли, маҳаллий расм-русумларга чуқур ҳурмат билан қаровчи шахс эканлиги айтиб ўтилади. Шоирнинг туркийдаги ижод борасида Алишер Навоӣга эргашганлиги, XVI асрнинг охири ва XVII асрларда ҳам Ҳиндистон туркийзабон адабиёти ўзбек мумтоз шеърияси таъсирида бўлганлигини кўрсатади.

Ҳинд адабий муҳитида Акбар олиб борган сиёсатнинг маданиятга нисбатан ҳомийлик хусусиятлари туфайли Мовароуннаҳр, Хуросон ва Эрондан келган шоирларнинг ҳинд мавзуларига мурожаат этиши ва бу жараён орқали “ҳинд-мусулмон адабиёти” асарларини бошқа узоқ ўлкаларга етиб бориши, ўзаро адабий алоқаларнинг амалий намоёнишига айланди. Бир қатор тазкира ва рисолаларда номи зикр этилган ўрта осийлик олим ва шоирлардан Қози Муҳаммад – Содиқ¹⁶, Майли Ҳиравий, Муҳаммад Мирак – Солиҳий, Шайх Роҳий¹⁷, Мир Абдулло – Васфий, Ханжарбек Чигатоӣ, Қосим Арслонлар¹⁸ Ҳиндистон фани ва адабиёти тарихида турфа асарлар билан ном қолдирдилар.

¹⁶ Нафоис ал-маосир. ЎзА ШИ., инв. рақами 848, 73а, 90б варақ.

¹⁷ Иномходжаев Р. Сведения “Аин-и Акбари” о среднеазиатско-индийских литературных отношениях (Из истории культурных связей народов Средней Азии и Индии). – С.135–138.

¹⁸ Низомиддинов И. Маданий ҳамкорлигимиз саҳифаларидан. –Т., 1981. 9–32-б.

Туркий тилини илмий нуқтаи назардан ташвиқ қилишда Аврангзебнинг ўзи ҳам муайян ҳисса қўшган, яъни унинг бевосита кўрсатмасига биноан, 15 қисмдан иборат туркий тили грамматикасига бағишланган асарларни эслаб ўтиш мумкин (Муҳаммад Ёқуб Чингий).

Бу вақтларда Ўрта Осиёлик ижодкорларнинг Ҳиндистонга келиши давом этиб турган – Мирзо Муқимхоний, Муъним Самарқандий, Саодат, Мавлоно Иброҳим Ҳисорий, Мирсаид Жалол (XVII асрнинг иккинчи ярми – XVIII асргача).

Шоҳжаҳон даврида маълум даражада ўз мақеини йўқота бошлаган чигатой туркийси Аврангзеб вақтига келиб (1658–1707) қайта тиклана бошлади. Бухоро билан алоқаларининг мустаҳкамланиши яна туркий тилига қизиқишни жонлантирди.

Ҳиндистон адабиётида икки тиллик (билингвизм)

Маълумки, Ҳиндистон кўп миллатли, кўп диний ва кўп тиллик мамлакатдир. Бу эса, албатта, маданиятга ҳам катта таъсир кўрсатади.

Ўрта асрларда ҳам кўптиллик натижасида, Ҳиндистон этник маданиятининг турфа хиллигидан янги бир услуб, яъни адабиётда икки тиллилик – биллингвизм ривожлана бошлади.

Шу мамлакатнинг маҳаллий шоир ва ёзувчилари каби ўзга юртдан келган шоир ва ёзувчилар ҳам ўзларининг она тилларида ижод қилиш билан бирга, ўша даврда ўзаро алоқа тили бўлмиш форс тилида ҳам ижод қилишган. Шу тариқа шоирларнинг форс-ҳинд, турк-форс биллингвизми пайдо бўлган, яъни улар икки тилда барабар ижод қилишган.

Шоирларнинг форс-ҳиндавий биллингвизмининг илдизлари XI асрга бориб тақалади. Буни Ҳиндистоннинг форс тилида ижод этган шоири Маъсуд Саъд Салмоннинг ўша даврда энди шаклланаётган ҳиндавий, яъни ҳозирги урду тилида ёзган асарларида ҳам кўришимиз мумкин. Маълумотларга кўра, Маъсуд Саъд Салмон 3 та девон ёзиб қолдирган. Биринчи девони форс, иккинчиси араб ва учинчиси урду тилида. Афсуски, бу девонлардан фақатгина форс тилидаги девони сақланиб қолган. Уни 1939 йилда Техронда Эрон адабиётшунос олими Рашид Ясемий нашр қилдирган.

XI асрда яшаб икки тилда ижод қилган аралаш, яъни шир-у-шакар услубида шеърлар ёзган Маъсуд Саъд Салмоннинг замондошларидан бири Хўжа Ашраф Жаҳонгир, Ҳамидуддин Нагорий каби шоирларни ҳам айтиб ўтишимиз лозим. Уларнинг икки тилда: маҳаллий халқ диалекти билан бир қаторда, форс тилидаги ижодлари натижасида бадий

адабиётдаги бой, янги ҳинд тилларидан бири ҳиндавий, ҳозирги урду тилининг пайдо бўлишига асосий замин яратиб берди.

Ўрта асрларда Ҳиндистонда форс тилида ижод этган буюк шоирлардан бири Амир Хусрав Деҳлавий урду адабиётига асос солган. Амир Хусрав Деҳлавийнинг ижодида форс-ҳинд билингвизми форс тили каби жуда юқори мавқега эга бўлган. Деҳлавий Ҳиндистонда биринчи бўлиб шундай ғазал яратдики, ғазалда форс тилидаги мисралар урду тилидаги мисралар билан алмашилиб туради.

Аста-секин форс-ҳинд билингвизми шаклланиб, ривожланиб борди. Ҳиндистонда икки ва ундан ортиқ тилларда ижод қилган шоир ва ёзувчилар кўпая бошлади. Кўпгина шоирлар адабиётнинг шу турига ўта бошладилар.

XVI асрда ҳинду-мусулмонларнинг маданий аралашувида форс-ҳиндавий иккитиллиги янада ривожланди, кучайди, шоир ва ёзувчилар доираси кенгайди. Юқорида айтиб ўтганимиздек, фақатгина маҳаллий эмас, балки бошқа ўлкалардан келган шоир ва ёзувчилар ҳам шу услубда ижод қилишган. Бобурнинг ҳам форс-ҳиндавий ва туркий-ҳиндавийда ёзган аралаш байтлар, ширу шакар услубида ёзилган ғазаллари сақланиб қолган.

Билингвизмнинг яна бир аҳамияти шундан иборатки, у ҳинду-мусулмон маданияти синтезининг илдизлари ва форс адабиётидаги ҳиндий услуби генезисини очиб беришга хизмат қилади. Ўша даврда форс тилининг мавқеи юқори ва асосий роль ўйнаган.

Турк-форс адабий билингвизми Ҳиндистонда ўрта аср адабиётида деярли ўрганилмаган, шунинг учун ҳам бу мамлакатда турк-форс билингвизми биринчи бўлиб қачон пайдо бўлганини аниқ айтиш қийин. Лекин шуни аниқ айта оламизки, Ҳиндистонда бундай билингвизмнинг пайдо бўлишида иккита омил сабаб бўлган: биринчидан, мамлакат ҳаётида жуда кўп туркий халқларнинг бу ўлкага кириб келиб жойлашиши турк-форс адабий билингвизмининг пайдо бўлишига асосий замин ҳозирлаган бўлса, иккинчидан, Ўрта Осиё ва Ҳиндистон маданий алоқаларининг ривожланишидир.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, машҳур икки тиллик шоир сифатида қасида устаси Бадриддин Чочийни ҳам айтиб ўтиш лозим. Асли тошкентлик Бадриддин Чочий Ҳиндистонга тахминан 1332 йилда келиб қолган. Авваллари туркий тилда шеърлар ёзган. Ҳиндистонга келгандан кейин эса форс-тожик тилларида ижод қилган. Қўлёзмалар фондида унинг ижодидан намуналар сақланиб қолган.

Бундай асарлар мақбул бўлган ва буларга талаб ҳам катта бўлган. Бунга биз Ҳайдарободда топилган, XIV-XV асрларда ижод этган шоир Ҳофиз Хоразмийнинг туркий девонини мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин. Хоразмий ватанидаги нотинч ҳолат туфайли Ироқда, Исфахонда, Табризда яшашга тўғри келган. Лекин унинг девони Ҳиндистонда топилди ва у келажак авлод учун муҳим манба бўлиб ҳисобланди.

Ижодини форс ва турк тилларига бағишлаган шоир, ёзувчилар асосан Мовароуннаҳр ва Хуросондан келганлар. Улар Ўрта Осиё адабий анъаналарига суянган ҳолда ижод қилганлар. Бундай шоирлар қаторида биринчилардан бўлиб Бобурни тилга олишимиз керак, чунки у Ҳиндистон адабиёти доирасида турк-форс икки тиллигининг ривожланишига асос яратди. Яна биз Хўжа Калон Андижоний, Абдулмажид Фаруғий, Муҳаммад Ҳайдар Дуғлот, Мавлоно Ёрмуҳаммад кабиларни ҳам эътироф этишимиз ўринлидир. Улар ҳам Бобур билан бирга Ҳиндистонга кириб келишган. Кейинги авлод Ҳумоюн ва Акбар, Шохберди Баҳром Сақо, Иброҳим Мирзо Андижоний, Алиқули Султон, Муҳаммад Юнус Арғун, Мирмуҳаммад Ғазнавий кабилардир.

XVI аср адабиётининг ривожланиши шуни кўрсатадики, турк-форс билингвизми аста-секин маҳаллий таянчга айланиб борган. Бунга XVI аср Ҳиндистон адабий анъаналари ва Ўрта Шарқ руҳида тарбияланган Бобур ва унинг фарзандлари Ҳумоюн ва Комрон Мирзо, давлат арбоби ва Бобур салтанатининг лашкарбошиси Абдурахим Хони Хонон, Байрамхон кабиларнинг асарлари гувоҳлик беради. Байрамхон давлат арбоби бўлиш билан бирга асл икки тилнинг шоири ҳамдир.

XVI аср Ҳиндистон адабиёти тарихида турк-форс адабий икки тиллигининг пайдо бўлиши катта аҳамиятга эгадир. Албатта, кўп миллатли бу мамлакатда икки ва ундан ортиқ тилда ижод қилиш янгилик эмас, чунки қадимдан форс-ҳинд, араб, форс-ҳинд тилларида ижод қилишган. Лекин шуниси муҳимки, Ҳиндистон адабиётида бу тиллардан ташқари яна бир янги турк-форс, турк-форс-ҳиндавий услублар пайдо бўлиши аҳамиятли ҳолдир. Мазкур туркий-форс билингвизмининг кириб келиши билан Ҳиндистон адабиёти янада гуллаб-яшнади, янада чиройли шеърлар, ғазаллар яратилди. Шунинг билан бирга ҳинду-мусулмон маданий синтези хусусиятларини адабиёт, санъат ва маданиятда кўришимиз мумкин. Бунда айниқса, Бобурийларнинг ҳиссаси жуда катта. Халқ орасида ҳам турк-форс тилида ижод қилувчи шоирлар чикқан. Турк-форс икки тиллиги Ҳиндистон ва Ўрта Осиё адабий алоқаларининг ривожланишида ҳам асосий роль ўйнаган.

Бедил ва адабий алоқалар

Бобурийлар сулоласининг охирги авлодлари даврида яшаб ижод қилган Мирзо Абдулқодир Бедилнинг асарлари Ўзбекистон, Тожикистон ва Афғонистонда катта шухрат топган. Унинг ижодини икки йўналишда кўриш мумкин. Булар:

- а. диний-мистик руҳда ёзилган шеърлар;
- б. фалсафий руҳда ёзилган шеърлар.

Йирик шарқшунос Ш.Шомухамедовнинг “Форс-тожик адабиёти классиклари” китобида ёзилишича, Бедил 1644 йилда Бенгалиянинг Азимобод шаҳрида дунёга келди. У бир ёшга тўлар-тўлмас отадан етим қолган.

Мирзо Бедилнинг отаси Мирзо Абдухолиқ Бадахшон вилоятида яшовчи Барлос қабиласидан бўлиб, темурийзодалар оиласига мансуб бўлган¹⁹.

Ҳиндистонлик доктор Абдулғани Лахўрий эса Бедилнинг шеърларини таҳлил қилиб ёзган мақоласида Бедилни турк-мўғул ирқига мансуб деб ҳисоблайди. У Бедилни 4 ёшида отасидан ажралиб етим қолган, деб ёзади.

Бедилнинг биринчи муаллими меҳрибон онаси бўлган, аммо у ҳам Бедил 6 ярим ёшга тўлар-тўлмас вафот этади. Унинг тарбиясида амакиси Мирза Қаландар ва тоғаси Мирза Зарифлар катта роль ўйнашади. Тохар Бадахшийнинг ёзишича, Бедил 7 ёшга тўлганда Мирза Қаландар Бадахшонга келиб, қайтишида жиянини ўзи билан олиб кетади. Улар аввал Ҳайдарободда, сўнгра Азимобод шаҳрида яшайдилар.

Бедил шу ерда, Азимободда илмий-адабий китоблардан, аруз илмидан сабоқ олганди. У форс, араб, ҳиндий ва санскрит тилларини ҳам чуқур ўрганди. У мисли кўрилмаган истеъдод эгаси бўлгани учун 7 ойда Қуръони Каримни ёд олган. Саъдийнинг “Гулистон” ва “Бўстон” асарларини ўқиб ўрганган. Амакиси Мирза Қаландар ҳарбий киши бўлишига қарамай, шеърят шайдоси бўлган. Шу сабабли унинг уйида тез-тез адабий кечалар ўтказилиб турган. Бедил ҳам ёшлигидан олим, шоир ва зиёлилар билан мунтазам мулоқотда бўлгани учун, улар билан бемалол баҳс ва мунозарага киришган. Унинг илмга чанқоқлиги, зукколиги, ёдлаш қобилияти ҳаммани ҳайратга соларди.

Бедилнинг бобоси ҳижрий 932 йилда 1000 нафар суворийлар билан Бадахшондан Мирзо Бобурга ёрдам бериш мақсадида Кобулга келади ва Бобур кўшинига кўшилади. Сўнгра у Мирзо Бобур аскарларига бош қўмондон бўлиб Ҳиндистонга юриш қилади.

¹⁹ Джалилова Р.П. Бедил и рукописи его сочинений в фонде ИВАН Узбекистана. Из истории культурных связей средней Азии и Индии. –Т., 1986, –С.49.

Ш.Шомухамедов Бедил ўзининг 77 йиллик ҳаётида 14 подшони кўрган, деб ёзган эди. Мирзо Бедилдан катта ижодий мерос қолган. Бедил асарларининг тўплами, яъни куллийетига киритилган асарлар жамланса, 125 минг мисра шеър ва 50 босма табокдан ортиқ насрни ташкил қилади²⁰.

Нашр қилинган асарларидан **шеърый асарлари** сони 16 тага етади. Шулардан 9 таси **насрий асарлардир**. Бедил уч тилда: форс-тожик, туркий ва ҳинд тилларида ижод қилган. Унинг асарлари турли тилларга таржима қилинган. Ўзбекистонда шоир Назармат Бедилнинг “Комде ва Мудам” достони, Ш.Шомухамедов эса унинг рубоийларидан бир қисмини ўзбек тилига ўгиришган. Бундан ташқари, Бедил асарлари Ўзбекистонда қўлёзма ва тошбосма ҳолатда кўп марта нашр қилинган. Айниқса, унинг нашр қилинган “Бедил” куллийети ҳозирги кунга қадар асосий манбалардан бўлиб келмоқда.

Кейинги вақтларда Бедил ижодига қизиқиш ортмоқда. Тожикистонда Мирзо Бедилга бағишланган илмий анжуманлар ҳар йили ўтказилиб келмоқда. 2006 йилда Эронда Бедил фалсафасига бағишланган илмий анжуман ўтказилди. Афғонистонда Кобул университети қошида “Бедилшунослик” кафедраси фаолият кўрсатиб келмоқда. Ўзбекистонда ҳам Бедил фалсафаси олий ўқув юртларида ўрганилмоқда.

Ҳиндистон ва Ҳамза, Фурқат ижоди

Ўрта Осиё ва унга қўшни бўлган мамлакатлар ўртасидаги маданий алоқалар тарихи Ватанимиз вакиллари томонидан яратилган илмий, тарихий ва адабий асарлар асосида кўриб чиқилмоқда. Ўзбек адабиёти классиклари ижодига бағишланган бир қатор илмий асарларда маълум бир адибларнинг қўшни мамлакатлар бўйлаб қилган саёҳатлари тўғрисида қисқача эслатиб ўтилади, холос. Биз бу ўринда ўзбек классик шоирлари Фурқат ва Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийларни назарда тутяпмиз. Улар турли даврларда Ҳиндистон ҳамда бошқа бир қанча мамлакатлар бўйлаб саёҳат қилган эдилар. Бироқ уларнинг хорижга қилган саёҳатлари, хусусан, Ҳиндистонда бўлган даврда яратган асарлари, уларнинг ҳинд жамоатчилик вакиллари билан бўлган алоқалари ва бу жамоатчиликнинг ўзбек классикларига бўлган муносабатлари тўғрисида бизда бирон-бир муфассал асар яратилмаган.

Масалан, илмий асарларда Ҳамзанинг Ҳиндистонда бўлиши тўғрисида жуда кам маълумот берилади. Деярли барча эълон қилинган

²⁰ Шомухамедов Ш. Форс-тожик адабиёти классиклари. –Т., 1963. 187-б.

асарларда шоирнинг таржимаи ҳолидан олинган маълумотларга кўра, у 1910 йилда Қашқар дарвоза маҳалласида биринчи марта мактаб очган.

Биз Ҳамза ўзбек адабиётида янги жанрларни ривожлантирган ҳамда ўзбек мусикали театр санъатини вужудга келтирган биринчи кашшоф бўлганлигини унутмаслигимиз керак.

Ўзбекистон ФА қошидаги Ҳ.Сулаймонов номидаги Кўлёзмалар институтида Ҳ.Ҳ.Ниёзийнинг 6 жилддан иборат архив каталоги сақланади. “Ёш ленинчи” ва “Тошкент окшоми” газеталари саҳифаларида босилган бир хабардан сўнг ўзбек китобхонлари Ҳамзанинг 1913 йил 18 июнда Бомбайда бўлганлиги, у ерда мусиқа асбоби харид қилганлиги ҳақида маълумотга эга бўлдилар. Ҳамза Ҳиндистоннинг яна қайси вилоят ва шаҳарларини бориб кўрганлиги ҳақида шоирнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида эълон қилинган илмий ишларнинг ҳеч бирида маълумот берилмаган. Фақатгина 1988 йилнинг март ойида Хайрулла Исма-туллаевнинг “Ҳамза дунё кезади” номли мақоласи эълон қилинди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин мустамлака ва ярим мустамлака мамлакатлар мустақил сиёсий ҳамда иқтисодий тараққиёт сари йўл олганларидан сўнг чет эл жамоатчилиги ўртасида ўзбек адабиёти ва санъатига қизиқиш яна ҳам ошди. Масалан, Ҳиндистоннинг адабий-бадий танқидчилари демократ шоирлар Муқимий ва Фурқат ижодига юксак баҳо берадилар. Таниқли ҳинд танқидчиси доктор Прабҳакар Мачве Фурқатни инқилобгача яшаб ижод этган атоқли ўзбек шоирлари билан бир қаторга қўйиб, уни “XIX асрнинг охириги буюк ўзбек шоири”, деб атайди.

Муқимий ва Фурқатнинг демократик ғояларини Ҳамза давом эттирди, уни ривожлантирди. Ҳамза асарларида куйланган социал адолат, интернационализм, халқлар дўстлиги ва тенглиги ғоялари ҳинд халқининг қалбига яқин ва тушунарли. Шоир таваллудининг 75 йиллиги нишонланган кунларда Патияла шаҳридаги Дўстлик жамиятининг президенти Сэт Тандон: “Порлоқ келажак учун курашчи Ҳамза ижодига хос гуманизм ҳинд халқининг қалбига яқин ва тушунарли”, – деган эди. Гияний Жайн Сингҳнинг сўзи билан айтганда, “Ҳамза каби халқ идеалларини куйловчи шоирлар бир мамлакатнинг ва бир синфнинг шоири деб эмас, балки бутун инсониятнинг шоири деб ҳисобланадилар. Ҳамзанинг орзулари Ўрта Осиёда рўёбга чиқди. Унинг орзулари жаҳоннинг бошқа мамлакатларида ҳам, албатта, рўёбга чиқади”, деган эди.

Тараққийпарвар ҳинд адабиётшунослари ва санъат арбоблари Ўрта Осиё халқларининг адабиёти ва санъати билан ватандошларини яқинроқ таништириш мақсадида матбуот саҳифаларида эълон қилин-

ган ижтимоий-сиёсий ва адабий мақолаларни ўз она тилларига таржима қиладилар.

Тараққийпарвар ҳинд жамоатчилиги Ҳамзанинг ижоди билан яқиндан таништиришда Ўзбекистонда ишлаётган ҳинд адабиётшуносларининг хизматлари катта. Чунончи, “Радуга” нашриётининг ходими Манзар Салим Ҳамза шеърларини урду тилига таржима қилиб, уни нашр қилдирди.

Ўзбек китобхонларига яхши таниш бўлган таниқли урду тили ва адабиёти ўқитувчиси, Деҳли университетининг профессори Қамар Райис ўзбек ҳиндшунос олимлари Раҳмонберди Муҳаммаджонов ва Амир Файзуллаев билан ҳамкорликда ўзбек шеърятининг сайланма асарини 1973 йили урду тилида Тошкентда нашр эттирди.

Урду тилида нашр этилган ўзбек шеърятининг сайланма асари Ҳамзанинг “Яша Шўро!”, “Ўзбек хотин-қизларига” шеърлари билан бошланади. Таниқли ҳинд шоири Сажжод Зоҳир бу асарга юксак баҳо берган эди. “Ўзбекистонда анча вақт яшаган Қамар Райис, – деб ёзган эди у, – баъзи шеърлари орқали бизни Ўзбекистон билан таништиради ва урду поэзиясининг мавзу доирасини янада кенгайтиради”.

“Замонавий ўзбек адабиёти” номли мақолани профессор Қамар Райис 1974 йилда ёзган, урду ва инглиз тилларида нашр қилинган, ҳамда д-р Қамар Райиснинг “Изланиш ва мувозанат” номли адабий-танқидий мақолалари тўпламига ҳам киритилган.

Урду ва ўзбек адабиётлари тараққиётидаги умумий қонуниятларни кузатар экан, Қамар Райис уларда ижоди бир-бирига ҳамоҳанг бўлган адибларни қидириб топишга ҳаракат қилади. Ҳинд адабиётшунослари асарлари романтик кўтаринкилиги ва воқеликни бой ҳаётий тажрибалари орқали идрок қилиниши билан бошқалардан ажралиб турувчи ўзбек шоири Миртемир ва урду шоири Жўш Малиҳободийларни ана шундай ҳамоҳанг адиблар, деб ҳисоблайди.

Қамар Райис, айниқса, Муқимий ва Фурқат ижоди ҳақида кенг тўхталиб ўтади. “Бу шоирлар, деб ёзади Қамар Райис, - зулм ва истибдодга қарши қатъий норозилик билдириб, халқлар дўстлиги ғояларини баланд овозда куйладилар, ўзбек адабиётининг ғоявий-тематик мазмунини кенгайтирдилар ва уни янги жанр ҳамда шакллар билан бойитдилар”.

Ўзбек адабиётининг атоқли намояндалари сифатида Қамар Райис Ҳ.Ҳ.Ниёзий, Ойбек, Ғ.Ғулом, А.Қаҳҳор ва Миртемирларнинг номларини тилга олади. Келиб чиқиши оддий оилалардан бўлган бу ижодкорлар, ҳинд олимининг тўғри хулосаларига кўра, ўзбек халқининг классик маданий меросига чуқур эҳтиром билан қараб, меҳнаткашларнинг оғир ҳаёти билан яқиндан таниш бўлган ҳолда уни ҳаққоний тарзда тасвирлаб

берувчи оптимистик руҳдаги асарлар яратдилар ва адабий тилни ёрқин, жонли халқ тилига яқинлаштиришга ҳаракат қилдилар.

Ҳинд ва ўзбек адабий муносабатлари тарихида машҳур лирик шоир Зокиржон Фурқатнинг хизмати каттадир. Унинг Ҳиндистондан олган таассуротлари “Бечиз нест” “Ҳеч нарсасиз” деган тожикча ғазали, “Бомбайдан хат” ва “Кашмирда” каби асарлари фикримизнинг гувоҳидир. Бу шеърларида шоир ҳинд халқи, унинг маданияти ва табиатини тасвирлайди. Фурқатнинг Ҳиндистон ҳақида айтган сўзлари ҳинд халқлари қалбида ҳам шоирга бўлган ҳурмат ва муҳаббатни орттирди.

“Ҳиндистон халқи, – дейди машҳур ҳинд ёзувчиси Кришан Чандар, ўзбек шоирларидан Алишер Навоий, шунингдек, Фурқат ва Бедил ижодини билади²¹”.

Ўзбек классик адабиётининг асосчиси Алишер Навоий “Хамса” асарини яратишда ҳинд шоири Амир Хисрав Деҳлавийни ўзининг иккинчи устози деб атаб, у шоирлик иқтидори билан бутун Ҳиндистонни забт этганлиги ҳақида фикр билдирган эди.

Ўтган асрнинг охирларида З.Фурқат, XX аср бошларида эса, Ҳ.Ҳ.Ниёзий ҳинд тупроғига қадам ранжида қилган эдилар.

Ҳинд маданиятига, унинг кўп миллатли адабиётига қизиқиши туфайли Фурқат Ҳиндистон халқи билан Ўрта Осиё халқлари ўртасидаги маданий алоқага муҳим ҳисса қўшди. У узоқ муддат чет мамлакатларда юрган, Шарқнинг жуда кўп ўлкаларига, шу жумладан 1893 йилда Бомбайга боради, Ҳиндистоннинг кўп шаҳарларида, Кашмирда ҳам бўлган эди.

Фурқат Ҳиндистондан ёзган хатларида ҳинд шаҳарларининг ободлиги ҳақида, хусусан, Бомбай шаҳрининг ҳашаматлилиги уни мафтун қилганлиги ҳақида ёзади. У ҳинд халқларининг урф-одатлари ва диний эътиқодларига чуқур ҳурмат билан қарайди. Ҳиндларнинг Британия мустамлакачилари томонидан қаттиқ эксплуатация қилинаётганлигидан ғоят нафратланади. Унинг Ёркентдан ёзган хатларида эса Англия мустамлакачиларининг Ҳиндистондаги қонли кирдикорларини фош қилиб, ҳинд халқини мустамлака зулмига қарши мустақиллик учун олиб борган курашлари ҳақида тўхтайди.

*...Қоши узра холининг асроридан бир нуқтадур,
Сураи Нун ўқудим пайваста ҳар тафсирда.
Фориғ эрмас ҳеч ким ул дилрабонинг ишқидин,
Зулмига дилбасталиғ ҳар бир жавону пирда.
Айтдим: “Эй жон офати, зулмингга бўлмиш ман асир!”
Айди: “Бу савдони қўй, умринг ўтар занжирда!”
“Нуқта лаб устида бежодур”, - дедим, айди кулиб:
“Саҳв қилмиши котиби қудрат магар таҳрирда”.²²*

²¹ Файзиева В. Алоқаларимиз мустаҳкам. Ўзбекистон маданияти. –Т., 1973.

²² Фурқат шеъриятидан. –Т., 1980. 39-б.

Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтидаги XVI–XVII асрлардаги Ҳиндистонга оид қўлёзма манбалар

Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик Институтининг шарқ қўлёзмалари жамғармаси бутун дунёга машҳурдир. Институт фондида шарқ адабиётининг машҳур классик вакиллари Алишер Навоий, Маҳмуд Қошғарий, Рудакий, Фирдавсий, Жомий, Умар Хайём, Бедил ва бошқаларнинг фалсафа ва табиий фанларга оид адабий қўлёзмалари тўпланган. Машҳур файласуф Абу Наср Муҳаммад Форобий, қомусий олим Абу Али ибн Сино, математик ва астроном Муҳаммад Аҳмад Хоразмий, Қутбиддин Шерозий, Улуғбек ва бошқаларнинг номларини ҳам зикр этиб ўтиш керак.

Жамғармада тарихий асарлар ҳам сақланади. Уларнинг кўпчилиги Ўрта Осиё, Ҳиндистон, Эрон, Туркия, Афғонистон ва Араб мамлакатлари тарихи ва адабиётини ўрганишда асосий манба бўлиб ҳисобланади. Қуйида биз Ҳиндистоннинг XVI–XVII асрларга оид асосий асарлар ҳақида тўхталиб ўтамиз.

“Бобурнома” – Шох Бобурнинг қўлёзмалари. Шунингдек, бу асар “Бобур саргузаштлари” ёки “Бобур тузуклари” номи билан ҳам учрайди.

Муаллиф – Заҳириддин Муҳаммад Бобир Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласининг асосчиси, машҳур шоир, илмни кадрловчи, адабиёт ва санъатнинг шайдосидир. У ўз асарида Ўрта Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистон халқларига оид XV аср охирлари ва XVI аср бошларидаги тарихий аҳамиятга эга маълумотларни ёзиб қолдирган. Шунингдек, бу асарида Фарғона ва Мовароуннахрнинг қисқача географик очерки ва эпоси, Умар Шайх Мирзо, Султон Аҳмад Мирзо (Самарқанд шоҳи бўлган), Султон Маҳмуд Мирзо ва Бойсунқур Мирзога оид маълумотлар ҳам ўз аксини топган.

“Тарихи Рашидий”, муаллифи Мирзо Муҳаммад Ҳайдар. У 1499 йилда Тошкентда туғилган, З.М.Бобурнинг холаваччаси бўлган. У машҳур тарихчи ва сиёсат арбоби. Мирзо Муҳаммад Ҳайдар ўзининг “Тарихи Рашидий” (1546 й.) деб номланган мемуар асарини Абдурашидхон шарафига ёзган. Мемуарлар икки дафтарга бўлинади: 1) 1544 йилда бошланиб, 1546 йилда тамомланган. Асар Мўғулларнинг Мўғулистон ва Қашқар давлатлари тарихига бағишланган. 2) Бу дафтар 1541-1542 йилларда бошланган ва 1543-1544 йилларда тугатилган бўлиб, муаллиф ёдномаларидан иборат. Шунингдек, асарда ўша даврдаги Ўрта Осиё, Шарқий Туркистон, Афғонистон, Шимолий Ҳиндистон давлатларида содир бўлган воқеалар ва биографик, адабий, географик материаллар ўз аксини топган.

Кейинги асар “Ҳумоюннома” – Ҳумоюн ҳақида китоб.

“Акбарнома” – Акбар ҳақида китоб. Манба “Тарихи Акбаршоҳ”, “Тарихи Акбарий”, “Саҳифаи шоҳий” номлари билан машҳур. Муаллиф – Абул Фазл (1555-1602) давлат ва дин арбоби, чуқур илмӣ, машҳур тарихчи ва нафис хаттот, шеърӣят шайдоси бўлган. “Алломи” исми билан ҳам машҳур бўлган.

Бу асар Акбар топшириғига биноан ёзилган. Асарнинг асоси сифатида хотиралар, расмий ёзишмалар, фармонлар ва бошқа манбалардан кенг фойдаланилган. Манба 3 жилддан ташкил топган. Учинчи жилд алоҳида диққатга сазовордир. Унда (кейинчалик “Оин-и Акбарий” номи билан маълум бўлган) Ўрта Осиёлик адиблар ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган.

“Тазкира-и Зикри Подишоҳони Дакан” – Декан давлати антологияси.

Муаллиф – Абдул Ҳаққ ибн Сайфиддин ат-Турк ад-Дехлавий ал-Бухори ал-Ҳаққий машҳур ҳинд олими, тарихчи, форс тилидаги бир неча асарлар муаллифи. Асар Дехлидаги маҳаллий сулолалар ҳақида қисқача маълумотлардан таркиб топган.

“Жаҳонгирнома” – Жаҳонгир (1569-1627) ҳақида китоб. 1596 йилда ёзилган. Бу асар яна “Жаҳонгир тузуклари” номи билан ҳам машҳур.

Муаллиф – Салим Нуриддин Муҳаммад Жаҳонгир. Асарда муаллифнинг бутун таржимаи ҳоли ҳам берилган. Икки жилддан иборат. Унда ҳамма воқеалар батафсил ёритиб берилган.

“Тарихи Фаришта” – Фаришта йилномаси. Асар “Гулшани Иброҳим” номи билан ҳам машҳур. У Ҳиндистондаги мусулмонлар тарихи ҳақида қимматли манба ва яна майда сулолалар ҳақида. Кириш, 12 боб ва хулосадан иборат.

III БОБ. XX АСР ЗАМОНАВИЙ ДАВР

И.Д. Ягелло – Ўзбекистондаги илк ҳиндшунослардан бири

И.Д.Ягелло Ўзбекистонда шарқшуносликнинг ривожланиши тарихида, хусусан, урду ва ҳиндий тилларининг ўрганилишида ўз ўрнига эга. Ушбу ажойиб педагогнинг ҳаёти бевосита унинг Ўзбекистондаги фаолияти билан боғлиқдир. У педагог, филолог, шарқшунос бўлган.

И.Д.Ягелло 1865 йилда Юрьев (Болтиқ бўйи) шаҳрида туғилган. У 1895 йилда Петербургдаги Шарқ тиллари ҳарбий курсларини, кейинчалик 1897 йилда Парижда Шарқ тиллари факультетини тамомлаган.

И.Д.Ягелло юқори маданиятли киши бўлган. У бир нечта шарқ ва Ғарбий Европа тилларини (форс, араб, ҳиндий, урду, француз, инглиз ва немис тиллари) билган.

У 1897 йилда хизматни ўтиш учун Туркистон ўлкасига юборилди. У дастлаб Ашхободда урду тили курсини, кейинчалик эса Тошкентда шарқ тиллари ҳарбий курсларини ташкил этди. У рус илғор заковатининг вакили бўлган. У бутун кучини маърифат йўлига сафарбар қилган, Тошкент шаҳридаги Шарқшунослик жамиятининг ташкилотчиларидан бири бўлган. Жамият 1902 йилда ташкил этилган эди. Унинг иштирокида Тошкент шаҳрида форс ва ўзбек тили курслари ҳамда маҳаллий миллат вакиллари учун бепул рус тили курслари ташкил этилган.

И.Д.Ягелло биринчи империалистик уруш вақтида амалдаги армия сафида бўлган. У 1920 йилда М.В.Фрунзе томонидан Тошкент шаҳрига Ўрта Осиё Шарқшунослик курсларини ташкил этиш мақсадида чақиртирилган эди. Унинг раҳбарлигида Қизил Армиянинг шарқшуноскомендирлари тайёрланган. 1922 йилда Олий шарқшунослик ҳарбий мактаби тингловчилари ўз устозларини 25 йиллик педагогик фаолияти билан табриклади. Тингловчиларнинг ўз устозларига бўлган муносабатини қуйидагича таърифлашади: “Сизнинг оғир ва сердикқат ишингиз ҳамда Шарқ халқлари билан яқин муносабатда бўлиш учун шарқ тилларини ўрганишга чанқоқ бўлган ўз тингловчиларингизга етказиб бера олган билимларингизга юқори баҳо берган ҳолда, Сизга ўзимизнинг чуқур миннатдорчилигимизни изҳор қиламиз...”.

И.Д.Ягелло 1929 йилда Москвага кўчиб келади ва М.Фрунзе номидаги Ғарбий академияда ўқитувчи бўлиб ишлашда давом этди. И.Д.Ягелло 1942 йилда Москвада вафот этди. У ўзининг узоқ ҳаёти давомида илмий ишини ташлаб қўймади. Ҳозирги вақтда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган ишлар унинг қаламига мансубдир:

Форсча-русча луғат;
Ҳиндча-русча луғат;
Ҳиндий-урду тили грамматикаси;
Форс хрестоматияси;
Араб тили бўйича қўлланма ва бошқалар.

И.Д.Ягеллонинг 1901 йилда чоп этилган ҳиндустоний (урду) тили грамматикаси китоби А.О.Гриннинг ҳиндустоний (урду) тилининг амалий грамматикаси китобининг инглиз тилидан қилинган таржимасидир. И.Д.Ягелло рус офицерларининг Тошкент шаҳрида ташкил этиладиган курсларда ҳиндий тилини ўрганишларини енгиллаштириш мақсадида дастлаб француз, немис ва инглиз тилларидаги энг яхши қўлланмалар билан танишиб чиқиб, айнан ушбу дарсликни мазкур тилни ўрганиш учун энг яхши деб ҳисоблади. У Гриннинг амалий грамматика китобининг асосий қисмини таржима қилди.

Ҳиндча-русча луғат (1902 йилда С.Петербург ҳарбий-илмий қўмитаси бош штаби нашри) урду тилидаги дастлабки луғатлардан бири бўлиб ҳисобланади. Ягелло Ҳиндистоннинг асосий луғат жамғармасини қамраб олган кичик ҳажмдаги урдуча-русча луғатни (6400 га яқин сўз) яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Луғат урду тилини ўрганиш ва таржимонга ёрдам бериш, урду тилидаги катта бўлмаган, ўртача мураккабликдаги матнларни тушуниш ва уларни рус тилига таржима қилиш йўлида ўқув қўлланмаси бўлиб хизмат қилиши лозим эди. Ягелло луғатда ҳар бир сўздан сўнг унинг этимологиясини (форс, юнон, турк тилари) кўрсатиб ўтади.

Ягелло шарқ тилларини ўқитиш соҳасидаги ажойиб мутахассис-методист бўлган. Унинг чет тилларни ўқитиш услубиятига оид мақолалари ҳозирги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган.

XX АСР 50-ЙИЛЛАР – “ШАРҚ ЮЛДУЗИ” ВА “ЗВЕЗДА ВОСТОКА” ЖУРНАЛЛАРИНИНГ РОЛИ

Ҳинд адабиётини оммалаштиришда “Звезда Востока” ва “Шарқ Юлдузи” журналларининг хизмати бениҳоя катта. Бу журналлар саҳифаларида ҳинд адибларининг рус ва ўзбек тилларига ўгирилган шеърлари, қиссалари, ҳикоялари бериб борилади. Мазкур нашрлар орқали ўзбек муштарийлари таниган барча ҳинд шоир ва ёзувчилари номини санаб адоғига етиш мушкул. Ҳинд ёзувчи ва шоирларининг таржималари, асосан, 1950 йилдан бошлаб мунтазам чиқа бошлади.

Ўзбек китобхони илк бор Тҳакур (Тагор) ижоди билан 1925 йилда “Маориф ва ўқитувчи” ойлик ижтимоий – сиёсий журнал ҳамда “Ер юзи” суратли журнал саҳифалари орқали танишди. Бу журналларда

Ҳиндистондаги миллий озодлик ҳаракати бўйича мақолалар, ҳинд адиблари қаламига мансуб ҳикояларнинг таржималари босиларди. Жумладан, “Маориф ва ўқитувчи” журналида Тҳакурнинг “Суба” ҳикоясини (1925), “Ёр юзи” нашрида эса “Соҳил бўйидаги зинапоялар” (1926) ва “Ҳурмат – эҳтиромга тўла нигоҳ” (1927) ҳикояларини, кейинроқ Р.Тҳакурнинг буржуа маданияти тўғрисидаги танқидий фикр-мулоҳазаларига “Тҳакур ва Ғарб маданияти” сарлавҳали мақоласини эълон қилди.²³ 1930 йил “Камбағал деҳқон” рўзномаси Тҳакурнинг Россияга ташрифига оид мақола билан чиқди.

1956 йил Ҳамза номидаги Ўзбек Миллий драма театри Р.Тагорнинг “Ҳалокат” романи асосида “Ганг дарёсининг қизи” пьесасини сахналаштирди.

Ўзбек таржимонларидан урду тилидан биринчи таржима қилган ҳиндшунос Наби Муҳамедовдир. У Ҳиндистон тарихи ва маданиятини чуқур билиши, тилни мукаммал ўзлаштиргани туфайли моҳирона таржима асарларни вужудга келтирди. Яна ҳинд адиблари асарларини ўзбек тилига таржималари устида Ҳ.Ғулом, Ж.Жабборов, Р.Муҳаммаджонов, З.Ашурбоев каби республикамизнинг энг сара адабиёт намоёндалари, мутахассислари ишлаб келганлар.

50-йилларда чиққан ва таҳлил қилинган таржималарни олсак, асосан Ҳиндистон адабиётларининг энг ривожланганлари кўрсатилган бўлиб, улар қуйидагилардир:

А) Бенгал адабиёти:

1. Ҳариндранат Чоттопадхя “Рамулу Чўпон”²⁴ шеър, таржимон: рус тилидан Пўлат Мўмин.

2. Робиндранат Тҳакур “Скелет”²⁵ ҳикоя, таржимон: рус тилидан Т.Жалолов.

3. Р.Тҳокур “Нур ва соялар”²⁶ ҳикоя, таржимон: Т.Жалолов.

Б) Ҳиндий адабиёти:

1. Премчанд “Ювошлик”²⁷ ҳикоя, таржимон: Маъруф Ҳаким.

2. Сатинарайан Синха “Сорренто эртаси”²⁸ ҳикоя, таржимон: Эсон Раҳимов.

3. С. Бҳаттачария “Чақалоқ туғилди”²⁹ шеър, таржимон: рус тилидан Султон Акбарий.

4. Моҳендра Бҳатанагар “Жавоний” (Ёшлик)³⁰ шеър, таржимон: рус тилидан Ж.Жабборов.

²³ Тохтаходжаева Н. Узбекистан-Индия: дружба и сотрудничество. –Т., 1983. –С.93.

²⁴ Чаттопадхя Х. Рамулу Чўпон. «Шарқ юлдузи», 1950. №3. 76-78-б.

²⁵ Тҳакур Р. Скелет. «Шарқ юлдузи». 1958. №9. 26-31-б.

²⁶ Тҳакур Р. Нур ва соялар. «Шарқ юлдузи». 1956. №5. 48-64-б.

²⁷ Премчанд. Ювошлик. «Шарқ юлдузи», 1955. №3. 59-65-б.

²⁸ Синха С. Сорренто эртаси. «Шарқ юлдузи», 1956. №6. 23-27-б.

²⁹ Бҳаттачария С. Чақалоқ туғилди. «Шарқ юлдузи», №8. 32-б.

5. Премчанд “Қамоқ”³¹ ҳикоя, таржимон: урду тилидан Т.Тоиров.

В) Урду адабиёти:

1. Кришан Чандар “Уч безори”³² ҳикоя, таржимон: урду тилидан З.Аширбоев.

2. К.Чандар “Сув дарахти”³³ ҳикоя, таржимон Қ.Мирмуҳамедов.

3. К.Чандар “Бир дублёр қиз”³⁴ ҳикоя, таржимон: урду тилидан З.Аширбоев.

4. К.Чандар “Шамоллар онаси”³⁵ ҳикоя, таржимон: рус тилидан Қ.Мирмуҳамедов.

5. К.Чандар “Хушбўй хат”³⁶ ҳикоя, таржимон: Т.Умаров.

6. Хўжа Аҳмад Аббос “Лампа тонг отгунча ўчмади”³⁷ ҳикоя, таржимон: Х.Аҳророва.

7. Х.А.Аббос “Кечиккан хат”³⁸ ҳикоя, таржимон: инглиз тилидан Ғ.Абдурашидов.

8. Иброҳим Жолис “Атиги бир пайса деб ...”³⁹ ҳикоя, таржимон: урду тилидан Т.Иброҳимов.

9. Маҳмуд Хусайн “Апшерон”⁴⁰ ҳикоя, таржимон: Холида Аҳророва.

10. К.Чандар “Сени кутаман”⁴¹ ҳикоя, таржимон: рус тилидан Қ.Яҳёев.

11. Али Сардор Жаъфрий “Пол Робсон”⁴² – шеър, таржимон: рус тилидан Илёс Муслим.

12. Али Сардор Жаъфрий “Янги замон”⁴³ шеъри.

13. Аҳмад Надим Қосимий “Бугун ва эрта”⁴⁴ шеър, таржимон: Э.Охунов.

14. Аҳмад Надим Қосимий “Бахтли бўл”⁴⁵ ҳикояси, таржимон: рус тилидан Эркин Носиров.

15. Файз Аҳмад Файз “Тун қўшиғи”⁴⁶ – шеър, таржимон: рус тилидан И.Муслим.

³⁰ Бҳатанагар М. Жавани. «Шарқ юлдузи», 1958. №9. 33-б.

³¹ Премчанд. Қамоқ. «Шарқ юлдузи», 1958. №9. 34-40-б.

³² Чандар К. Уч безори. «Шарқ юлдузи», 1956. №5, 65-73-б.

³³ Чандар К. Сув дарахти. «Шарқ юлдузи», 1957. №8. 112-122-б.

³⁴ Чандар К. Бир дублёр қиз. «Шарқ юлдузи», 1957. №8. 122-128-б.

³⁵ Чандар К. Шамоллар онаси. «Шарқ юлдузи», 1958. №9. 41-51-б.

³⁶ Чандар К. Хушбўй хат. «Шарқ юлдузи», 1959. №4. 90-102-б.

³⁷ Аббос Х.А. Лампа тонг откунча ўчмади. «Шарқ юлдузи», 1959. №5. 74-77-б.

³⁸ Аббос Х.А. Кечиккан хат. «Шарқ юлдузи», 1958. №4. 91-97-б.

³⁹ Жолис И. Атиги бир пайса деб... . «Шарқ юлдузи», 1958. №6. 121-125-б.

⁴⁰ Хусайн М. Апшерон. «Шарқ юлдузи», 1950. №8. 71-75-б.

⁴¹ Чандар К. Сени кутаман. «Шарқ юлдузи», 1955. №3. 66-76-б.

⁴² Жаъфарий А.С. Пол Робсон. «Шарқ юлдузи», 1958. №6. 127-б.

⁴³ Жаъфарий А.С. Янги замон. «Шарқ юлдузи», 1958. №9. 32-б.

⁴⁴ Қосимий А.Н. Бугун ва эрта. «Шарқ юлдузи», 1958. №6. 127-б.

⁴⁵ Қосимий А.Н. Бахтли бўл. «Шарқ юлдузи», 1958. №9. 104-109-б.

⁴⁶ Файз Ф.А. Тун қўшиғи. «Шарқ юлдузи», 1958. №6. 128-б.

16. Файз Аҳмад Файз “О жон дўстим, қадрдон дўстим”⁴⁷ шеър, таржимон: рус тилидан Зоҳиджон Обидов.

17. Иқбол “Кашмир”⁴⁸ шеъри, таржимон: форс тилидан Назармат.

18. Файз Аҳмад Файз “Иқбол”⁴⁹ шеър, таржимон: рус тилидан Назармат.

Г) Панжоб адабиёти:

1) Балвант Гаргий “Ҳинд операсининг туғилиши”⁵⁰ мақоласи, таржимон: инглиз тилидан Ғ.Абдурашидов.

Юқоридаги таснифдан яққол кўриниб турибдики, урду адабиёти вакиллари Ҳиндистондаги асосий 14 тилдаги ҳиндий, бенгал, панжоб ва бошқа адабиётларга нисбатан бирмунча кўпдир. 50-йилларда 18 та ҳикоя, шеър ва мақолалар ўзбек тилига таржима қилинган. Кўпроқ атоқли ёзувчилар ижоди, яъни Р.Тҳакур, К.Чандар, Иқбол, Ф.А.Файз ва Марказий Осиёда кам танилган, жумладан С.Бҳаттачария, Маҳмуд Ҳусайн каби ижодкорларни ҳам учратишимиз мумкин. Адабий турлар ва жанрлар нуқтаи назаридан қарасак, кўпроқ ҳикоялар (14), кейин шеърлар таржима қилинган, тақриз ва мақолалар ҳам чоп этилган.

Насрчилик

Премчанднинг “Ювошлик” ҳикоясида хўрланган бир идора хизматчиси ҳақида сўз боради. Ҳикоянинг бош қаҳрамони Фатех Чанддир. У жуда ювош инсон эди. Идорада у тинмай ишлайди, аммо хизматчисининг қадрига етмаган хўжайини уни шафқатсизларча хўрлайди. Фатех Чанднинг ювошлиги унинг сўкиш эшитишига ва ҳатто калтак ейишига ҳам олиб келади. Ф.Чанднинг ишдан ҳам, хотиндан ҳам, ошна-оғайнилардан ҳам, ҳамма-ҳамма нарсадан омади келишмас эди. Ҳатто, хотини Шарда ҳам унга ёмон кўз билан қарар, уни жеркар ва уришар эди. Бу инсон учун жуда қаттиқ ҳақорат эди. Бундан шуни хулоса қилиб айтиш мумкинки, инсон барча нарсага бардош берувчи зотдир, аммо ўз қадрини ўзи билиб яшаса, ҳаётда хурмат топади.

Насрчилик бўйича таржималарнинг аксарият қисми урду ва рус тилларидан таржима қилинган, бироқ таржималарнинг салбий томонларини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим деб билдик. Баъзи бир ҳикоя таржимонларининг қайси тилдан таржима қилинганлиги қайд этилмаган. Ҳикояларда кўпроқ ижтимоий мавзулар кўтарилган. Уларнинг аксарият қисми Ҳиндистон жамиятининг “кичик одамлар”ига ва уларнинг инсоний фазилатларига бағишланган. Ҳиндистондаги атоқли ёзувчи-

⁴⁷ Файз Ф.А. О жон дўстим, қадрдон дўстим. «Шарқ юлдузи», 1958. №9. 103-б.

⁴⁸ Иқбол. Кашмир. «Шарқ юлдузи», 1958. №9. 32-б.

⁴⁹ Файз Ф.А. Иқбол. «Шарқ юлдузи», 1958. №9. 102-б.

⁵⁰ Гарги Б. Ҳинд операсининг туғилиши. «Шарқ юлдузи», 1957. №12. 134-136-б.

лар билан бирга янги ёзувчиларнинг ижодларини ҳам учратиш мумкин. Таржималарда битта роман ҳам бор. Ҳикояларнинг аксарияти 1958 йилларга тааллуқли. К.Чандар, Премчанднинг аксарият таржималари аслиятдан таржима қилинган.

XX асрнинг 50-йилларида “Шарқ Юлдузи” ва “Звезда Востока” журналлари китобхонларни Ҳиндистон шеърияти билан ҳам таржималар орқали таништирди.

Машҳур урду шоири М.Иқбол “Кашмир”⁵¹ шеърида гўзал ва бетакрор Кашмир табиатини куйлаган. Кашмир Ҳиндистоннинг мўъжизакор ўлкаларидан бири. Шоир ушбу шеърида Кашмирни тасвирлаб, у ерга бир бориб, жўшқин табиатидан завқ олишга, тоғлар аро сайр қилиб, боғлардаги гулларнинг хушбўй ҳидидан баҳра олишга, қушларнинг майин овозига сармаст бўлиб, майин шилдираб оқаётган сувларидан завқ олишга чорламоқда. Шоир шеърида фақат табиат чиройини тасвирлабгина қолмай, Кашмирнинг сулув қизлари ҳақида ҳам сўз юритган. У бу ҳақда жумладан шундай деган:

*Кашмирнинг гўзал қизларин ҳусни мунча ҳам сулув,
Уни кўрганда шошилар ақл-у, роҳатланар тан.*

С.Бхаттачария “Чақалоқ туғилди”⁵² шеърининг асосий ғояси Ҳиндистондаги 40-йиллар даври ва эндигина дунёга келган гўдаклар учун ҳам даҳшатнинг ўзи бўлган. Шеърнинг қуйидаги мисраларига эътибор қаратадиган бўлсак:

*Бўлса ҳамки ҳали жуда ожиз, жуда ёш,
Муштумчасин қаттиқ тугар уйқу аралаш.
Гоҳ ташвишли, гоҳ беозор, гоҳ мулойим,
Яшаш учун интилгандек кўринар доим.*

Мисралардан кўриниб турибдики, хаттоки шу жажжи гўдак ҳам қасос олишга интилмоқда. Худди ўз юртини ҳимоя қилмоқчидек бўларди. Ахир у ҳам яшаш учун дунёга келган. Ушбу шеър ҳинд халқининг чеккан азоб-уқубатларини гўдак мисолида тасвирлаган.

Ҳиндистонда шоир Валлатҳолни жанубдаги Тҳакур дейишади. Буюк шоир ўзининг шеърида оддий инсонларнинг тушкунликларини, уларнинг хонавайрон бўлишларини тасвирлайди⁵³.

Шеърият бўйича таржималар қуйидагилардан иборат:

Х.Чаттопадхайя “Рамулу Чўпон” шеър, таржимон: рус тилидан П.Мўмин.

⁵¹ Иқбол М. Кашмир. “Шарқ Юлдузи”. 1958. №9.

⁵² Бхаттачария С. Чақалоқ туғилди. “Шарқ Юлдузи”, 1958. №6.

⁵³ Валлатхол. Песня крестьян. ««Звезда Востока»», 1952. №8.

А.С.Жаъфарий “Пол Робсон” шеър, таржимон: рус тилидан И.Муслим.

А.С.Жаъфарий “Янги замон” шеъри.

А.Н.Қосимий “Бугун ва эрта” шеъри, таржимон : Э.Охунова.

Ф.А.Файз “Тун қўшиғи” шеър, таржимон: рус тилидан И.Муслим.

М.Бҳатнагар “Жавоний” шеър, таржимон: рус тилидан Ж.Жабборов.

Иқбол “Кашмир” шеъри, таржимон: форс тилидан Назармат.

Ф.А.Файз “О жон дўстим, қадрдон дўстим” шеъри, таржимон: рус тилидан Зоҳиджон Обидов.

С.Бҳаттачария “Чакалоқ туғилди” шеъри, таржимон: рус тилидан С.Акбарий.

Ҳинд шоири М.Бҳатнагар ўзининг “Ёшлик” шеърида ёшликнинг абадий яшажагини, уни катта бир дарё эканини куйлайди. Ўзбек ёзувчи ва шоири Шароф Рашидовнинг “Кашмир қўшиқлари” қиссаси 1955 йилги Ҳиндистон сафари натижасида ёзилгандир. Асарда икки ёш – Бамбур ва Наргис ўртасидаги севги ардоқланади. Улар ҳаёт билан севгини сўндира оладиган куч дунёда йўқлигига ишонадилар. Асарда гуллар, қушлар ва бошқа тимсол образлар тили ва ҳаракатлари билан ҳаёт воқеалари ифодаланади. Асар тили гўзал ва бой. Табиат манзаралари ва образлар аниқ, қисқа ва таъсирли чизиб берилган.

Шеърият бўйича таржималар кўпроқ рус тилидан қилинган. Бу ерда нафақат қайси тилдан қилинганлиги қайд этилган, балки айрим ҳолларда таржимоннинг исми-шарифи ҳам кўрсатилмаган. Таржима қилинган шеърларда ҳам кўпроқ ижтимоий мавзу кўтарилган ва атоқли ёзувчилар билан биргаликда янги шоирлар, жумладан С.Бҳаттачария, М.Бҳатнагар, Х.Чаттопадхяя каби шоирларни ҳам учратишимиз мумкин. Шеъриятда ҳам таржималарнинг кўпи 1958-йилга тааллуқли бўлиб, улар бевосита ҳиндий ёки урду тилидан таржима қилинмаган.

Ҳиндистон таассуротларига, ёзувчилар ижодига бағишланган маълумот, очерк ва мақолалар

Бу қисмда, асосан, Ҳиндистон ва ҳинд адабиётига бағишланган 7 та мақола, очерк, тақриз, хотира ва сафарнома ўрин олган. Рассом М.Набиев ўзининг “Ҳиндистон хотиралари”⁵⁴ очеркида Ҳиндистон сафари хотиралари билан ўртоқлашади. Унда у Ҳиндистонни бориб кўришни орзу қилганлиги ва ниҳоят 1957 йилда мўъжизакор ўлкани кўриш унга насиб қилганлиги ҳақида ёзади. У Деҳлидаги Президент саройи, Қутб минор, Чандний-Чаук бозори, Жайпурдаги Маҳаража саройи ва дунёнинг 7 мўъжизаси бўлмиш “Тоҷмаҳал”ни, хуллас шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилганлигини айтиб

⁵⁴ Коломейцева О. Премчанд – демократ ёзувчи. “Шарқ Юлдузи”, 1951. №7. 170–175-б.

ўтган. У ўзининг энг ёқтирган ҳинд актёри Раж Капурни кўришга ҳам муяссар бўлган. У Ҳиндистондан қайтганидан сўнг асосий мақсади бўлган 30 га яқин расм яратди ва ушбу этюдлар асосида “Ҳиндистонлик дўстларимиз Ўзбекистонда” номли мавзуда янги асар устида ишлади. Бу унинг катта ютуқларидан биридир.

М.Р.Ананднинг ҳаёти, илмий фаолияти, бошидан кечирган қийинчиликлари тарих фанлари номзоди И.Ҳошимовнинг “М.Р.Ананд – ҳозирги замон илғор ҳинд ёзувчиси” тақризида акс эттирилган. Ҳинд адабиётининг илғор, йирик намояндаларидан бири, тинчлик учун толмас курашувчи М.Р.Ананддир. У кўплаб мамлакатлар, жумладан Англия, Испания, Польша, Россия, Япония, Миср, Куба ва бошқа мамлакатларга сафар қилган. Тақризда Ананд асарлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтилган. У, асосан, романшунос бўлиб, 10 та роман ёзган ва 2 та романининг таҳлили батафсил берилган. Ананднинг баъзи бир роман ва ҳикояларини рус ва ўзбек тилларида ҳам ўқиш мумкин. У адабий фаолият билан чегараланиб қолмай, катта ташкилий ишлар ҳам олиб борган. Ананднинг эркинлик, дўстлик ва тинчлик руҳида ёзилган асарларига ҳамда халқаро тинчликни мустаҳкамлаш йўлида қилган хизматларига жуда юксак баҳо берилди. 1953 йилда М.Р.Ананд халқаро тинчликни мустаҳкамлаш мукофотига сазовор бўлди. Ананд катта истеъдод эгаси бўлиб, самарали ижод қилди. У роман, қисса, ҳикоя, пьеса ҳамда сиёсий ва публицистик мақолалар ёзди. Ананд ўз ижодида XX асрда ҳинд адабиётида яратилган танқидий реализмнинг энг яхши анъаналарини ривожлантирди ва бойитиб борди. Ёзувчи ҳинд ҳаётини чуқур ўрганиб бориш натижасида ҳаётини воқеаларни акс эттиришга ва ўз замонаси илғор кишиларининг реал образларини яратишга имкон берди. Ананд ўз ижоди ҳақида шундай дейди: “Мен ёзаётган ёки ёзишга аҳд қилган романлардан ташқари, маориф тизими, санъат ва ҳинд адабиёти тўғрисида очерк ва илмий ишлар ёзмоқчиман”.

Ҳиндистон ёзувчи ва шоирлар ижоди билан таништирувчи маълумотларни очиб берган мақолалардан Ольга Коломейцеванинг “Премчанд – демократ ёзувчи”⁵⁵ ва Ольга Полинованинг “Прогрессив ҳинд ёзувчиси”⁵⁶ танқидий мақолаларини айтиб ўтиш лозим. И.Д.Серебряковнинг “О творчестве Тагора”⁵⁷ мақоласи бизни Тҳакур – шоир, ёзувчи, файласуф билан таништиради. Абдулҳақ Абдуллаев “Ҳиндистон болаларининг расмлар кўргазмаси”⁵⁸ номли очеркини ҳам эълон қилди. О.Полинованинг “Ҳинд халқининг буюк ёзувчиси”⁵⁹ мақоласи Р.Тҳа-

⁵⁵ Полинова О. Прогрессив ҳинд ёзувчиси. «Шарқ юлдузи», №3. –Т., 1955, 115–123-б.

⁵⁶ Серебряков И.Д. О творчестве Тагора. ««Звезда Востока»», 1956., №8.

⁵⁷ Ўша манба.

⁵⁸ Абдуллаев А. Ҳиндистон болаларининг расмлар кўргазмаси. «Шарқ юлдузи», 1956, №4, 98–102-б.

⁵⁹ Полинова О. Ҳинд халқининг буюк ёзувчиси. «Шарқ юлдузи», 1956. №11, 85–87-б.

курға бағишланган. М.Набиевнинг “Ҳиндистон хотиралари”⁶⁰ очерки ҳам диққатга сазовордир. И.Ҳошимов “Мулк Раж Ананд – ҳозирги замон илғор ҳинд ёзувчиси”⁶¹ мақоласининг қисқача мазмуни билан эса юқорида танишган эдик. Панжоб ёзувчиси Б.Гаргий “Ҳинд операсининг туғилиши”⁶² ҳақида қизиқ бир мақоласини ҳам бизга тухфа этди.

Мақоланавислик бўйича таҳлил ва таснифларнинг хулосаси сифатида шуни айтиш лозимки, мақоланависликнинг кўпгина қисми очерк ва мақолалардан иборат бўлиб, унда асосан, ёзувчи ва шоирнинг ижоди, ҳаёт йўли, илмий фаолияти очиб берилган ёки бирор бир роман, асар таҳлил қилинган.

Африка-Осиё адиблари ҳаракати илдизлари кўҳна Ўзбекистон заминида эканини идрок этиш қувонарли, албатта. Хусусан, 1958 йилда Тошкентда Осиё ва Африка адибларининг биринчи анжумани бўлиб ўтди. Тошкентда анжуманнинг тутган ўрни ва аҳамияти асл моҳияти доирасидан чиқиб кетди. Бунда ўз ифодасини топган бирдамлик ва дўстлик, тинчлик, миллий мустақиллик учун, империализм ва мустамлакачиликка қарши кураш тамойиллари дунё кучларининг ўзига хос тамойилларига айланди. Ҳинд адибларини, айниқса ёшларимиз, уларнинг ҳад-чегарасиз, жўшқин шижоати, ватанга меҳр-садоқати, ўз куч ва билимларини янги ҳаёт қуришга қурбон этмоққа тайёр эканлиги қувонтиради, руҳлантиради.

Тошкент учрашувида қатнашган ҳинд шоири Притам Сингх Сафир Ўзбекистон ёшларининг халқлар ўртасидаги дўстликка, тинчликка интилишларини кўриб, “Ёш тошкентлик биродаримга” шеърини яратди.

Тошкентда Осиё ва Африка ёзувчилари анжумани

Узоқ давом этган оғир тўқнашувлар натижасида Ҳиндистон ярим оролида икки мустақил давлат – Ҳиндистон (15 август, 1947 йил) ва Покистон (14 август, 1947 йил) вужудга келди. Ана шу воқеадан кейин Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида маданий, адабий алоқалар, ва айниқса, 1955 йилда Ҳиндистон Республикасининг биринчи бош вазири Жавахарлаъл Неру бошчилигидаги ҳукумат делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи ҳамда машҳур киноюлдузлар Раж Капур ва Наргис (Фотима Рашид) бош ролларни ижро этган фильм “Дайди” (Авара) ва Бҳарат Бхушан бош ролни ижро этган “Байжу Бавра” ва киноюлдузлар делегацияси бошчилигида намоиш этилган ҳинд фильмлари бу икки халқ ўртасидаги маданий алоқаларни янада кенгайтди.

⁶⁰ Набиев М. Ҳиндистон хотиралари. «Шарқ юлдузи», 1958, №7, 135–137-б.

⁶¹ Ҳошимов И. Мулк Раж Ананд – ҳозирги замон илғор ҳинд ёзувчиси. «Шарқ юлдузи», 1958, №9, 223–227-б.

⁶² Гаргий Б. Ҳинд операсининг туғилиши. «Шарқ юлдузи», 1957, №12, 134–136-б.

Бу иккала халқнинг ўзаро алоқалари XX асрнинг иккинчи ярмида қайта жонланди ва тараққий этиб борди.

Осиё ва Африка мамлакатларининг адабий ҳаётида 1956–1958-йилларда иккита муҳим воқеа содир бўлди - Деҳли ва Тошкентда Ёзувчиларнинг олдинма-кейин халқаро конференцияси бўлиб ўтди.

Ўн етти мамлакат ёзувчилари тўпланган Деҳли конференцияси (1956 й.) тарихда биринчи адабий анжуманга айланди. Бош вазир Жавоҳарлаъл Неру бу конференцияга жуда катта эътибор берди. Тинчликсевар бутун ҳинд халқининг дўстона хайрихоҳлиги ва қўллаб-қувватлашида ўтган ушбу конференция ишлари самарали бўлди. Ушбу конференция Осиё ёзувчилари ўртасида кенг алоқани вужудга келтиришни, конференцияга тўпланган ёзувчиларнинг ўз мамлакатлари адабиёти билан бир-бирларини таништиришни ва халқаро маданий алоқаларни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилишни мақсад қилиб қўйди.

Конференция Осиё мамлакатларининг адабиётчилар ўртасида маданий бойликларни бир-бирлари билан ўртоқлашиш соҳасида ҳамкорлик қилишни бошлаб берди, умумий эзгу ниятлар учун курашда бирдамлик руҳини ўрнатишга ёрдам берди.

Конференция қатнашчилари бундай учрашувлар адабиётни ривожлантириш учун фойдали бўлади деган қатъий фикр билдирди. Эндиги конференция 1958 йилда Тошкентда ўтказилсин, деган таклифни қабул қилдилар.

Орадан бир йил ўтгач, Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлигининг Миср пойтахти Қоҳирада бўлиб ўтган конференциясида (1957 й.) бу қарорни яқдиллик билан маъқуллаб, 1958 йилда бўладиган конференцияда фақат Осиё ёзувчиларигина эмас, балки Африка ёзувчилари ҳам қатнашсин, деган фикрни айтдилар ва уни бир оғиздан маъқулладилар.

1958 йилда Тошкентда бўлиб ўтган Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг тарихий конференциясидан кейин қалам аҳллари-нинг ўзаро муносабатлари янада барқ уриб ривожланиб кетди.

Ҳиндистоннинг мустамлакачилик қарамлигидан озод бўлиши ва Шарқнинг буюк бир тинчликсевар минтақа сифатида халқаро майдонга чиқиши ҳамда Россия ва миллий республикалар, жумладан мамлакатимиз халқлари билан Ҳиндистон ўртасида дўстона алоқаларнинг ўрнатилиши натижасида ҳинд халқининг тарихи, маданияти ва санъатига қизиқиш жуда авж олиб кетди. Шунинг натижасида бир қатор ҳиндистонлик муаллифлар асарлари Тошкентда ўзбек ва рус тилларида чоп этилди.

1958 йилнинг 7 - 13 октябрида Тошкентда Осиё ва Африка ёзувчилари конференцияси бўлиб ўтди. Нафақат Тошкент шахри, балки

бутун Ўзбекистон Республикаси Осиё ва Африка ёзувчиларини кутиб олишга мунтазир эди. Ўзбек ёзувчилари Осиё ва Африка ёзувчиларининг китобларини рус ва ўзбек тилларида нашр этишга тайёрланаётган эдилар. Бутун Тошкент шаҳри тантанали вазиятда эди, Осиё ва Африканинг узоқ-узоқ мамлакатларидан келган делегациялар, олимлар билан учрашди. Конференция иштирокчиси турк ёзувчиси Нозим Ҳикмат айтдики, Туркиянинг машҳур ёзувчиси қаламининг кучи инсон қалбининг хоҳишини уйғотишда ва мустамлакачиликка қаршилик кўрсатишда хизмат қилаётганини таъкидлади. Африка ва Осиёнинг 40 га яқин мамлакати конференцияда қатнашди.

Тошкент конференциясига келганлар ичида Ҳиндистон ва Хитой делегацияси катта делегациялардан эди. Ҳиндистон делегацияси 60 кишидан ва Хитой делегацияси 32 кишидан иборат эди. Африкадаги бир нечта мамлакатлар ёзувчилари ҳам бу ерга келган эдилар. 2 йил аввал озод бўлган Гана делегациясида катта ўзгариш бўлган эди. Уларнинг ичида иккита адиба ҳам бор эди. Бутун Африка халқи мустақилликка эришишни сабрсизлик билан кутаётган эди. Ганалик аёл ёзувчи Лана биз бу ерга барча соҳаларни ўрганиш учун келдик, деб таъкидлаган.

Конференция жуда чиройли бир шароитда, Навоий театр залида бошланди. Ҳар бир мамлакат делегациясининг ўтириши учун алоҳида-алоҳида жойлар ажратилган эди. Зал журналистлар, фотосуратчилар, радиосухандонлари билан тўлган эди.

Конференцияда қуйидаги мавзулар бўйича фикр алмашиш бошланди: Африка ва Осиё мамлакатларида адабиёт ва маданиятнинг ривожланиши, мустамлакачилик ва империализмни тугатиб, кул мамлакатларни мустақилликка чорлаш, аёллар ва болалар мавзулари бўйича фикр алмашиш, айниқса, ёзувчиларнинг конференциясида болалар адабиёти ва унинг тарбиявий аҳамияти тўғрисидаги масаласи муҳокамага қўйилди.

Конференциянинг ялпи мажлисида Ҳиндистон делегациясининг бошлиғи Тарашанкар Банержий мазкур Конференция ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилди. Ялпи мажлисда Прабодх Кумар Саниял “Шарқ ва Ғарб” мавзусида, Сунити Кумар Чаттержий эса “Осиё ва Африка халқлари маданияти ва унинг Ғарб маданияти” мавзусида маъруза қилдилар.

Ғулом Раббоний Тобон, Минакшисундарам Пиллаий, Кужедатх Дамодаран болалар адабиёти масалалари ҳақида, Прачжий Досса Осиё ва Африка мамлакатларида драманависликнинг ривожланиши ҳақида, Ражендра Сингх Бедий ва Гурбахш Сингх радио, кино ва театрнинг адабиёт билан алоқаси ҳақида, Мулк Раж Ананд, Шивдан

Сингх Чаухан, Сажжад Заҳир, Ҳарчаран Сингх, Сант Сингх Секхон, Сунити Кумар Чатержий, Яшпаллар эса ёзувчилар ўртасидаги дўстона муносабатларни кенгайтириш ҳақида маъруза қилдилар.

Бир қатор ҳиндистонлик ёзувчилар ўз нутқ ва маърузаларининг матнини конференция котибиятига тақдим этдилару, аммо вақт зиклиги туфайли минбар орқали уларни баён этиш имкониятига эга бўлмадилар. Улар қуйидагилардир: Ранӣ Лакшмӣ Кумарӣ Чундават “Ражастҳан адабиёти”, Прачжӣ Досса “Гужарат драматургиясида замонавий йўналишлар”, Сант Сингх Секхон “Панжоб тили ва адабиёти”, Шивдан Сингх Чаухан “Осиё ва Африка мамлакатлари ўртасида дўстона алоқаларнинг ривожланиши”, Говинд Сингх “Синдҳӣ адабиётининг қисқача очерки”, профессор Минакшисундарам Пиллаӣ “Тамил адабий тилининг қисқача очерки” ва нӯхоят, Пурушаттам Яшвант Дешпанде “Шарқ зиёлилари ва фикрлаш воситалари” мавзуларида ўз нутқ ва маърузаларини конференция котибиятига тақдим этдилар.

Улар ўз нутқ ва маърузаларида Ҳиндистон халқларининг юқорида тилга олинган тиллардаги адабиётининг турли-туман йўналишлари ва қирралари ҳамда мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона алоқаларни ривожлантиришга оид долзарб масалаларни кўтариб чиқдилар.

Конференциядан кейин бир қанча ўзгаришлар бўлди. Ҳинд ёзувчиларининг кўпгина асарлари ўзбек ва рус тилларига таржима қилиниб, босмадан чиқди. Жумладан, “Тошкент руҳи” ҳақида бир нечта мақола ва китоблар босилиб чиқди. Масалан, Кришан Чандарнинг “Бир қизга минг ошиқ” романи, Амрита Притамнинг “Бир савол” романидан парчалар, Прем Чанднинг “Қисмат” романи, Қамар Райиснинг “Тинчлик шахри” шеъри, Нарайан Разипурам Кришнасвамийнинг “Авлиё Ражуӣ” романлари.

60-йиллар ва адабий алоқаларнинг ривожланиши

50-йиллар ҳинд адабиётида Ҳиндистон миллий озодлиги мавзусида бир қанча ҳикоя, роман ва шеърлар яратилган бўлса, 60-йилларга келиб, ҳинд халқи ҳаётида осойишта қурилиш йиллари бошланди. Бу даврда “Звезда Востока” ва “Шарқ Юлдузи” журналларида янги ҳаёт масалалари тўғрисида, ўзбек адабиёти ва ҳинд адабиёти ўртасидаги адабий алоқалар ҳақида сўз юритилади. Бу йилларда адабиёт соҳасида ҳам тинчлик ва эркин ижод ҳукм сурмоқда эди.

50-йиллар охири ва 60-йиллар бошларида ҳинд адабиётида ғоявий кураш тенденциялари кучайиб кетди. Ҳиндистон озодликка эришган бўлса-да, бу жамиятда ҳали ҳам эскилик сарқитларига ишониш, тенгсизлик масалалари, ишсизлик ҳукм сурарди.

Ёзувчи П.Важпейянинг “Туноҳни ювиш” ҳикоясида ҳинд браҳманларининг қандай қилиб халқдан пул тўплашларига қарши қажнатқич зарба берилган. Унинг “Турли номда юрган киши”⁶³ номли ҳикояси босилди. Ҳикоя қаҳрамони “Номаълум киши”нинг исми тилга олинмайди. Ҳикояда Ҳиндистонда ҳозирги кунгача ҳам давом этиб келаётган ишсизлик баён қилинади. Ишсизлик орқали кишилар қандай даҳшатли ишларни ҳам қилишга мажбур эканликлари баён этилади.

Р.Тҳакурнинг 60-йиллардаги “Буюк янгилик” эртаги меҳнаткаш халқ ҳаёти ҳақида бўлиб, китобхонларга ажойиб совға бўлди”⁶⁴. Эртақда ёзувчи бенгал фольклоридан фойдаланган ва ундан мазмунан ҳамда шаклан истифода этган ҳолда катта-катта сиёсий масалани кўтарган.

1961 йилда Панжоб шоираси Амрита Притам шоира Зулфия ҳузурида меҳмон бўлди. 1962 йилда эса Дехлида Амрита Притамнинг таассуротлари ҳиндий тилида эълон қилинди. Бу хат ва очеркларда шоира бизнинг мамлакатимиздан олган таассуротларини баён этади.

Амрита Притамнинг “Юрий Гагарин” шеъри ҳам мана шу сафар натижасида бунёдга келган:

*Бизнинг гўзал орзу, умид осмонда эди!
Бахтли умид қўнғирогин оёққа тақиб,
Орзу – келин ерга тушиди осмондан энди,
Кўзларига таажжубдан сурмалар тортиб,
Бошидаги рўмол ҳайрат нуридан алвон
Она тупроқ гардин суртган сочи фарқига,
Чунки идрок қанотида оддий бир инсон,
Фан машъалин тутиб ўчди кўкнинг ортига.
Бу – муҳаббат, меҳнат кезди, юлдузлараро,
Тўлин Ойнинг оқ юзидан бўсалар олди.
Из солдирди кўк сўқмоғи масъум бокира
Осмон Гангин сузиб ерга янги йўл солди.*

Панжоб адабиётининг буюк ёзувчилари Мулк Раж Ананднинг “Қоронғу кечада”⁶⁵ ҳикояси, Л.Сингхнинг “Энага”⁶⁶ ҳикояси 1947 йилда Ҳиндистоннинг иккига /Ҳиндистон ва Покистон/ бўлиниши оқибатида келиб чиққан ҳинду-мусулмон низолари тўғрисидадир.

Империалистлар ва ҳинд заминдорлари икки диний оқим ўртасида бўлаётган бу зиддиятларни фақат бир-биридан ажратиб қўйиш

⁶³ Важпейя П. Турли номда юрган киши. «Шарқ юлдузи», 1966, №9.

⁶⁴ Ҳошимов И. Р.Тҳакур – ҳаёти ва ижодий йўли. –Т., 1961. 39-б.

⁶⁵ Ананд М.Р. Қоронғу кечада. ««Звезда Востока»», 1952, №1, 72–74-б.

⁶⁶ Сингх Л. Энага. ««Звезда Востока»», 1952, №1, 68-71-б.

йўли билан бартараф қилиш мумкин, деб жар солардилар. Бу иккала ҳикоя ҳам оддий кишиларнинг бу можаролардан қанчалик довдирашларини, уларнинг оғир кулфатларини ифодалайди.

Панжоб адабиётининг яна бир йирик вакили Балвант Гаргийнинг “Балиқчи ва полвон”⁶⁷ шартли, аллегорик услубда ёзилган асарида дунё кучларининг империализм устидан ғалаба қилажаги ишонч билан айтилади. Шу ғоя асосида ёзилган ҳикоялардан яна бири Кришна Деванинг “Менинг деразам устидаги каптарлар”⁶⁸ номли ҳикоясидир.

50–60-йилларда Ҳиндистон халқлар адабиётлари бўйича Ўзбекистонда илмий-тадқиқот ишлари муваффақиятли олиб борилди ва “Шарқ Юлдузи” ва “Звезда Востока” журналларидаги энг кўп таржималар насрчиликка оид бўлиб, ҳикоялар, қиссалар, мақола ва очерклар чоп этилди.

Ҳиндистон ва Ўзбекистон дўстлик жамияти бўлими 1958 йил 16 декабрда ташкил топган бўлиб, бўлим бошқармасининг раислигига Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия сайланган. Ҳар йили 1 март куни Тошкентда Панжоб куни, Панжоб штатида эса Ўзбекистон куни нишонланар эди. Панжобнинг Патиала шаҳри кўчаларидан бири Тошкент номи билан аталган.

Тараққийпарвар, истеъдодли урду ёзувчиси, журналист Хўжа Аҳмад Аббос ўзининг ҳикоялари, романлари, кинофильмлари билан китобхонлар ва томошабинлар ўртасида кенг танилган ижодкорлардан биридир. 60–70-йилларда ҳиндшунос олимлар У.Орипов ва Н.Исмоилова унинг ижодини ўрганиб, бир нечта мақолалар ва китоблар чоп этишди⁶⁹.

Рабиндранат Тҳакур, Назрул Ислон, Сурьякант Трипатхи Нирала ва Валлатҳол ижодларида мавжуд бўлган буюк гуманизм ғоялари кейинги авлод ижодида ҳам гуллаб-яшнамоқда. Масалан, панжоблик ёш шоирлар вакилларида Притам Сингх ўзининг “Севаман” шеърида инсонни куйлайди.

1969 йилда йирик ҳиндшунос, тарихчи И.Ҳошимовнинг Мирзо Ғолиб тўғрисидаги мақоласи чоп этилди. Қуйида Шарқ адабиётининг йирик намояндаси, улкан шоир, файласуф олимнинг баъзи бир ғазалларидаги ватан мавзуси яққол кўзга ташланади.

М.Ғолибнинг асл насаби ўзбек уруғларига мансуб бўлганлиги учун шеърларида ҳам шуни ёдга олади:

⁶⁷ Гарги Б. Рыболов и богатырь. ««Звезда Востока»», 1956, №4, 81–82-б.

⁶⁸ Дева К. Голуби на моем окне. ««Звезда Востока»», 1955, №3, 65–69-б.

⁶⁹ Орипов У. Хўжа Аҳмад Аббос. –Т., 1969.

*Ғолиб аз ҳоки поки Гуронем,
Ножарем, дар насат фарахмайдём,
Ойбекам оз жамоаи атрок ...
Марз бон зодан Самарқандам.*

Бу шеърида Ғолиб асл насаби Турон тупроғи эканлиги, касби деҳқончилик ва Самарқанд шаҳридан бўлганлигини айтади.

Шоир ҳатто Ҳиндистонни тарк этиб, бошқа мамлакатлардан бирига чиқиб кетишликни ҳам ўйлайди:

*Ғолиб аз Ҳиндистон бигрез,
Фурсат муфти туст,
Дар ножаф Мурдан хуш асту
дор сифоқон зистон.*

Шоир, ниҳоят, вазият ҳар қанча оғир бўлмасин, ватанни ташлаб кетмасликка қарор қилади:

*Хон, нагуй ки бо чунин хари
Тарки Ҳиндистон намехоҳам.*

Шоир ўз шеъриятда доимо чуқур, фалсафий фикрлашга, новаторликка интилни. Халқ тилининг бой имкониятларидан, шеъриятининг фикрни ифода этишдаги гўзал истиоралардан кенг фойдалана билди. У урду адабиётида ўзига хос адабий мактаб яратди. Шеърларида аниқ тушуниладиган воситаларга таянган ҳолда, фикрларини ошкора изҳор этди. М.Ғолиб ижодига, ғазалнависликка бағишланган китоб ҳам Ўзбекистонда шу йилларда чоп этилди⁷⁰.

60-йилларда З.Ашурбоев йирик урду ҳикоянависи С.Ҳ.Манто ижоди бўйича илмий-тадқиқот ишини олиб боради⁷¹.

60-йиллар адабиёти ҳинд ёзувчилари ва шоирлари учун тинч ижод йиллари бўлди. Бу йиллар мобайнида бенгал, панжоб ва урду адабиётидан кўпроқ ҳикоялар ва шеърлар таржималари чоп этилди ва ҳинд адабиётига оид мақолалар ҳам босилди. Бу йиллар учун наср жанрида 8 та ҳикоя, 3 та шеър, 12 та мақола ва бир нечта мақоллар тўплами босилди.

60-йиллардаги кўпчилик шеърларни С.Северцев, Р.Муҳаммаджонов, О.Шарофутдинов, Миртемир ва бошқалар таржима қилдилар. Ҳиндистон адабиёти ҳақидаги мақолалар шу йиллар ичида кўпроқ “Звезда Востока” журналида нашр этилди.

⁷⁰ Ҳошимов И. Мирзо Ғолиб. –Т., 1969.

⁷¹ Ашурбаев З. С.Ҳ.Манто и его новеллистика. –Т., 1967.

Буюк урду ва ҳиндий ёзувчиси Премчанднинг машҳур “Годан” романи Р.М.Муҳаммаджонов таржимасида 1962 йилда “Қисмат”⁷² номи билан нашр қилинади. Шундан сўнг унинг ҳинд аёллари ҳаётига бағишланган биринчи романларидан “Нирмала”⁷³ ҳам 1967 йилда эълон қилинди.

40-йилларда ҳам урду, ҳам ҳиндий адабиётида ҳикоя жанрига энг катта ҳисса қўшган ёзувчилардан бири Кришан Чандар ижоди ўзбек китобхонларига 50-йиллардан бошлаб таниш бўлган. 60-йилларда унинг “Танланган асарлари” тўплам шаклда нашр қилинади⁷⁴.

Урду адабиётида танқидий реализм услубини ўзининг “Умраожон Адо” романида ишлатиб, Мирзо Русва илк бор адабиётда мусулмон аёл – таваиф тақдирини ҳаққоний тасвирлаб беради. Унинг “Умраожон Адо”⁷⁵ романи ўзбек тилида “Бир хоним саргузашти” номи билан Н.Муҳамедов таржимасида босмадан чиқди.

Атоқли урду шоири Али Сардор Жаъфарийнинг “Шеър ва достонлари” ҳам 1960 йилда чоп этилади ва шоирнинг ҳаёти, ижодий йўлига, шеъриятига бағишланган монография⁷⁶ Н.Муҳамедов орқали китобхонларга тақдим этилади.

Машҳур ҳиндий ёзувчи Амритлал Нагарнинг ижодий йўлига бағишланган монография ва бир нечта мақолалар ҳам чоп этилди⁷⁷.

Ўзбек адиблари асарларида Ҳиндистон мавзуси

Ўзбек маданиятининг кўп сонли арбобларининг меҳнатлари натижасида ҳинд халқи ҳаётининг янада ёрқин манзараси вужудга келади, замонавий Ҳиндистон ўзининг бутун хилма-хиллигида намоён бўлади. Бунга ёзувчилар жуда катта ҳисса қўшганлар. Ўзбек адабиётида асосан ҳинд мавзусига бағишланган шеърӣ асарлар кўпчилики ташкил этади. Уларнинг барчаси ҳам бадиӣ жихатдан бир хил эмас, бироқ уларнинг орасида ўзбек адабиётининг “олтин” жамғармасига киритилган асарлар ҳам мавжуд.

Атоқли ўзбек шоири Ғафур Ғулом (1903-1966 йй.) мамлакатимиз ва Ҳиндистон ўртасидаги дўстликнинг илғор тарафдори бўлган. Ўзига хос шеърӣ ижод ва адабий-бадиӣ таржима, Фурқатнинг мактуб шаклидаги мероси, ҳиндий ва урду адабиётларидаги танқидӣ реа-

⁷² Премчанд. Қисмат. –Т., 1962.

⁷³ Премчанд. Нирмала. –Т., 1967.

⁷⁴ Чандар К. Танланган асарлар. –Т., 1960.

⁷⁵ Русва М. Бир хоним саргузаштлари. –Т., 1965.

⁷⁶ Муҳамедов Н. Али Сардор Джафари и его поэзия. –Т., 1969.

⁷⁷ Ниёзматов Т. Амритлал Нагар. –Т., 1975.

лизмнинг асосчиси Премчанднинг (1880-1936 йй.) ҳаётий ва ижодий йўли ҳақидаги адабий-танқидий мақолалар Ғафур Ғуломнинг Ҳиндистонга бағишланган асарлари қаторига киради. Ғафур Ғулом Осиё ва Африка мамлакатлари илғор ёзувчиларининг ҳаракатларида иштирок этган, Ҳиндистон ёзувчилари билан суҳбатларда бўлган.

1955 йилда Ғафур Ғулом Премчанд таваллудининг 75 йиллигига бағишланган байрам йиғилишида ўз маърузаси билан иштирок этди. Шоир ушбу маърузада Ҳиндистоннинг эпик ва мумтоз адабиётининг минг йиллик анъаналарини ёдга олади, асарлари мамлакатнинг миллий адабиётларидаги реалистик йўналишларнинг юзага келиши учун ажойиб замин бўлган Мадхушудон Дотто (1824-1873 йй.), Ҳари Нараян Апте (1864-1919 йй.), Рабиндранат Тхакур (1861-1941 йй.), Майтхилишаран Гупта (1886-1964 йй.) ижодиёти ҳақида сўз юритади.

Шоир Премчанд насрини Ҳиндистоннинг бой ва қадимий адабий мероси, мамлакатдаги сиёсий-ижтимоий ҳолат ва халқ оммасининг ўз-ўзини сиёсий жиҳатдан англашларининг ўсиши билан бевосита боғлиқ ҳолда кўриб чиқади. Ғафур Ғулом илғор жамоатчиликнинг Премчанд ижодини эътироф этиши ва севишига сабабни қуйидагиларда кўради, яъни “ёзувчи ҳинд воқелигини кенг демократик нуқтаи назардан акс эттирган ҳолда, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ривожланишидаги ҳар бир муайян босқичнинг ўзига хос хусусиятларини таъкидлаб ўтган”⁷⁸.

Бироқ Ғафур Ғулом учун Ўрта Осиё халқларининг Шарқдаги чегарадош мамлакатлар билан маданий алоқалари ҳеч қачон назм доираси билан чекланиб қолмаган. У ўз мақолаларида Ҳиндистон ва Ўрта Осиёнинг фалсафий ва табиий фанлар, тасвирий санъат ва мусулмон меъморчилиги соҳасидаги ўзаро таъсирлар ҳақида ҳам сўз юритган.

Ғафур Ғулом Шарқ ва Ғарбнинг мумтоз ва замонавий адабиёти асарларининг, Рудакий, Шота Руставели, Саъдий, Данте, Шекспир, Пушкин, Лермонтов, Иоганнес Вехар, Маяковский ва бошқалар асарларининг таржимони сифатида жуда машҳур бўлган. Асарларининг таржимаси устида ишлаган мумтоз адабиёт вакилларининг номлари орасида Ҳиндистон форс адабиётининг буюк вакили Мирзо Абдулқодир Бедилнинг (1644-1721 йй.) номи ҳам бор. Ўзбек шоири Бедилнинг ижодига юқори баҳо берган ва уни ўз устози деб атаган⁷⁹.

У Носир Саид билан ҳамкорликда Бедилнинг бутун шеърӣй меросини ўзбек тилига таржима қилишни режалаштирган эди, бироқ, афсуски, ушбу ғоя амалга ошмай қолади.

⁷⁸ Ғулом Ғ. Асарлар. Ўн томлик. 8-том. –Т., 1976. 120–121-б.

⁷⁹ Ўша жойда. 9-том. 381-б.

Ғафур Ғулом 1958 йилда делегация таркибида Тошкент конференциясида кўп миллатли адабиёт манфаатини кўзлаган ва иккала қитъа ёзувчилари ҳаракатининг мустамлакачилик ва империализмга қарши дастурини амалга ошириш бўйича катта ишни бажарди. Ғафур Ғулом ўрта асрлар давридаги Ҳиндистоннинг форсийзабон шоирларидан Амир Хусрав Дехлавий, Бедил, Зебуннисога, замонавий миллий адабиётларнинг йирик намояндаларидан бенгаллик Рабиндранат Тҳакур (1861-1941 йй.), Гопал Халдар (1902 йилда туғилган), панжоблик Гурбахш Сингх (1895-1977 йй.) ва Навтеж Сингх (1923-1981 йй.), урду ҳикоянависи Кришан Чандар (1914-1977 йй.), ҳиндий ёзувчиси Яшпал (1903-1976 йй.), покистонлик шоир Файз Аҳмад Файз (1911-1984 йй.) ларга ўзбек шоирининг Ҳиндистон маданиятига бўлган муҳаббатидан гувоҳлик берадиган кўпгина мафтункор сатрлар битган.

Зулфия шеърлари Ҳиндистон, Бирма, Шри Ланкада жуда ҳам машҳурдир. Осиё ва Африка аёллари ушбу шеърларда ўзларининг энг чуқур орзу-умидларини кўришади.

Зулфия – Жавоҳарлаъл Неру номидаги мукофотга сазовор бўлган. Тинчлик ва халқлар дўстлигини тараннум этадиган шеърый асарлари, Африка ва Осиё ёзувчилари ҳаракатида шахсан иштирок этганлиги учун унга халқаро адабий “Нилуфар” (“Лотос”) мукофоти тақдим этилган.

Зулфиянинг 1958 йилда ёзилган “Мушоира” достони жаҳоннинг кўпгина тилларига таржима қилинган. Шоира унда ҳинд шоирларнинг анъанавий мусобақасини (мушоирани) акс эттирган. Ушбу мусобақа Зулфия учун нафақат “маҳорат байрами” бўлган, балки шоира унда кишиларнинг оға-иниларча бирлашиш тимсолини кўрган. “Шеърлар бизнинг дўстлигимиз, бизнинг яқинлашишимиз кўприги – муҳаббат ва ҳурмат кўприги, халқ гўзаллиги кўприги сифатида намоён бўлмоқда”, деб ёзади.

Зулфия ер юзидаги барча халқларнинг дўстлик ва бахт байрамига келишини, барча шоирлар фақат “тинчлик қўшиғи”ни тўқишларини орзу қилган. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Зулфиянинг айнан ушбу шеърдан сўнг “мушоира” сўзи яна ўзбек тилига кирди.

Зулфия ҳорижий Шарқ мамлакат ёзувчилар, шу жумладан панжоб ёзувчиси Амрита Притам асарларининг таржимони сифатида ҳам машҳур бўлган. Амрита Притам 1961 йилда Ўзбекистонга келган ва Зулфия хонадонида меҳмон бўлган. Унинг Ҳиндистонда чиқарилган “Дераза ва дарчалар” китоби, шунингдек, “Хотиралар”⁸⁰ очерклар китобида шоиранинг мамлакатимизга қилган ташрифидан олган таассуротлари баён этилган.

Халқ шоираси Зулфия Тошкент шаҳридаги Ҳамза театрида сахналаштирилиши учун Калидасанинг “Шакунтала” драмасини ўзбек тилига таржима қилган. У кўзга кўринган жамоат арбоби – Халқаро

⁸⁰ Притам А. Атиит ки парчхайан. – Дели., 1962.

аёлларнинг демократик федерацияси аъзоси сифатида кўп йиллар мобайнида Ўзбек-ҳинд дўстлик жамиятининг президенти бўлган.

Таниқли ўзбек шоири Уйғун 1970–1980-йиллар мобайнида учта тарихий драма ёзган: “Беруний”, “Абу Али ибн Сино” ва “Зебунисо”⁸¹. “Зебунисо” пьесаси Аврангзебнинг қизи, машҳур ҳинд шоирасига бағишланган. Зебунисо ижодиётининг асосий мавзуси – аёлнинг ўрни, унинг орзу-умидлари, изтироблари олийжанобликдир. Асарда икки маданият: ўзбек ва ҳинд маданиятининг ўзаро яқин муносабати ва боғлиқлиги ҳақида сўз юритилади. Драма қаҳрамонлари Навоий, Лутфий, Жомий ва Саккокий ижодлари ҳақида суҳбат қилишади, “Бобурнома”ни қайта-қайта ўқишади.

Уйғуннинг Ҳиндистон ва Покистонга қилган сафарларидан олган таассуротларига бағишланган бир нечта шеърлари мавжуд. Булар – “Ҳимолай тоғларида”, “Булбул”, “Чодирдаги аёл”, “Ҳинд раққосасига”, “Мендан ўпкалама” ва “Бобур”дир. Уларда нафақат Ҳиндистоннинг гўзаллиги ва буюклигидан завқ олинган, балки ҳинд халқининг бошига тушган кулфат ва машаққатларга хайрихоҳлик билдирилган.

Шароф Рашидовнинг “Кашмир кўшиғи” – бу қадимги Кашмирда севги-муҳаббат ҳақидаги халқ афсонаси асосида ёзилган қисса бўлиб, унга маҳоратли бастакор, шоир ва муаллим Динанатх Надим мусиқа яратган. Кашмирликлар ҳикоялари ушбу ажойиб ривоят муаллифини мазкур қиссани ёзишга руҳлантириб юборди. Наргис ва Бамбур ҳақидаги кўшиқ – бу халқнинг шафқатсиз золимлардан озод бўлиш тўғрисидаги гўзал орзусидир.

“Кашмир кўшиғи”да бахтли ҳаёт мавжуд. У жонажон Жҳелам қирғоқларидан узоққа ва кенг тарқалиб, китоб шаклида нашр этилди, жаҳондаги кўпгина халқларнинг тилларига таржима қилинди. Давлат Академик Катта театрининг янги “Ҳинд достони” балетининг премьераси Москвада, Кремль курултойлар саройида бўлиб ўтди. Либретто асосига Шароф Рашидов асари қўйилган. Шунингдек, мазкур спектакль Алишер Навоий номли Опера ва балет театри сахнасида ҳам қўйилган.

70–80-йиллардаги адабий алоқалар

XX асрнинг 70-йилларида Ҳиндистон адабиёти намуналари нафақат таржима қилинди, балки бу даврда ушбу мавзуга бағишланган кўпгина илмий-тадқиқот ишлари, изланишлар олиб борилди. Ҳиндий шеърляти, хусусан чҳаявад (рамзийлик) йўналишидаги шоирларнинг шеърлар тўплами С.Северцев таржимасида эълон қилинди. Ҳиндий ва урду романнавислигига оид О.С.Полинованинг монографияси ҳам чоп этилди⁸².

⁸¹ Уйғун. Танланган асарлар. Икки жилд. –Т., 1985.

⁸² Полинова О. Реализм в современном индийском романе. –Т., 1984.

Ҳиндий ёзувчилари Премчанд, С.К.Чауҳан, Х.Двиведийларнинг эстетик қарашларига бағишланган изланишлар натижасида Л.Еремян бир нечта мақолалар нашр этди. Психологик йўналиш ва унинг йирик вакили Илачандра Жўший ижодини Х.Бобожонова ўзининг илмий-тадқиқот ишларида ёритиб берган. Д.К.Бекаева йирик ҳиндий ёзувчиси, жамоат арбоби Яшпал ижодига, унинг романнавислигига ўзининг монографиясини бағишлайди⁸³.

Бир пардали драма ва ҳиндий адабиётининг оқсоқоли В.Прабхакар ижоди Р.Х.Ғуломова томонидан ўрганилиб, бир нечта мақолалар чоп этилади⁸⁴.

Атоқли урду шоири А.С.Жаъфарий ўзининг “Забт этурмиз Синай чўққиси” шеъри билан журналхонларнинг диққатини яна ҳам ўзига жалб этди⁸⁵.

1970 йилда “Шарқ Юлдузи” журналида В.Ниёзматовнинг Амритлаъл Нагарнинг “Қатра ва уммон” (“Бунд аур самудра”) романига оид мақоласи босилиб чиқди⁸⁶. 30-йиллар ўртасида ҳинд адабиётига келган Амритлаъл Нагар дастлаб кичик ҳикоялар устаси, кейинчалик роман жанрида ҳажвчи бўлиб етишди.

“Қатра ва уммон” романи ёзувчининг ижодида муҳим бир босқич бўлиб, ҳозирги замон ҳинд насрчилигининг салмоқли асарлари қаторидан муносиб ўрин олганлигини танқидчилар ҳам яқдил қайд этишди. Бу китоб 1962 йилда рус тилига таржима қилинди. “Қатра ва уммон” – ҳинд халқининг эскилик билан янгилик ўртасидаги курашдан иборат ҳаётини акс эттирадиган йирик эпик асардир. Ёзувчи биргина Лакхнав шаҳрининг ҳаётини тасвирлаш билан қониқмайди, балки ҳинд жамиятидаги акс эттирилган воқеалар умуман мамлакат учун ўзига хос бўлиб, бош қаҳрамонларнинг ўй ва кечинмалари ҳам Ҳиндистондаги барча илғор зиёлилар учун типикдир.

Амритлаъл Нагар инсон, фуқаро, ватанпарвар сифатида мустақил Ҳиндистон тақдирини ўйлаб, давр қўяётган масалаларга ҳозиржавоблик билан ўз муносабатини билдирган ёзувчидир. Ўзбек ҳиндшуноси Н.Низомиддинов “Ҳинд асарлари Ўрта Осиёда” номли мақоласида қадимий ҳинд асарларининг топилиши ва уларнинг турли тилларга таржима қилиниб, улар Ўрта Осиёда қанчалик севиб ўқирилишини таъкидлаб ўтган.

Ҳиндистон адабиёти намуналарини кузатсак, 70-йилларда насрчиликка оид таржималар 50- ва 60-йилларга нисбатан анча камайди,

⁸³ Бекаева Д. Социально-политические романы Яшпала. –Т., 1978.

⁸⁴ В.Прабхакар – писатель-гуманист. Литература и время. –М., 1973.

⁸⁵ Жаъфарий А.С. Забт этурмиз Синай чўққиси. «Шарқ юлдузи», 1970. №10

⁸⁶ Ниёзматов В. Қатра ва уммон. «Шарқ юлдузи». 1970. №1

лекин Ҳиндистон адабиётлари бўйича илмий-тадқиот ишлари жонбозлик билан олиб борилди. 70-йилларда журналларимизда ҳинд ёзувчиларидан, асосан, С.Ҳ.Манто, Яшпал, Т.Тҳакур романлари⁸⁷, Премчанд асарлари⁸⁸ ва Амрита Притамнинг ҳикоя ва шеърлари, тамил ёзувчиси Акҳилан ва Керала адабиётининг намояндаси Валлатхолнинг шеърлари эълон қилинди.

Ёзувчи Саодат Ҳасан Мантонинг “Музил” ҳикоясида ҳинд жамиятидаги ёшлар ҳаёти, уларнинг тақдири ва бир қанча ахлоқий меъёрлар белгилаб берилган. Ёзувчи асар қаҳрамони Музил орқали ёшларнинг турмуш тарзини қоралайди.

Яшпалнинг “Ўғри ва тўғри”⁸⁹ ҳикоясида эса ҳинд жамиятининг иқтисодий масалалари, унинг баъзи бир томонлари ўғри йигит ва бир идора хизматчиси ўртасидаги суҳбат орқали кўрсатилади. Ўғри ўзи тўғрисида ҳикоя қилиб, ўзининг қай даражага бориб етганлигини баён этади.

1972 йилда “Шарқ Юлдузи” журналининг 3-сонида Шарқнинг буюк алломаси Амир Хусрав Деҳлавийнинг “Ҳашт беҳишт” достонига С.Йўлдошева қисқача тавсиф берган. Амир Хусрав Деҳлавийнинг “Ҳашт беҳишт” достонида XIII-XIV асрлардаги Ҳиндистонда ҳукм сурган феодал жамият манзараси кенг чизиб берилган. Достонга саккизта асар бириктирилган. Бу саккиз асарнинг ҳар бирини алоҳида мустақил асар дейиш мумкин. 1971 йилда Ғафур Ғулом нашриётида шоира Амрита Притамнинг “Черная роза”⁹¹ номли шеърлар тўплами босмадан чиқди.

Ушбу шеърлар тўплами унинг ижодий маҳоратини тўла кўрсатиб беради. Шоиранинг асарлари панжоб, урду, гужарат ва бошқа 80 га яқин тилларда чиққан.

Амрита Притам ўзининг Ўзбекистон, Тожикистон ва Озарбайжон республикаларига қилган сафарларидан жуда катта таассуротлар олди. У Зулфия тимсолида янги илғор, замонавий аёлни кўрди.

1972 йилда “Звезда Востока” журналида Т.А.Хўжаеванинг “Панжобнинг шоирона овози”⁹⁰ номли мақоласи чоп этилди⁹¹. Муаллиф ўз мақоласида Панжоб шоираси Амрита Притамнинг ижодига тўхталиб ўтган.

Кўпгина ҳинд ёзувчилари Ўзбекистонда бўлиб, Ўзбекистон тарихига оид бир қатор масалалар билан қизиқиб қолдилар. Ҳинд китобхонини Ўзбекистон тарихи билан таништиришда Раҳул Санкритяннинг икки жилдлик “Ўрта Осиё тарихи” номли китоби муҳим аҳа-

⁸⁷ Тҳакур Р. Кўзга тушган чўп. –Т., 1973.

⁸⁸ Премчанд. Бир келин ҳикояси. –Т., 1973.

⁸⁹ Яшпал. Ўғри ва тўғри. «Шарқ юлдузи», 1970. №2.

⁹⁰ Амрита Притам. Черная роза. –Т., 1971

⁹² Ходжаева Т.А. Поэтический голос Пенджаба. ««Звезда Востока»», 1972, №1.

миятга эга бўлди. Муаллиф ўз асарида Ўрта Осиё тарихидаги сиёсий ва иқтисодий масалаларга, айниқса, Ўрта Осиё ва Ҳиндистон маданий ва иқтисодий алоқаларига алоҳида аҳамият берди. Асар жуда катта аҳамият касб этганлиги учун Ҳиндистон Адабиёт академияси томонидан мукофотланди.

А.Мухтор, Ч.Айтматов ва бошқа ёзувчилар асарлари ҳиндий ва урду тилларига таржима қилинган. Ўзбек шоир ва адибларидан Зулфия, Ш.Рашидов, Жуманиёз Жабборов, Рамз Бобожон, Барот Бойқобилов ва бошқалар ўз асарларини ҳинд халқига, унинг озодлик кураши ва янги ҳаёт учун олиб бораётган йўлига ва ютуқларига бағишладилар. Ҳинд ёзувчилари ва шоирлари, жумладан Хўжа Аҳмад Аббос, С.Зоҳир, Али Сардор Жаъфарий, Кайфи Азмий, Қамар Райис ва бошқалар ўзларининг публицистик ва шеърий асарларини ўзбек халқига, ўзбек элининг катта ютуқлари, гўзал шаҳарлари ва қишлоқларига бағишладилар.

Ҳиндшунос олим Саъдулла Йўлдошев XIX аср Ҳиндистондаги фалсафий оқимларига баҳо бериб, улкан адиб, файласуф шоир Муҳаммад Иқболнинг фалсафий қарашларини баён этади. Унинг мақоласи “Шарқ Юлдузи” журналида 1970 йилда чоп этилган.

Таржима соҳасидан ташқари, ҳинд халқи ҳаётига бағишланган китоблар босилиб чиқди. Фарида Салимованинг “Жасоратли ҳинд аёллари” ва “Ҳиндистон хотин-қизлари” номли китоблар шулар жумласидандир. “Жасоратли ҳинд аёллари” китобида Ҳиндистоннинг беш машҳур аёли – Лакшми Бай, Бҳикҳанжи Рустам Кама, Сарожини Найдун, Индира Ганди ва Аруна Асаф Али ҳақида ҳикоя қилинади.

Панжобда маданий алоқалар жамиятининг аъзоси, таниқли жамоатчи Сэт Тандон 70-йилларда Ўзбекистонга келган эди. Уйда ўғил-қизлари, келинлари, қариндош-уруғлари ва кўни-кўшнилари, асосан, Ўзбекистон ва Тошкент ҳақида, икки халқ ўртасидаги дўстона алоқалар тўғрисида кўп сўзлаб берган. Сэт Тандон сафар таассуротларини сўзлар экан, Ўзбекистонда, Тошкентда кўрганларини, Тошкентнинг кўрки, ўзбекларнинг очик кўнгиллилиги, меҳмондўстлиги, ўзбеклар билан панжобликларнинг озиқ-овқатлари, кийим-кечаклари, баъзи урф-одатларидаги ўхшашликлар уни ҳайратга солганлиги ҳақида гапириб берди. “Тошкентда, – деди Сэт Тандон, – ўзимни худди ўз уйимдагидек ҳис этдим, гўзал Тошкентни, ажойиб кишиларингизни ҳеч қачон унутмайман, икки халқ дўстлигини ғоят қадрлайман”. Мезбон Тошкентда орттирган таниш-билишлари – ўзбек халқи шоираси Зулфия, таниқли олима ва жамоат арбоблари Сабоҳат Азимжонов ва Ҳужума Шукуровалар ҳақида илиқ сўзларни айтди. Сухбат охирида меҳмонларга Тошкент номли кўчани кўрсатди.

XX аср панжоб адабиётида “панжоб романининг отаси” деб ном олган Нанаксингх (1898-1972) ўз мамлакатидан ташқарида ҳам маълуму машҳурдир. Она халқининг руҳий кечинмаларини, чеккан беҳад азоб-уқубатларини чуқур ҳис қилган Нанаксингх ўз юртида қатор ижтимоий тадбирларни амалга оширади. Чунончи 30-йилларда у Гурбахшсингх билан ҳамкорликда Панжобда бир қанча қишлоқ хўжалик коммуналарини ташкил этади. Нанаксингх адабий фаолият оламида ҳам ҳассос пешқадамлардан биридир. Тараққийпарвар панжоб ёзувчилари ота-бола Гурбахш ва Навтежсингхлар билан бир сафда туриб, панжоб адабиётида реализм ва танқидий реализм анъаналарини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш борасида жуда кўп тер тўкди. Ана шундай тер тўкиб қилган меҳнатларининг самараси ўлароқ “Олтин ўқ” романи дунё юзини кўрди. Асарда Ҳиндистоннинг тараққиёт йўлида кўндаланг бўлиб турган долзарб муаммолар акс эттирилган. “Олтин ўқ” романи панжоб адабиётида реализм услубининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилди.

Панжоб билан ўзбек халқининг маданий ва адабий алоқалари кенг кўламда авж олганлиги ҳаммага маълум. Ҳиндистонда ўзбек ёзувчи ва шоирларининг жуда кўп асарлари панжоб тилида оммавий нашрларда чоп қилиниши фикримизнинг яққол далилидир. Бунда А.Притам ва Г.Сингхнинг ҳиссалари каттадир. Шу билан бирга, панжоб адабиёти намояндаларининг асарлари Ўзбекистонда кетма-кет, йилма-йил катта аддадларда нашр қилинмоқда. 1975 йилда ўзбек китобхонларига панжоб адабиётининг яна бир дурдонаси бўлмиш “Олтин ўқ” романи тақдим қилинди. Асарни бевосита панжоб тилидан ўзбек тилига таржима қилган Раҳмонберди Муҳаммаджоновнинг шарафли меҳнатини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Бу таржима ушбу соҳада қўйилган илк одимлардан бири деб ҳисобланади.

Ҳинд шоир ва ёзувчилари Ўзбекистон ҳақида

Ҳинд ёзувчилари Ўрта Осиёнинг ўтмиши ва ҳозирги ҳаётига, бой маданий меросини билишга жуда қизиқадилар. Шунинг учун ҳам улар Ўрта Осиё адабиёти билан ўз халқларини яқиндан таништириб бораётирлар ва бу соҳада жуда кўп иш қилдилар.

Панжоб ёзувчиси Навтеж Сингх Ўзбекистон ҳақида ёзган мақоаларидан бирида: “Бизнинг бутун кўрганларимиз – сизнинг ажойиб янги ҳаётингиз энг яхши қўшиқларда тараннум этишга арзийди. Мен Ўзбекистонни куйлашни истардим, қанотларим йўқки, парвоз қилиб куйласам!”⁹², деган эди.

Ҳинд шоири Соҳир Лудҳиянвий “Ушалган орзу” шеърисида Шарқ халқларининг инсоният тарихида янги давр бошлаб берган халқлар-

⁹² Файзиева В. Алоқаларимиз мустаҳкам. «Ўзбекистон маданияти», 1973.

дан илҳом ва мадад олиб, унда кўтарилган қуёш зиёси билан ўз йўлларини ёритиб, озодликка интилишлари, албатта, ғалаба қозонишга ишонч билдириб:

*Мана янги тонг отди,
Россиянинг уфқида.
Чок-чок бўлиб боради,
Туннинг қора жигари.
...Эрк нури номи билан
қасам ичиб айтаман.
Янги давр қуёшин қоплай
олмас туманлар!”⁹³*

— деган. Ҳинд шоирлари “ажойиб Тошкентни бошқа бирорта шаҳар билан таққослаш мумкин эмас”, “биз сендан умрбод миннат-дормиз, Тошкент”⁹⁴ — деб ёзишган.

Ўз навбатида, Ўзбекистон халқининг катта дўсти, ёзувчи, шоир Қамар Райис “Тинчлик шаҳри” деб номланган шеърида “халқларга тинчлик, дўстликни тақдим қилган Тошкент, биз таъзим қиламиз сенга” — дейди.

Ҳинд ёзувчиларининг асарларида бизнинг Ватанимизга муҳаббат, дўстлик туйғулари йил сайин ортиб бормоқда. Масалан, ҳинд шоири Бҳану Вйас чин қалбдан чиққан қуйидаги оташин сўзлар билан МДХ халқларига мурожаат қилади:

*Ўтмишининг зўр
Дабдабаси ҳам
Қудратинг қаршисида
Уйинчоқдай кўринур.
Шонинг куйласам
“Буюк”
“Мангу”
“Ноёб” сўзлари
Ҳар сафар ожиз қул қолур
Ярат ва қур”⁹⁵.*

Урду тилида ижод қилувчи ҳинд адиби Латиф Аҳмад ўзининг “Ўзбекистонда илму фан тараққиёти” мақоласида Ўзбекистоннинг халқ хўжалиги, маданияти, санъат, илму фан ва бошқа соҳаларда қўлга киритаётган ютуқлари ҳақидаги чуқур таассуротларини қайд этар экан, ўзбек ёзувчилари, жумладан, таниқли шоир Ғафур Ғулом билан

⁹³ Ўша жойда.

⁹⁴ Ўша жойда.

⁹⁵ Рашидов Шароф. Тинчлик ва халқларнинг бахт-саодати учун. «Шарқ юлдузи», 1958. №9, 10-б.

бўлган учрашувлари тўғрисида ҳам катта ҳис-ҳаяжон билан ёзади. У мазкур мақоласида Ўзбекистон халқ шоири Ғафур Ғуломнинг ҳаётига оид қизиқ бир воқеани сўзлаб беради:

“Тошкент Ўзбекистон Республикасининг пойтахтидир. Унда Янги Деҳли каби Янги Тошкент вужудга келган. Сирасини айтганда, Янги Тошкент унча-бунча кичик шаҳар эмас, бироқ эски Тошкентда ҳам бир миллион аҳоли яшайди. Ғ.Ғулом эса Тошкентда истиқомат қилади. Кунлардан бирида Ғ.Ғулом Янги Тошкентда хорижий санъаткор билан учрашди ва уни уйига таклиф этди. Санъаткор унинг манзилини сўрайди. Шунда Ғ.Ғулом: “Эски Тошкентга бориб, бирор кишидан сўрасангиз, тўғри бизникига олиб бориб қўяди” дейди. Бундан шу нарса аён бўлдики, бир миллиондан ортиқ одам яшайдиган шаҳарда ҳар бир балоғатга етган нафақат Ғ.Ғуломни танийди, балки унинг манзилини ҳам билади”⁹⁶.

Латиф Аҳмад ўзининг бундан илгари ёзган “Ўрта Осиё халқлари адабиёти” ва “Ғ.Ғулом – ўзбек шоири” мақолаларида ҳам Ғ.Ғулом ижодидан баҳс этади. Бундан кўриниб турибдики, Латиф Аҳмаднинг Ғ.Ғулом ижодига қизиқишини тасодифий ҳол деб бўлмайди.

Ҳозирги Ҳиндистоннинг энг улкан шоирларидан бири бўлган А.Притамнинг шеърӣ истеъдоди 40- йиллардан бошлаб – 90-йилларнинг охирига қадар жаранглаб турди. Ўзининг “Ўзбекистон зар қоқили” лавҳасида А.Притам “Биз бир банд шеърнинг икки сатримиз, битта сўзнинг икки оҳангдаги жаранглашимиз”, – деб бежиз айтмаган.

*... Биримиз бир сатр панжоб шеъри-ю,
Биримиз ўзбекнинг бир оғиз сўзи.
Иккимиз шуларга омухта оҳанг*⁹⁷.

“Хотиралар”⁹⁸ китобидаги жуда кўп илиқ, самимий ва дил сўзлари Зулфияга бағишланган. “Зулфия – ҳаётда менинг муҳаббат ва бахт борасида илҳомим манбаи бўла олган биринчи аёл”, – дейди А.Притам.

Хатлар тўпламидан иборат “Дераза ва дарчалар” деб номланган китобида шоира шундай ёзади: “Икки қўшни ҳовли – дўст мамлакатлар дераза ва дарчалари софдил қўшнилар учун ҳамиша очикдир”. Панжоб ўқувчисини биринчи бўлиб ўзбек ижодкорларининг асарлари билан таништирган ҳам А.Притамдир. У ўз она тилида Ғ.Ғулом, Ойбек, Зулфия, Ҳамид Ғулом, Асқад Мухтор ва бошқалар шеърларидан кўпчилигини таржима қилди. Панжоб шоирасининг рус тилидаги шеърлар тўплами Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти томонидан босилиб чиқди⁹⁹. Тўпламга кирган шеърларида биз шоиранинг дўстликка бўлган улкан муҳаббатини, садоқатини кўраимиз.

⁹⁶ Аширбоев З. Ғафур Ғулом Ҳиндистонда. «Ўзбекистон маданияти», 1973. 11 май.

⁹⁷ Притам А. Атиит ки парчхайян. – Деҳли. 1962.

⁹⁸ Ўша жойда.

⁹⁹ Притам А. Черная роза. – Т., 1971.

Ҳинд жамоатчилигининг Ўрта Осиё маданиятига қизиқиши тасодифий эмас, чунки ҳинд жамоатчилиги олдида турган ва ҳал қилиниши зарур бўлган кўпгина масалалар Ўрта Осиёда янги ҳаёт қурилиши жараёнида муваффақиятли ҳал этилмоқда.

Ҳиндлар Ўрта Осиё адабиётига мурожаат қилар эканлар, энг аввало, ўзбек адабиёти билан қизиқмоқдалар, чунки бу адабиёт орқали улар яқин кўшни, дўст халқи ҳаёти, меҳнати ва интилишлари билан яқиндан танишмоқдалар. Шу ўринда Премчанднинг ажойиб сўзлари ёдга тушади: “Айнан адабиёт ҳақиқий тарихни ҳикоя қилади, чунки илмий рисоалар давр ва ҳаёт манзараларини бу қадар чуқур очиб бера олмайди. Тарих – бу воқеаларни оддий қайд қилишдан иборат эмас.

Тарих – ҳаётнинг турли соҳаларидаги тараққиёт ифодаси, шунинг учун ҳам адабиёт уни ҳар томонлама акс эттиради, чунки адабиёт мамлакат ҳаёти ва даврнинг ифодаси демакдир”¹⁰⁰.

Йирик ҳиндий ёзувчиси, мақоланавис ушбу китоб саҳифаларида Ўрта Осиёнинг йирик адиблари ҳақидаги биографик очерклар ҳамда уларнинг ҳиндий тилига таржима қилинган асарларидан намуналар беради.

Доктор Прабҳакар Мачве ўзининг “Ҳиндистон ва Осиё адабиёти” китобида Ғ.Ғулом ҳамда Ойбекнинг ўзбек адабиётини ривожлантиришдаги ролини алоҳида эътироф этиб, “Ғ.Ғулом шу даврнинг энг йирик шоирларидан бири, Ойбекнинг “Қутлуғ қон”, “Навоий” тарихий романлари эса ўзбек адабиётида яратилган илк тарихий романлардир”, – деб ёзади¹⁰¹.

Раҳул Санкритьян Садриддин Айнийнинг “Дохунда” ва “Қуллар” романини, ҳиндий ёзувчиси Яшпал эса ўзбек ёзувчиси Асқад Мухторнинг “Опа-сингиллар” романларини ҳиндий тилига таржима қилди.

Шу йилларда Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти ҳиндистонлик шеърят мухлисларига “Ўзбекистон шоирлари” шеърӣ тўпламини урду тилида ҳавола этди. Тўпламдаги шеърларни ҳиндистонлик шоир ва таржимон Қамар Райис таржима қилди.

Тошкент учрашувларида (1958 йил) бир неча марта қатнашган урдузабон шоир Кайфи Азмӣ шахримизга бағишланган бир шеърини “Тошкент” деб номлади. Унда қуйидаги мисралар бор:

*Жаннат билан Тошкент – бу икки олам,
Тошкент ҳақиқатдир, жаннат бир гумон,
Тошкент – нашъа, жаннат – адади йўқ ғам,
Тошкент – шўъла, жаннат – дуд тутунсимон*¹⁰³.

Юқоридагилар билан бирга шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Ҳиндистон матбуотида ҳам юртимизга нисбатан қизиқиш кучайган. Деҳлида нашр қилинадиган “Ҳамари забан” ҳафталигида 1983 йилда “Тош-

¹⁰⁰ Еремян Л. Самарали алоқалар. «Ўзбекистон маданияти». –Т., 1974.

¹⁰¹ Еремян Л. Самарали алоқалар. «Ўзбекистон маданияти». –Т., 1974.

кентдан мактуб” мақоласи босилиб чиқди. Мақолада Тошкент кутубхоналари, уларда сақланаётган нодир китоблар ҳақида сўз боради. Шунингдек, мақолада Ўзбекистонда Ҳиндистон маданияти, адабиёти қай тарзда ўрганилаётганлиги ҳақида маълумотлар берилган. Шу йили Мирут шаҳрида чиқадиган “Мирут мела” газетасида Ҳамид Олимжоннинг “Ўрик гуллаганда”, “Энг гуллаган ёшлик чоғимда” каби шеърлари босилиб чиққан. 1983 йилда ўтказилган тадбирларни маданият уйида ўтказилган мушоира ҳам тўлдириб турар эди. Бу мушоира Тошкентга бағишлаб ўтказилган бўлиб, унга шоир Ғулом Раббоний Тобон раислик қилган. Мушоира қатнашчилари шахримизни тинчлик ва дўстлик шаҳри, шарқ машъали деб таърифлашади.

Ҳиндистоннинг Ассам штатидаги “Кроникал пабליкейшн” нашриётида эса “Ўзбек шеърияти антологияси” ассам тилида чоп этилди. Шеърларни ассам тилига таниқли ҳинд шоири Праяг Сайниа таржима қилган¹⁰².

П.Сайниа ҳиндистонлик ўқувчиларни Чўлпон, У.Носир, А.Орипов, Э.Воҳидов, М.Али, Р.Парфи, О.Матчон, Ҳ.Худойбердиева, С.Саййид, А.Суюн, М.Мирзо, У.Азим, И.Отамурод, Х.Рустамова, Б.Рўзимухаммад, Д.Ражаб сингари турли авлодга мансуб қирқ саккиз нафар шоир ижоди намуналари билан таништиради.

Яқинда китоб ярмаркасида мазкур антологиянинг тақдимот маросими ўтказилди. Шунингдек, журналлар ҳам ўзбек адабиётига саҳифалар ажратди. Журнал саҳифаларида Пахлавон Маҳмуд рубоийлари, Чўлпон, У.Носир, замонавий адабиёт вакилларида Р.Субҳон, Э.Шукур, М.Ғаффор, Ўктамой, З.Мансур, С.Ашур, Ойдиннисо шеърлари ҳиндий ва инглиз тилларида адабиёт мухлислари эътиборига ҳавола этилди¹⁰³. Ушбу нашрлар ўзбек шеърияти ҳиндистонликларда қизиқиш уйғотаётганидан далолат беради.

Адабий алоқаларда Қамар Райис ижоди ва фаолияти

Ҳинд-ўзбек адабий алоқаларини ривожлантиришда ўзбек китобхонларига яхши таниш бўлган таниқли урду тили ва адабиёти мутахассиси, Деҳли университетининг профессори, Ўзбекистонда Ҳиндистон маданий марказининг раҳбари бўлиб ишлаган Қамар Райиснинг хизматлари диққатга сазовордир.

Мустақилликдан олдин ҳам Қамар Райис икки халқ ўртасидаги адабий алоқаларни ривожлантиришда жонбозлик кўрсатган эди. Улар ўзбек ҳиндшунос олимлари Раҳмонберди Мухаммаджонов ва Амир

¹⁰² Орипов У., Емакова С. Яшнаётган диёр. Ўзбекистон хорижий шарқ адиблари ижодида. –Т., 1986. 14-б.

¹⁰³ Ўзбек шеърияти Ҳиндистонда. –Т.: «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 2008.

Файзуллаев билан ҳамкорликда ўзбек шеъриятининг сайланмасини 1973 йилда урду тилида Тошкентда нашр эттирдилар. Урду тилида нашр этилган ўзбек шеърияти сайланмаси Ҳамзанинг “Яша Шўро!”, “Ўзбек хотин-қизларига” шеърлари билан бошланади.

Қамар Райис ҳинд халқига ўзбек шоирларини танитишда унинг сайланма асарлари муҳим манба бўлиб хизмат қилди. Бундан ташқари, бу борадаги мақолалари ҳам мавжуддир. Масалан, “Замонавий ўзбек адабиёти” мақоласи ўзининг “Изланиш ва мувозанат” номли адабий-танқидий мақолалар тўпламига киритилган.

Қамар Райисга иккала халқ адабиёти тарихини ўрганишда ўзбек ҳиндшунослари Наби Муҳамедов, Раҳмонберди Муҳаммаджонов, Фаттоҳ Тешабоев, Қурбон Тўлаганов ва Т.Холмирзаевлар катта ёрдам берганлар.

Шуниси диққатга сазоворки, Қамар Райис иккала халқ адабиётлари тараққиётидаги умумий хусусиятлари тўғрисида урду ва ўзбек мумтоз адабиётида бир хил шеърий жанрлар: ғазал, маснавий, қасида ривожланган бўлиб, иккала адабиётга мумтоз форс адабиётининг таъсири кучли эканини айтади. Унинг фикрича, иккала адабиёт тарихидаги яна бир муҳим ўхшашлик – бу иккала тилдаги асарларнинг икки тилда (урду-форс, ўзбек-форс тилларида) яратилишидир.

Қамар Райиснинг яна бир муҳим ҳиссаси, у икккала халқ адиблари ижодидаги ҳамоҳангликни топишга ҳаракат қилди. Масалан, ўзбек шоири Миртемир ва урду шоири Жўш Малиҳободийларнинг ижоди ҳамоҳанг, яъни романтик кўтаринкилиги ва воқеликни бой ҳаётий тажрибалар орқали идрок қилиниши шу шоирларнинг ижодига хосдир.

Қамар Райис Муқимий ва Фурқат ижодидан ташқари, Ҳ.Ҳ.Ниёзий, Ойбек, Ғ.Ғулом, А.Қаҳҳор ва Миртемирларнинг ижоди билан ҳам танишди.

Қамар Райиснинг Тошкентга келиши бу ҳиндистонлик олим учун ўзбек шеърияти тарихини ўрганиш ва бу борада қизиқарли кенг кўламли ишларни амалга ошириш имконини берди.

Биз юқорида ўзбек адабиётига бағишланган урду тилидаги икки асар ҳақида гапирдик. Бироқ бу ҳинд-ўзбек адабий алоқаларига бағишланган фақат шу иккитагина асар бор, дегани эмас.

Қамар Райис Ҳиндистон маданиятининг ҳозирги замон адабиётшуноси ва таниқли шоири, мутафаккиридир. Унинг шеърлар тўплами, асарлари ва илмий-публицистик мақолалари Ҳиндистон газеталарида мунтазам чоп этилган. Қамар Райис нафақат Ҳиндистонда, балки Ўзбекистонда ҳам етук шоир ва олим сифатида танилган. Профессор Қамар Райис 1932 йил 12 июлда Уттар Прадеш штатининг Шох-

жаҳонпур шаҳрида туғилган. У 1952 йилда Шохжаҳонпурдаги билим юртига ўқишга кирди ва 1954 йилда Лакнав университетида санъат бакалаври даражасига эга бўлди. 1955-1956 йилларда эса Нагпур университетидан урду тили магистри унвонини олди. Қамар Райис 1959 йилда профессор Рашид Аҳмад Сиддиқий раҳбарлигида “Премчанд асарларини танқидий ўрганиш” мавзусида докторлик диссертациясини ёқлади. У 1959-1968 йиллар мобайнида Дехли университетининг урду кафедрасида катта ўқитувчи, 1968 йилдан бошлаб доктор, 1976-1979 йилларда эса профессор бўлиб ишлади. Профессор Қамар Райис Тошкентга илк маротаба 1962 йилда икки йиллик муддат билан Ҳиндистоннинг маданий алоқалар дастурига биноан ўқитувчи сифатида ташриф буюрган эди. Бунга қадар у Дехли университетида бир қатор ўзбек талабаларини ўқитган. Улар орасида таниқли жамоат арбоблари Фаттоҳ Тешабоев ва Тошмирза Холмирзаев бор. Сўнгра профессор Қамар Райис 1965 йилда ТошДУ Шарқшунослик факультетига ўқитувчи лавозимига таклиф этилди. Кейинчалик 1970 ва 1982 йилларда ҳам у Тошкентда ишлади. 1997 йилдан бошлаб Қамар Райис Тошкентдаги Ҳиндистон маданият марказининг директори бўлиб ишлаган. Мана шу йиллар мобайнида у меҳр-муҳаббат билан ўзбек адабиётини ўрганди. Ўзбек халқининг бой маданий меросини тадқиқ қилишга интилди. 2009 йил апрель ойида Дехлида вафот этди.

Қамар Райис ҳиндий ва урду тиллари адабиётини тарғиб этишда биринчилардан бўлган. Унинг дастлабки энг катта хизмати – назарий ва амалий жиҳатдан юқори малакали ҳиндшуносларни етиштириб берганидир. Қамар Райис ўзбек китобхонлари орасида мумтоз ҳинд адабиётини тарғиб этиш ишига салмоқли ҳисса қўшди. Ҳиндистонда ўзбек тили, адабиёти ва шеъриятини кенг ёйишда катта ишларни амалга оширди. Қамар Райиснинг таржималари туфайли Ҳиндистон биринчи бор таниқли ўзбек шоирларининг ижоди билан танишиш имкониятига эга бўлди.

Қамар Райис ҳамиша икки халқ – ўзбек ва ҳинд халқининг дўст, биродар бўлиб яшаши учун ўз кучини аямайди. Ўтган 45 йил давомида адиб, ижодкор сифатида икки халқни янада яқинлаштиришга интилган бўлса, сўнгги йилларда у жамоат арбоби, дипломат сифатида бевосита шу ишга бош-қош бўлди. Маданият маркази серқирра ҳинд адабиётини тарғиб этадиган жойгина бўлиб қолмай, Ўзбекистоннинг беназир санъати, адабиёти, умуман бой маданиятини намойиш этадиган даргоҳга айланган. Марказнинг бутун фаолияти икки халқнинг бир неча асрлик тарихга эга бўлган ўхшаш маданиятининг ўзаро таъсири ва тараққиётини кенгроқ намоиш этишга қаратилган.

Ўзбекистон матбуотида Қамар Райис номи тез-тез учраб туради. Учта катта давлат – Ҳиндистон, Покистон ва Ўзбекистон - 3 та мамлакатнинг маданий ва ижтимоий ҳаёти Қамар Райис ижодида ўрин олган. У ўзбек мумтоз асарларини урду тилига таржима қилган ҳолда, Ўзбекистоннинг ўзбек элидан етишиб чиққан буюк шоир ва мутафаккирларини ҳинд халқи юрагига жойлади. Қамар Райисга атаб Амир Файзулло ўзининг ёзган шеърида шундай дейди:

*Агарчи ҳинд бозида болдан ширин самарсиз,
Ўзбекнинг осмонига хўп ярашган Қамарсиз.
Сувратда Юсуф янглиз, сийратда Мажнун сифат,
Зулайҳою Лайлолар ишқидан баҳраварсиз.
Саргашта руҳ шод ўлғай яхши аъмолингиздан,
Армонда кетган ўшал жисмимга жон қадарсиз.
Мулки ҳинд зуборини кўзга сургаймен, Амир,
Чашими гирёнима нур берган соҳибназарсиз.*

1970 йилги ижодида 16 нафар ўзбек шоирининг шеърларини урду тилига ўгирди. Бу таржималарни Қамар Райис Раҳмонберди Муҳаммаджонов билан биргаликда амалга оширди. Шу тариқа ҳинд китобхони илк маротаба истеъдодли ўзбек шоирлари ижоди билан танишиш имкониятига эга бўлди. Унинг шеърлари ҳиндшунос Наби Муҳамедов ёрдамида ўзбек тилига ўгирилиб, бу тўплам “Шеърлар” номи билан чоп қилинди. 1960 йилда Қамар Райис ўз ижодиётида яна бир катта ишга қўл ўрди. У буюк бобомиз Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган монография ёза бошлади. Алишер Навоийнинг 40 га яқин ғазалнинг таржимасини ўз ичига олган ва урду тилига Раҳмонберди Муҳаммаджонов ёрдамида таржима қилинган бу асар 1973 йилда Ҳариана штати Адабиёт академияси томонидан босиб чиқарилди.

“Шайдо” деб аталган тўплам XIX асрнинг буюк ҳинд шоири Мирзо Ғолибнинг ғазал ва рубоийларини ўз ичига олган. Қамар Райис қаламига мансуб яна бир китобни тилга олиш лозим. Унда ўзбек халқи ҳаёти, унинг адабиёт ва санъатда рўй берган ўзгаришлар юзасидан олиб борган кузатишлар акс этган. Қамар Райис ушбу китобни ёзиш мақсадида 1995 йилда бир ой давомида Ўзбекистон бўйлаб сафар қилди. Бу китоб “Ўзбекистон Инқилобдан Инқилобгача” деб аталади ва у Дехлида нашрдан чиқди. Ушбу асар китобхонларга мақбул бўлганлиги сабабли, уни иккинчи марта чоп этишга тўғри келди.

Унинг илмий-тадқиқот изланишлари узлуксиз давом этган. “Премчанд ва танқидий мутолаа”, яъни асарда буюк ҳинд ёзувчиси Премчанд ижодини танқидий тадқиқ этилади. 1959 йилдан бошлаб мақолалар ёзган.

1960 йилда – Премчанд ёзган бадиий-танқидий мақолалар тўпламини тузади.

1962 йилда “Урду драма” – урду драмаларидан кўзга кўринган намуналарнинг мукаммал тўпламини чиқаради.

1963 йилда “Мунши Премчанд” – Премчанд ижоди ҳақида ёзилган энг яхши мақолалар тўплами.

1969 йилда – танқидий мақолалар тўплами. Бир неча бор нашр этилган.

1974 йилда “Таржуме ка фан аор ривайат” – таржима санъатига оид мақолалар тўплами.

1977 йилда – замонавий адабиётга оид илмий ва танқидий мақолалар тўплами.

1980 йилда “Премчанд: фикр-о фан” – Премчанднинг ҳаёти ва ижоди ҳақида.

1981 йилда “Премчанд ижодий юксалиши” мақоласи ва “Премчанд” – Премчанднинг ҳаёти ҳақида.

1983 йилда “Ратаннатх Саршар” – таниқли урду ёзувчиси Ратаннатх Саршарнинг романнавислигига бағишланган.

1986 йилда - урду адабиётида сатира ва юмор анъаналари ҳақида мақола.

1995 йилда - урду адабиётидаги жанрлар ҳақидаги изланиши ҳам чоп этилди.

Юқорида таъкидланганидек, Қамар Райис аслида адиб, таниқли шоирдир. Унинг ёзган шеърлари жуда ҳам кўп. Улардан бири “Эк орзу” (“Бир орзу”)дир. Қамар Райис бу шеърни Ҳиндистон санъатининг “каттхак” классик рақс маликаси “Мангла Бхатт”га атаб ёзган.

Умуман, Қамар Райиснинг ижоди жуда ҳам серқирра ва бойдир. У нафақат шоир, балки таниқли ҳикоянавис, ёзувчи, таржимондир. Унинг ижоди диққатга сазовордир.

Қамар Райис ўз даврида бир нечта мукофот ва унвонларга сазовор бўлган:

1) 1960 йил – Премчанд асарларининг танқидий тадқиқотчиси сифатида Ҳиндистон ҳукумати томонидан “Юксак ижодий салоҳият” мукофоти билан тақдирланган.

2) 1968 йил – Уттар Прадеш Урду академияси томонидан Лакхнав шаҳрида юксак адабий мукофотга сазовор бўлди.

3) 1981 йил – Бутун Ҳиндистон Мир Тақий Мир Академияси томонидан танқидчи ва тадқиқотчи сифатида мукофотга сазовор бўлган.

4) 1981 йил Биҳар Урду академияси томонидан “Премчанд: фикр-о фан” монографияси учун мукофотланган.

5) 1984 йил – Лакхнав шаҳрида адабиёт соҳасидаги хизматлари учун “Ҳиндий ва урду адабиёти” мукофотига сазовор бўлган.

6) 1985 йил – Университетлараро унвон белгилаш комиссияси томонидан мукофотга сазовор бўлган.

7) 1987 йил – танқидчи сифатида хизматлари эвазига “Саид Эҳтишам Хусайн” мукофотига сазовор бўлган.

8) 1989 йил – Ҳиндистон маданий ишлар жамияти томонидан “Премчанд” мукофотига сазовор бўлган.

9) 1989 йил – “Ниёз Фатехпурӣ” мукофотига сазовор бўлган.

10) 1994 йил – Уттар Прадеш Урду академияси томонидан Мавлоно Абул Калам Озод мукофотига сазовор бўлган.

11) 1994 йил – таржима соҳасидаги хизматлари учун мукофотланган.

12) ТошДШИ Илмий Кенгашининг фахрий аъзоси этиб сайланди.

Ўзбек шоирлари асарларида Ҳиндистон мавзуси

1970 йил Деҳли шаҳрида бўлиб ўтган Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг IV конференциясида Ўзбекистон ёзувчилари ва шоирлари фаол иштирок этдилар. Булар: Комил Яшин, Зулфия, А.Шарипов ва бошқа ёзувчи ва шоирлардир. Конференциянинг ялпи мажлисида К.Яшин “Империализмга қарши курашда Африка ва Осиё ёзувчиларининг роли” деган мавзуда маъруза қилди. Зулфияга шу конференцияда “Нилуфар” мукофоти топширилди. Шу конференциядан сўнг матбуотда ёзувчи ва шоирларимизнинг Ҳиндистонга бағишланган мақола ва шеърлари босилиб чиқди. Масалан: Барот Бойқобилов “Бенгалия”, “Тоғ Маҳал”, “Висол дарчаси”, “Бомбай”, “Жамна” каби шарқ гулдас-таси шеърийат мухлисларига инъом этди. Бундан ташқари, матбуотда К.Яшиннинг Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг IV Деҳли конференциясига бағишланган “Бирдамлик” мақоласи ва ёш каламкаш, ёш шоирларимиздан Маърифат Йўлдошеванинг “Ҳинд куйчисига” номли Ҳиндистонга бағишланган илк асари босилиб чиқди.

Ўзбекистон халқининг ҳинд халқи маданияти ва адабиётига бўлган қизиқиши йилдан-йилга кучайиб борди.

Ўзбекистонда “Шарқ Юлдузи”, “Ўзбекистон хотин-қизлари”, “Маориф ва ўқитувчи”, “Гулистон” ва бошқа журнал саҳифаларида Ҳиндистон ҳаётига, ҳинд халқининг инглиз босқинчиларига қарши курашига бағишланган ёзувчи ва шоирларимизнинг мақола, шеър ва ҳикоялари босилиб чиқди.

Халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашда адабиётни олтин кўприк деб атайдилар. Ёзувчи ва шоирларимиз Ҳиндистонга атаб яратаётган ўз асарларида Ҳиндистонга бўлган муҳаббат, садоқат, бирдамлик ва дўстликни баён қилиб келдилар ва келмоқдалар. Масалан,

севимли ёзувчимиз Ҳамид Ғулом шундай ҳикоя қилади: “Мен бир неча бор ёзувчиларимиз конференцияларида иштирок этганман. 1958 йилда Осиё ва Африка мамлакатларининг конференциясида иштирок этганман. Бу конференция кунлари менга ҳинд ёзувчи ва шоирлари Каур, Яшпал, Тара Шанкар Баннержи, Ғўпал Ҳалдар ва бошқалар билан суҳбат қуриш ва фикр алмашиш насиб этди. Мен ҳам Ҳиндистонга атаб бир қанча асарлар ёзганман. Шулардан бири “Ҳамара, ҳамара ...” асаримдир. Ёзган шеъримнинг мана бу сатрлари диққатимизни ўзига жалб қилса ажаб эмас:

*На Ражастон, на Трипора,
На Деҳлини кўрганман, бироқ,
Сен куйлаган чоғда “Ҳамара...”
Менга яқин бўлади йироқ.
Бозларингга худди фаввора,
Тошиб кирар радио тўлқин.
Ашулангни севиб тобора,
Эшитаман ҳар оқшом, ҳар тун.*

Иккинчи асарим “Дўстлик гуллари” номи билан аталади. Бунда ҳинд қизининг ўзбек қизига ёзган хати тасвирланади.

*Дўстим, Ганг қирғоғидан,
Йўллаган саломим ол.
Ҳиндистон гулбоғидан,
Тилайман бахту иқбол.
Унга ўзбек қизининг,
Совғаси деб тутқаздим.
Гулларнинг илдизини,
Тупроғимга ўтказдим.*

Ўйлайманки, бундан кейин ҳам Ҳиндистонга бағишлаб асарлар яратиш одат тусига кириб қолса ажаб эмас. Бунинг учун мен кўлимдан келганича ҳаракат қиламан ва ўз асарларим билан оз бўлса ҳам ўзбек китобхонларини ҳинд маданияти, адабиёти билан таништиришга эришаман”¹⁰⁴.

Шоир Барот Бойқобилов ҳам Ҳиндистонга бағишлаб асарлар яратишда ўзининг улушини қўшиб келмоқда. Унинг Ҳиндистонга аталган бир нечта асари матбуотда босилиб чиқди. Булар: “Тул ва ханжар” (1970), “Ҳиндистон дарвозаси” (1970), “Калькутта чироқлари” (1970) асарларидир.

¹⁰⁴ Ғулом Ҳ. Интервью. 1974 йил, январь.

“Гул ва ханжар” шеърини ҳинд ёзувчиси Файз Аҳмад Файзга бағишлайди. “Калькутта чироқлари” асарида ҳозирги Калькутта шаҳрининг кечаси нур таратиб турувчи минглаб чироқлари ҳақида ва шу билан бир каторда шаҳар аҳолисининг оғир, аянчли аҳволини мана бундай тасвирлайди:

*Сўнгсиз осмон ёғду қилгандай нисор,
Калькуттага сочмиш миллионлаб юлдуз.
Чироқлар қўйнида қолган бу шаҳар,
Бу кеча мен билан турар юзма-юз.
Бир шаҳар бўлинган икки дунёга,
Иккига бўлинган бир юрак гўё.
Бири кўз тикади сароб, рўёга,
Бирисин қўлида ўйинчоқ дунё.*

Б.Бойқобилов “Тҳокур уйида” (1970) асарида Рабиндранат Тҳокур яшаган уйни тасвирлаб шундай сатрларни битган:

*Ҳамма нарса одмигина, жўн,
Ҳатто уйнинг жиҳозлари ҳам.
Хонтахтада қўлёзма бе ун
Соҳибига мунтазир қалам.
Оддийгина шиша сиёҳдон,
Сукут ичра соат кафгири.
Китобларга лиқ тўла жовон,
Сатрларда Тҳокур кўз нури.*

“Ҳиндистон дарвозаси” (1970) асарида эса мустамлака кишанини чилпарчин қилиб ташлаган ҳинд халқи диёрининг табиатини, ўйноқи дарёларини, пальмазорларини, унинг шўх йигит ва қизларини ўз асари орқали баён этади.

Таниқли ёзувчимиз, давлат арбоби Шароф Рашидов ҳам Ҳиндистонга бағишлаб асарлар яратишда ўз улушини қўшган. Унинг “Кашмир кўшиғи” (1970) асари фикримизнинг яққол далилидир. Ушбу қисса Кашмир халқининг қадимий севги достони асосида ёзилган. Ш.Рашидов шундай дейди: “Ҳиндистонга сафаримиз пайтидаги кашмирлик дўстларимиз билан бўлган тарихий учрашувлар, қизгин суҳбатлар бир умр ёдимизда сақланади. Ушбу қисса ҳам ана шу унутилмас кунлар таассуроти ўлароқ ёзилди. Биз бунда кашмирлик ва ҳиндистонлик дўстларимизга бўлган муҳаббат ва эҳтиром туйғуларимизни изҳор этишга интилдик”¹⁰⁵.

Шоир Рамз Бобожон “Ҳиндистон онаси” достонини ёзди (1972). Шоир бу достонида ҳинд оналарининг нақадар ҳурматга сазовор эканликларини мана бундай тасвирлайди:

¹⁰⁵ Рашидов Ш. Кашмир кўшиғи. –Т., 1970.

*Кириб борди олий саройга
Депутатлар туришиб “дик”.
Ўлтиришиди яна жой-жойга...
Саломлар, ширин каломлар...
Намасте, намасте...
Сарвқомат, барваста она
Одимлаб мардона,
Парламент минбарида
Кўринди оқ сарида, оппоқ сарида.*

Ёзувчимиз Мирмуҳсин ҳам Ҳиндистонга атаб “Чандралика”, “Ҳинд раққосаси Тара Чоудри”, “Доктор Мўҳанлал Атал” каби шеърларини ёзди (1973). “Чандралика” шеърида Чандралика исмли ҳинд рақс устасини тараннум этади.

*Ҳиндистонда очилган гул,
Хуш келибсан элимга.
Дўстлигимиз бўлсин мангу
Қўлингни бер қўлимга.
Уланова каби юксал
Бахту камол топгин, гўзал –
Чандралика,
Чандралика¹⁰⁶.*

Шоир Юсуф Шомансур ҳинд халқи ҳаётига бағишланган “Райчарон” (1974) достонини яратди. Унда ўзбек ва ҳинд халқлари дўстлиги тарихидан ҳикоя қилинади.

Ҳинд ва ўзбек адабиётини мустаҳкамлашда кўрсатган хизматлари учун Ж.Неру ва Нилуфар мукофотларига сазовор бўлган шоира Зулфия ҳам ҳинд рақслари олам-олам қувонч ва роҳат олиб келишини куйлайди. Шу асардан бир парча келтирамиз:

*Кафтларини жуфтлаб кўксига,
Табассум-ла боқар саҳнадан.
Ўйнар “Бҳарат Натъям рақсига
Гир айланар богнинг саҳнидан.*

Таржима соҳасида ҳам катта ютуқларга эришилди. Ўзбекистон Давлат нашриётида Мулк Раж Ананд, Премчанд (“Нирмала”), Б.Бхаттчария (“Очарчилик”) каби ёзувчиларнинг романлари ўзбек тилига таржима қилинди. Калидасанинг “Йўқолган узук” номли асарини Зулфия ўзбек тилига таржима қилди ва у Ҳамза номидаги ўзбек драма театрида қўйилди.

“Рамаяна” – ҳинд халқининг энг кўҳна қаҳрамонлик эпосидан саналади, уни ўзбек тилига ёзувчимиз Муҳаммад Али таржима қилган.

¹⁰⁶ Мирмуҳсин. Танланган асарлар. 1-жилд. –Т., 1973. 111-б.

Қаҳрамонлик эпосининг нодир дурдонаси “Маҳабҳарат” кино-сериалини моҳир таржимон Амир Файзуллаев ўзбек тилига ўгириб, мухлисларга совға қилди. Бу асар бутун дунёга машҳурдир.

1961 йилда ёзувчиларимиз Ғ.Ғулом ва Ҳ.Ғуломнинг таклифига мувофиқ, Бутун Ҳиндистон тинчлик уюшмасининг аъзоси Гурбахш Сингх бошчилигидаги адиблар ва бошқа жамоат арбоблари делегацияси Ўзбекистонда меҳмон бўлдилар. Бундан ташқари, ҳинд шоир ва ёзувчиларидан Сажжод Заҳир 1972 йил (12-14 сентябрь), Аҳлувалия Жасбир, Субҳаш Мукержи, Малла Реди, Аттар Сингх, Уттам Чашдани, Бҳишам Саҳний, Акиландан, Т.Карунакаран, Д.Тҳакар, Ҳ.Баччан 1973 йил (28-31 май), В.Чандрагупта, Ашок Важпейилар 1974 йил /22-26 апрель/ меҳмон бўлдилар.

Ёзувчи ва шоирларимиздан ташқари, ЎзМУ (ТошДУ) доцентлари, педагоглари ва собиқ талабалари ҳинд ёзувчи ва шоирларининг кўплаб асарларини ўзбек тилига таржима қилмоқда.

Рабиндранат Тҳакурнинг “Ҳалокат” (1958), “Кўзга тушган чўп” (1973) романлари, Премчанднинг “Қисмат” романи (1962), “Бир келин” ҳикояси (1973), Яшпалнинг “Тўғри ва ўғри” ҳикояси (1970), Кришан Чандарнинг “Бир дублёр қиз”, “Қамоқ” ҳикоялари ўзбек тилига таржима қилинди. Бундан ташқари, Хўжа Аҳмад Аббоснинг “Ҳиндистон фарзанди”, Р.Тҳакурнинг “Хонадон ва жаҳон”, “Сўнгги дoston” романлари, Али Сардор Жаъфарийнинг “Шеърлар” тўплами, Ражендра Сингх Бедийнинг “Қиз ўғирлаш”, “Лажвантӣ”, Сажжод Заҳирнинг “Суман” каби ҳикоя, шеър ва романларини ўзбек китобхонлари ўз она тилида севиб ўқимоқдалар. Тўхтасин Жалолов Р.Тҳакурнинг “Донишманд ража” асарини ўзбек тилига таржима қилди.

Ҳинд асарларининг ўзбек тилига таржима қилиниши ўзбек халқининг Ҳиндистоннинг қадимий ва бой тарихига, Ҳиндистон халқлари яратган адабий-маданий дурдоналарга зўр қизиқиш ҳамда катта эътибор ва эҳтиром назари билан қараётганлигидан далолат беради.

Дўстлик, ижодий алоқалар: А.Притам ва Зулфия

Машҳур панжоб шоираси А.Притам ўз ижодини кўплаб хорижий мамлакатлар, шу жумладан, Россия ва Ўзбекистонга қилган сафаридан олган олам-олам таассуротлари билан ранг-баранг мавзу ва янги образлар билан бойитди. А.Притам 1961 йилда Ёзувчилар уюшмаси таклифи билан Москва, Тошкент, Самарқанд, Бокуга саёҳат қилди. Рабиндранат Тҳакурнинг 100 йиллигига бағишланган тантанали мажлисда қатнашди. 1966 йилда маданий алоқалар ўрнатиш йўли билан яна мамлакатимизда бўлди.

Ўзбекистонда кишиларнинг қувноқлиги, уларнинг ўз халқи фаровонлиги йўлида астойдил меҳнат қилиши шоирани мафтун этади.

А.Притам ўзининг “Хотиралар” китобида кишиларнинг меҳнати туфайли бой пахта ўлкасига айланган Фарғона водийсини “Уйқудаги гўзал”¹⁰⁷ деб атайди. Гулистонга айланган Мирзачўл, Фарҳод ҳамда гўзал Ширин ҳақидаги афсона А.Притамни Ҳиндистон тоғ кончилари образини яратишга илҳомлантиради. Шоира уларни ҳақиқий баҳодирлар деб атайди. “Улар туну кун тош кесаётган Фарҳодни эслатади... Лекин Шириннинг тимсоли бўлмиш ҳаёт уларга шундай шартлар қўяди: қачонгача тақдир чашмаси улардан бир неча одим наридан оқиб ўтиб кетаверади?”¹⁰⁸.

“Хотиралар” тўплами Зулфияга бағишланган. Мустақил Ҳиндистонда Ўзбекистон ёзувчилари ижодига қизиқиш катта бўлганлиги туфайли Ўзбекистонга бағишланган очерк ва хотиралар китобдан кенг ўрин олгани бежиз эмас. Ўрта Осиёдаги бошқа республикалар каби Ўзбекистон ҳам Осиёдаги ривожланаётган мамлакатларга иқтисодиёт ва маданият тараққиёти учун курашда ўрнатқ бўла олади.

Шоиранинг ўзбек аёллари ҳақида ёзган сатрлари қувонч ва фахр ҳиссига тўла. Панжоблик шоира ўзбек хотин-қизлари катта ютуқларга эришганлигини ҳаяжон ва ҳайрат билан гапиради. “Ипак комбинатларининг директори аёллар... Фарғона вилоят ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари ҳам аёл. Кейинчалик мен бир ярим минг колхозчига раҳбарлик қилаётган колхоз раисаси Онахон билан танишдим”¹⁰⁹.

Шарқнинг озод ва эркин хотин-қизлари ўз маҳорати, ақлу заковати билан келажак сари интиломда, қаддини ғоз тутиб мағрур қадам ташламокда. А.Притам эндиликда озодлик ва янги замон куйчисига айланган ўзбек аёли – Зулфия ҳақида ёза бошлайди.

А.Притам Ўзбекистон ва Тожикистоннинг кўплаб шоирлари билан яқиндан танишади. У хайрли ишга қўл уриб, Ғ.Ғулом, Ойбек, Зулфия, Ҳ.Ғулом, А.Мухтор асарларини панжоб тилига таржима қилиб, китобхонларга тақдим қилади.

1968 йилда Ҳиндистонда А.Притамнинг “Йигирма бир гулбаргли атиргул”¹¹⁰ номда сафар очерклари ва хатлар тўплами босилиб чиқади. Ёзувчи бу китобда Россия, Болгария, Руминия, Германия ва Ўзбекистонга қилган саёҳати давомида олган ҳаяжонли таассуротлари, учрашувлари, қувончли воқеалар ва ўзгаришлар ҳақида ёзади.

А.Притамнинг очерклари ва хатлари унинг ижодий биографиясида муҳим омил бўлиб қолди. Шоиранинг Ўзбекистонда чиққан “Юрий Гагарин”, “Эй тўқувчи аёл” каби шеърларида у Россия ва Ўзбекистон мавзусига мурожаат қилади.

¹⁰⁷ Притам А. Атит ки парчххайан (хотиралар). Дехли, 1962 (хиндий тилида).

¹⁰⁸ Ўша ерда.

¹⁰⁹ Ўша асар. 142-б.

¹¹⁰ Притам А. Иккис паттион ка гулаб (Йигирма бир гулбаргли атиргул). –Дехли, 1968 (хиндий тилида).

Китобхонлар Ўзбекистонда А.Притам билан илк бор “Ўзбекистон хотин-қизлари” журнали саҳифаларида чоп этилган “Бҳангра”, “Ойдин тун” шеърлари орқали танишади. Шеърларни Зулфия ўзбек тилига таржима қилган эди¹¹¹. Унга бағишланган мақола эса 1961 йилда чиқади¹¹². Кейинчалик адибанинг романларидан парчалар ҳам ўзбек китобхонларига совға қилинади¹¹³.

Панжоб адабиёти, хусусан А.Притам ижодининг ўрганилиши 70-йиллардан бошланади. Ҳиндшунос Т.А.Хўжаева панжоблик шоиранинг шеърляти ва, айниқса, ўрганилмаган насрчиликни таҳлил қилиб, ўзбек ва рус тилларида бир нечта мақола ва китоблар чоп этди:

1. Поэтический голос Пенджаба. «Звезда Востока». 1972. №4.
2. Идейно-эстетические взгляды А.Притам. Востоковедение. ТашГУ. –Т., 1972, выпуск 430.
3. К вопросу об общественно-политических взглядах А.Притам. Тезисы. ИВАН. –М., 1971.
4. Тема Советской страны в творчестве А.Притам. Востоковедение. ТашГУ. –Т., 1973, выпуск 456.
5. «Дўстлик ришталари» (Панжоб ва Ўзбекистон). «Ўзбекистон маданияти». 1978 йил, 28 февраль.
6. А.Притам о назначении художника слова. Востоковедение. ТашГУ. –Т., 1977, выпуск 540.
7. Женский образ в ранних романах А.Притам. Востоковедение. ТашГУ. –Т., 1981, выпуск 589.
8. Проблематика сборника рассказов А.Притам «Мои любимые рассказы». Востоковедение. ТашГУ. –Т., 1984, выпуск 720.
9. Проблема молодежи в романах А.Притам. Востоковедение. ТашГУ. –Т., 1986.
10. Панжоб адабиётда янги мотивлар. Улуғ Октябрь ва хорижий шарқ адабиёти. –Т.: Фан, 1987.
11. Проза А.Притам (монография). Издательство Пенджабской Академии. –Дели, 1991 (на яз. панжаби).
12. Художественная проза А.Притам. –Т.: ТашГИВ, 2007.

Зулфия ва Амрита Притам. Адабиёт аталмиш дўстлик кўприги арқонларининг ҳар бир толаси бу дугоналарнинг ижод намуналаридан иборатдир. Шундай толалардан бири – Зулфиянинг “Мушоира”си бўлса, яна бири Амрита Притамнинг “Хотиралар” очерклар тўпламидир. Бу тўпламдаги етти та мақолада Ўзбекистоннинг бир қатор гўзал шаҳарлари, ёзувчи ва шоирлар билан бўлган суҳбатлар, турли учрашувлар ҳамда Зулфия ва унинг шеърляти ҳақидаги Амрита Притамнинг фикрлари ўз аксини топган. Амрита Притамнинг Зулфияга бағишланган

¹¹¹ Притам А. Бҳангра. Ўзбекистон хотин-қизлари. –Т., 1958, №6.

¹¹² Ғаниева С. Қалб куйчиси. Ўзбекистон хотин-қизлари. –Т., 1961. №5.

¹¹³ Притам А. Бир савол. «Шарқ юлдузи», 1961. №4.

“Ўзбекистон кокили” номли мақоласида маданий, адабий алоқаларимизнинг бир лавҳасини кўришимиз мумкин:

“Тошкентда бир куни билим юрти қизлари менга ва Зулфияга ўзбек миллий либоси нишонаси – ипак нақшли дўппи совға қилишди. Миннатдорчилик изҳор қилиш мақсадида Зулфия ҳам, мен ҳам ўша дўппиларни кийиб олдик. Зулфия қулоғимга деди: – Рост, сен шундоқ ўзбек бўлиб кетдинг!

Эртаси куни бир фабрикада ипак тўқиётган қизлар биз иккимизга фабрикаларида тўқилган бир кийим – бир кийимлик атлас совға қилишди. Миннатдорчилик ифодалаш учун Зулфия ўша матони бошига ташлаб олди. Мен ҳам шундай қилдим-да, Зулфиянинг қулоғига шивирладим: – Тўғриси, сен шундай панжоблик бўлиб кетдинг.

Бир куни зиёфатда ўтириб, Зулфия шундай дея қадах кўтарди: “Бизда кичкина қизларнинг исмига “хон” ва катталарга ҳурмат юзасидан “хоним” кўшилади. Шу боис, бизнингча, Амританинг исми Амритахоним бўлади ва “амрита” сўзини ўзбек тилига таржима қилсак, “ўлмас” бўлади. Биз бугун Амритага ўзбекча исм кўямиз – Ўлмас хоним.

Бу зиёфатда Али Сардор Жаъфарий ҳам бор эди. “Бизда исмга кўшиладиган сўзлардан “кумарий” сўзи жуда ёқимлидир. Зулф сўзини ҳиндий тилига таржима қилсак “алака” бўлади. Шу сабабли, биз Зулфиянинг ҳиндча исмини Алака кумарий кўямиз”, – дея Али Сардор Жаъфарий қадах кўтарди.

Шу зиёфатда қадах сўзи айтишга менинг навбатим келганда, мен дедим:

*Согинган қалам бориб
Қоғоз юзига текканда
Севги сири очилиб –
Бир мисра панжобчада
Бир мисра ўзбекчада
Шунда ҳам қофияда.*

Ўша куни мен ўзбекча кўйлак кийиб олган эдим. Зулфия ҳиндча сарийда эди.

Мен Зулфиянинг ўзбек тилини билмайман, Зулфия эса менинг панжоб тилимни билмайди. Лекин биз иккимизга шоир Дамўдарнинг бир сири маълум:

*Биз каби дардмандлар оҳидан
Бу осмон қора бўлиб кетди.*

Шу сир сабабли ҳаёт қоғозига мен билан Зулфия дўстлигининг кўшиғи ёзилиб қолдики, унинг бир мисраси панжобчада ва бир мисраси ўзбекчада, лекин шунда ҳам бу кўшиқ қофияли.

Тўрт йил ўтди, Зулфия Ҳиндистонга келган эди. Бир куни у хонамда ўтириб, иккала боламга галма-галдан шоколад едираётган

эди. Мен пиёлага чой қуйиб, унга узатдим. У пиёлани олишдан бош тортди ва столда турган бошқа пиёла томон ишора қилди. Столимда турган пиёлалар тўрт хил рангда эди – сариқ, яшил, заъфарон ва қора. Қора ранг менга мотамсаро, заъфарон ранг шўх, яшил ранг бир оз жиддий туюлган эди. Шунинг учун мен Зулфияга оч сариқ рангли пиёлада чой берган эдим.

“Сариқ ранг жудолик ранги бўлади. Бу рангни аввалданоқ табиат менга керагидан ортиқ бериб бўлган. Шунинг учун заъфарон рангли пиёлада чой бергин” – деди Зулфия.

Мен Зулфияга заъфарон рангли пиёлада чой бердим ва ўзимга ўша сариқ рангли пиёлани қўйдим. Зулфия яна қаршилиқ қилди: “Сен ва менинг муҳаббатимизга жудолик ораламаслиги керак. Биз иккимиз олдинданоқ жудолик қўшиқларини ёзиб чарчаганмиз”. Зулфия хонада ўтирган бошқа ёзувчиларни кўрсата туриб деди: “Бу пиёлани бирор эркак ёзувчига бер. Эркакларга жудолик таъсир этмайди, агар таъсир этса ҳам унинг азоби жуда узоқ бўлмайди”.

А.Притам Тошкент киностудиясида фильм кўраётган эди. Олдида кўлида қоғоз-қалам тутиб, ўзбек аёлларининг тараққиёти ҳақида ўша фильмнинг сценарийсини ёзаётган Зулфия – бу унинг юрти аёллари, опа-сингиллари деганида, Зулфия ўша тобда ўзбек аёллари тараққиёти осмондаги ёқимли офтобдек туюлган эди.

“Мана бу пианино устида турган суратни Ҳамид Олимжон менинг юбилейимда олдирган эди. Ҳозир кўлимдаги мана бу бриллиант узукни Ҳамид Олимжон менга атаб Москвадан олиб келган эди. Сенга чой дамлаган чойнакни Ҳамид Олимжон мен учун Хитойдан келтирган. Мен бугун яшаётган бу уйни Ҳамид Олимжон мен учун жуда катта иштиёқ билан қурдиришни бошлаган эди”. Яна Зулфия менга Самарқанддаги Ҳамид Олимжоннинг болалиги ўтган кўчаларни, Тошкентдаги Ҳамид Олимжон йигитлик чоғида яшаган уйни кўрсатди. Ва яна ҳозир Ҳамид Олимжон мангу уйқуда ётган қабрини кўрсатди. Шуларни гапираётган ва кўрсатаётганда Зулфия гоҳо йигирма ёш яшариб кетар, гоҳо йигирма ёш қариб қоларди”.

Панжоб халқ қўшиқларидаги гўзал аразлаганда ёри унга беш рупия бериб овунтиргандек, Зулфия аразлаганда, Ҳамид Олимжон доим бир шеър ёзиб уни овунтирар эди. Тун қоронғуликлари гувоҳ, Ҳамид Олимжон шеърлар ёзар ва ухлаётган Зулфиянинг юмшоқ ёстиғи тагига қўйиб қўярди:

*Кийинтирсам сени баҳорга,
Юлдузларни ўрасам қорга,
Олиб келиб олдингга қўйсам
Ҳам юлдузни, ҳам сени суйсам:
То тонггача сўйласам эртак*

*Чечак териб этак ва этак
Оёгингга келтириб тўксам,
Сени мақтаб, азёрни сўксам, –
Шунда сенинг кўнглинг тўлурми?
Айтганларинг бажо бўлурми?*

Ана шундай маҳбубининг жудолигига бардош бериш Зулфия учун жуда қийин, унинг қалбида тўфон туради, аъзои бадани ларзага келади, хаёллари уни булутлар каби қамраб оларди ва яна ҳамма нарса дард тоғи билан тўқнашиб кетганда кўз ёши ёмғири бошланиб кетади. Бу ёмғир томчилари йиғилиб сўзга айланади. Зулфия аразлаган маҳбубини юпатиш учун шеърлар ёзади ва кун ёруғлиги гувоҳ, Зулфия Ҳамид Олимжоннинг қабри тепасига бориб, ўша шеърларни унинг тош ёстиғи остига қўйиб келади.

*Мана қимматлигим, яна баҳор келиб,
Сени излаб юрди, кезди сарсари.
Қишининг ёқасидан тутиб сўради сени,
Ул ҳам ёш тўкди-ю, чекинди нари.*

Иккала мамлакат, иккала таниқли шоиранинг дўстлик, ижодий алоқалари кўп йиллар давом этиб, мамлакатларимиз маданиятини, тарихини, адабиётларимизни чуқурроқ тушунишга, яқинлаштиришга катта ҳисса қўшди.

80–90-йиллардаги адабий алоқалар

Ҳозирги вақтга келиб Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасидаги алоқалар барча соҳаларда ривожланмоқда. Бу ривожланиш, айниқса, маданий ва адабий соҳаларда яққол сезилмоқда. Бунга мисол қилиб 1983 йилда Тошкентда бўлиб ўтган Осиё ва Африка ёзувчилари уюшмасининг 7-юбилей конференциясини келтириш мумкин. Унда 34 мамлакатдан келган 200 нафар ёувчи қатнашди. 1987 йилда Ҳиндистон фестивали доирасида Тошкентда ўтказилган “Утсав” халқ сайли ва кейинчалик Тошкентда бир йил давомида ўтказилган кўрғазмалар, концерт дастурлари ҳамда китоб кўрғазмаларини, чиққан мақолалар, таржималарни ҳам кўрсатиб ўтиш мумкин. Мисол учун, А.Икромованинг Премчандднинг 100 йиллигига бағишланган “Тинчлик ва дўстлик куйчиси” деб номланган мақоласи¹¹⁴. Унда Премчанднинг ижоди ҳамда ўзбек китобхонларига тақдим этилган асар, роман ва

¹¹⁴ Икромов А. Тинчлик ва дўстлик куйчиси. “Ўзбекистон маданияти”, 1980. 29 июль.

ҳикояларининг илк таржималари ва 80-йилларгача бўлган таржима-лар тўғрисида маълумотлар киритилган.

Ҳинд адабиёти мумтоз асарларининг мамлакатимизда чоп эти-лиши ва кенг тадқиқ қилиниши Премчанд ижодининг сермахсуллиги ва қалбга яқинлигидан далолат беради. Бундан ташқари, ҳиндшунос А.Иброҳимов Премчанднинг машҳур ҳикояларидан саналган “Тҳакур қудуғи”¹¹⁵ номли ҳикоясини ҳиндий тилидан ўзбек тилига таржима қилди. Ҳикояда паст табақага мансуб Жўкху ва унинг рафиқаси Ган-гий, юқори табақа ҳисобланган Тҳакур сингари образлар берилган. Каста тизимига мувофиқ, юқори табақа кишилари паст табақа вакил-лари билан бир сувдан ичишлари ва ҳатто қўл тегиб кетиши ҳам макруҳ саналган. Энг паст табақадан (ҳарижан) чиққан Жўкху бемор чоғида ичай деса сув ҳам тугаб қолган бўлади. Шунда рафиқаси Ган-гий қишлоқнинг золим тҳакурига тегишли қудукдан кеч тушганда сув олиб келишга қарор қилади, аммо уддасидан чиқа олмайди, чунки тҳакур қўққисдан ўз уйидан чиқиб қолганда, у кўзани ташлаб қочади, уйга қайтганда, эри уйидаги бадбўй сувни ичаётган бўлади.

Бенгал тупроғининг ижодкори адолатпарвар шоир Назрул Ислом-нинг шеъри рус тилида¹¹⁶ босилиб чиқди.

1980 йилда Ҳиндистон замини, унинг атоқли адиблари билан яхши таниш бўлган ўзбек шоири Эркин Воҳидовнинг бенгал шоири Назрул Ислом қисмати ҳақида “Рухлар исёни” номли достони босилиб чиқди¹¹⁷. Эркин Воҳидовнинг бу достони бир неча қисмдан иборат бўлиб, улар “Муқаддима”, “Абадият ҳақида ривоят”, “Шоир қалби”, “Исён кўшиғи”, “Фидойилик”, “Ғалаён”, “Жаҳолат”, “Шоҳи Жаҳон ва Аврангзеб ҳақида ривоят”, “Шарпалар”, “Нақл”, “Озодлик” ва бошқалардир. Достонни ўқиган киши жумлаларнинг дуру маржондек тизилиб келганидан, унинг пурмаънолигидан, Назрул Ислом яшаётган даврдаги сиёсий вазиятни ўз кўзи билан кўриб тургандек ҳис қилади.

1983 йил Тошкентда Осиё ва Африка ёзувчиларининг 7-кон-ференциясида қатнашган машҳур урду шоири Файз Аҳмад Файз ҳам сўзга чиқди. У адабий алоқаларимизга ўз ҳиссасини қўшаётган Ўрта Осиёлик ёзувчиларнинг номларини тилга олди ва “Инсоният олди-даги ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири бу ядро ҳалока-тидан маданиятимизни сақлаб қолишдир. Мен бутун дунё ёзувчи-ларини тинчликни сақлаб қолишга чақираман”¹¹⁸, деди.

¹¹⁵Прем Чанд. Тҳакур қудуғи. «Ўзбекистон маданияти», 1980.

¹¹⁶ Ислом Н. Для тех, кто идёт впереди. ««Звезда Востока»», 1981, №11, –С.194–196. (таржимон М.Куранцев).

¹¹⁷ Воҳидов Э. Рухлар исёни. «Шарқ юлдузи», 1980. №1,2.

¹¹⁸ Файз Ф.А. Литературные связи. ««Звезда Востока»», 1983, №11, –С.131-132.

Шу йилларда А.Х.Дехлавийга бағишланган ўнта мақола китоб шаклида чоп этилди¹¹⁹. Бунда хусравшунос олимлар Ш.М.Шомухамедов, Г.С.Тўйчиева, С.Т.Йўлдошева, М.С.Имомназаров, Б.М.Мусаев каби устозлар А.Х.Дехлавийнинг адабий мероси нақадар бойлиги ва такрорланмаслигини ўз мақолаларида илмий нуқтаи назардан ёритиб берганлар. Жумладан, мақолалардан бирида адибнинг “Ойна-и-Искандарий” достони таҳлил қилинган. Ўзбекистонда А.Х.Дехлавийнинг адабий мероси билан танишган ва уни илмий иш даражасида ёқлаган, китоб, монография, мақолалар ёзган олимлар жуда кўп.

Ҳиндистон республика деб эълон қилинган кунга 30 йил тўлиши муносабати билан йирик ҳинд реалист ёзувчиси Яшпалнинг (1903-1976) “Пхўлувнинг кўйлаги”¹²⁰ номли ҳикояси А.Иброҳимов таржимасида китобхонлар эътиборига ҳавола этилди.

Машҳур урду ёзувчиси Жилани Банўнинг ҳикояси¹²¹ Н.В.Соколов урду тилидан рус тилига таржима қилди. Ҳикояда Сайя исмли қиз ва унинг онаси ҳақида сўз боради. Улар ота вафотидан кейин янги маҳаллага кўчиб келишади. Бой-бадавлат бу оила секин-аста уйидаги нарсаларни сота бошлайди. Қимматбаҳо буюмларга эга бу хонадонни маҳалла ўғрилиқда айблайди ва она-бола билан муносабатларни тўхтатиб қўйишади.

1983 йилда машҳур тамил шоири Субрамания Барадийнинг 100 йиллиги муносабати билан унинг икки шеъри¹²² рус тилида чоп этилди. Унинг шеърлари ватанпарварлик, фидойилик ғоялари, мустамлакачиликка қарши ғоялар билан суғорилган. Унинг “Эркакларга мурожаат” шеъри хусусида сўз юритадиган бўлсак, шоир ўзи эркак бўлишига қарамасдан, аёл зотини ҳимоя қилмоқчи бўлади.

М.П.Вашудеван Наййарнинг “Оппол”¹²³ номли ҳикоясини Г.Ҳидоятова рус тилига таржима қилди. Ҳикоя Оппол исмли қиз ҳақида боради, лекин ҳикоя ўта мавҳум тарзда ёзилган. Оппол онасининг уйида ўз ўғли билан яшайди-ю, аммо ўғлидан унинг онаси эканлигини сир тутлади.

Шу сабабли ўғил ҳам катта опа дея мурожаат қилади. Улар бир-бирларига шундай ўрганиб қолишган эдики, ҳатто бир кун кўришмай қолса, улар учун мудҳиш ҳодисадек туюлади.

¹¹⁹ Амир Хусрав Дехлавий. –Т.: Шарқ, 1987.

¹²⁰ Яшпал. Пхулувнинг кўйлаги. «Ўзбекистон маданияти», 1980.

¹²¹ Джулани Бано. Краденое. «Звезда Востока», 1985, №7, –С.172-175.

¹²² Субрамания Баради. Обращение к мужчинам; Девушка по имени Аммаканну. «Звезда Востока», 1983, №1, –С.196-198.

¹²³ Вашудеван М.П. Наир. Оппол. «Звезда Востока», 1985, №12, –С.176-182.

Осиё ва Африка мамлакатлари тараққийпарвар ёзувчиларининг VIII конференцияси олдида машҳур ҳиндий ёзувчиси Бҳишам Сахнийнинг “Хаёл тутқини”¹²⁴ номли ҳикоясини ҳиндий тилидан ўзбек тилига Амир Файзулла таржима қилди. Ҳикояни ёзувчи бевосита ўзининг ижодий ҳаётидан бир лавҳа сифатида баён қилади. Ёзувчининг ўзига хос ташвишлари мавжудлиги, илҳом келгандагина ижод қилиши, уни ҳаётий яратиш ва оммабоп бўлиши бир фожеа мисол айтилади.

80-йиллар мобайнида “Звезда Востока” журналида деярли ҳар ойда хориж ёзувчилари асарларининг таржималари берилиб борарди. Шундай таржималардан бири Ҳиндистоннинг кўзга кўринган ёзувчиларидан бири Р.К.Нараяннинг ҳикояларидир. Ҳикояни В.Томилова¹²⁵ рус тилига таржима қилган. Ҳикояда Рампурда яшовчи Кали исмли тиламчининг ҳаётидаги бир лавҳа акс эттирилади. Ҳар қандай даврда тиламчи, гадоёларга нисбатан кишиларда ижобий муносабат бўлмаганидек, ҳикоя қаҳрамони ўта содда ва ишонувчан Кали ҳам мана шундай бир воқеани бошидан кечиради. Шунингдек, Нараяннинг “Проспект генерала Лоли” ҳикояси ҳам чоп этилди¹²⁶.

Машҳур инглиз забон ёзувчи, романнавис Мулк Раж Ананднинг ҳикояси¹²⁷ ҳам таржима қилинган. Ҳикоя қаҳрамони завод ишчиси аёл ҳар доим ўзи билан гўдак қизини ишга олиб кетадиган бўлади. У бир куни иш устида фарзанди туғилгунча бўлган даврни эслаб хаёлга толади...

1981 йилда бенгал адабиётининг таниқли вакили Р.Тҳакурнинг “Бибҳа соҳили”¹²⁸ романи чоп этилган.

Р.Тҳакурнинг “Бибҳа соҳили” романи ўтмиш воқеалари ҳақида ҳикоя қилади. Асарнинг асосий мавзуси подшоҳлар ҳаёти, уларнинг оилавий низолари бўлиб, асарнинг асосий ғояси чин инсонийлик, бурч, садоқат ғояларидир.

Кришан Чандарнинг “Эзгулик хандариси” ҳикоясини Амир Файзуллаев таржима қилган. Ҳикоянинг номидан кўриниб турибдики, эзгулик ҳикоянинг асосий ғояси бўлиб, асарда кишилар ўртасидаги оддий муносабатлар тасвирланади.

Шеърый асарларга келсак, таниқли урду шоири Файз Аҳмад Файзнинг¹²⁹ шеърлари ҳам босилган. Бу шеърлар шоирнинг 70 йил-

¹²⁴ Сахний Бҳишам. Хаёл тутқини. «Шарқ юлдузи». 1987, №7, 149-157-б.

¹²⁵ Нараян Р.К. Конфеты для ангелочков. «Звезда Востока», 1989, №2, –С.166-168.

¹²⁶ Нараян Р.К. Проспект генерала Лоли. «Звезда Востока», 1989, №4, –С.146–150.

¹²⁷ Мулк Раж Ананд. Колыбельная. «Звезда Востока», 1989, №8, –С.181-182.

¹²⁸ Тагор Р. Берег бибхи. «Звезда Востока», 1981, №9-10.

¹²⁹ Файз Ф.А. Шеърлар. «Шарқ юлдузи», 1983, №9-10.

лиги ва Осиё, Африка мамлакатлари ёзувчиларининг 1983 йилда бўлган 7-конференцияси арафасида босилган. “Сўзла”, “Яна Даккада кўришдик” шеърларини Тоҳир Қаҳҳор таржима қилган бўлса, “Озодлик тонги” шеърини эса Туроб Тўла таржима қилган. Шоирнинг “Сўзла” шеърида кишиларнинг озодликка бўлган меҳр-муҳаббати билан бирга уларни курашга ундайди. Файзнинг “Озодлик тонги” шеъри алоҳида ўрин тутди. Шеърда шундай мисралар бор:

*“Туннинг жабру зулмидан қанча ботган субҳидам,
Шунча интизор бўлиб, шу тонгни кутганмидик?
Ихлос қўйиб, ардоқлаб дилда уни дам-бадам
Биз ўзга бахт гамида огулар ютган эдик.*

...

*Мақсаддан қайтманг, дўстлар,
Зулмат мангу эмасдир”.*

Шеър чуқур руҳий кечинмалар билан, ҳаяжон ва катта завқ билан ёзилган. Ҳиндий шоири Р.Рағҳав шеърлари ҳам шу йилларда ўзбек китобхонларига тақдим этилди¹³⁰.

80-йилларда ҳинд адабиётига оид мақолалар кам чоп этилди. Улар, асосан, шоирлар юбилейи муносабати билан ёзилган. 1980 йилда Э.Бобоевнинг “М.Иқбол – Шарқнинг буюк шоири ва мутафаккири”¹³¹ номли мақоласи ва 1981 йилда Файз Аҳмад Файзнинг 70 йиллиги ҳақида мақола босилган.

Осиё ва Африка ёзувчиларининг 1983 йилдаги конференцияси ва адабий алоқалар

Осиё-Африка ёзувчиларининг дастлабки йиғилиши 1956 йилда Дехлида ўтказилди. Иккинчи конференция эса 1958 йилда Тошкентда бўлиб ўтган эди. Бу конференцияни Тошкентда ўтказиш ғояси 1956 йилда Дехлида бўлиб ўтган дастлабки конференцияда пайдо бўлган эди. Ушбу ғояни илгари сурган инсон машҳур ўзбек шоираси Зулфия эди. Унинг ғоясини ҳамма маъқуллаган эди. Ушбу тарихий аҳамиятга эга бўлган воқеа икки қитъа орасида адабий кўприк вазифасини ўташи аниқ эди.

Дастлабки конференцияга баъзи бир қатнашчиларнинг яширинча келишларига тўғри келди, лекин бу Осиё ва Африка ёзувчилари уюшмаси тузилишига тўсқинлик қила олмасди. Қатнашчилар ҳиндистонлик Рабиндранат Тҳакурнинг давомчиларидан фаластинлик ёзувчи Маҳмуд Дарвеш, Муин Бсису ва дунёга машҳур Агостино Неталар эди.

¹³⁰ Рағҳав Р. Токайгача чорлайман сани. –Т., 1984.

¹³¹ Бабаева Э. Великий мыслитель Востока. «Звезда Востока», 1980. №2.

Бу йиғилишдан мақсад – икки қитъа ёзувчилари ўртасидаги алоқаларни кучайтириш эди, адабиётни халқ ҳаёти билан боғлаш, фикр эркинлигига ёрдам бериш ва дунёда тинчликни тараннум этишга қаратилган эди.

Орадан 25 йил ўтиб, Осиё-Африка ёзувчилари яна бир бор тинчлик шаҳри Тошкентда йиғилишди. Агар ўтган 25 йилга назар ташласак, 25 йил унча катта оралиқ эмас, лекин икки қитъа ёзувчилари учун бу катта оламшумул ишлар билан тўла эди. Осиё-Африка адабиёти озодлик ҳаракатига таъсир кўрсатди, халқларни озодлик сари янги ҳаёт учун курашга чорлади. Уларни порлоқ келажак сари руҳлантирди.

Кишилар бу уюшманинг ишларини умид, ишонч билан кузатиб боришди. 1958 йилги конференцияда қатнашганлар дунёга машҳур бўлиб кетишди. Шулардан бири фаластинлик истеъдодли шоир Маҳмуд Дарвеш ўша вақтда 17 ёшда эди, ҳозирда эса унинг ҳижронли, оташли шеърлари кириб бормаган уй бўлмаса керак. Унинг ёмонликка, зулмга қарши ўйлари барчанинг кўнглидан жой олди. У бир қатор унвонларга ҳам сазовор бўлди. Унга мукофотларнинг берилиши бу уюшманинг дунёда қандай мавқега эга эканлигидан далolat беради. 1958 йилги конференция Африканинг маданий ҳаётида муҳим аҳамиятга лойиқ воқеа бўлди. Конференциянинг очилиш кунида иштирокчилар турли тилларда нутқ сўзлашди.

Осиё-Африка ёзувчилари уюшмасининг VII конференцияси қатнашчилари 1983 йил 27 сентябрда Тошкентнинг муҳташам А.Навоий номли театрида йиғилишди. Улар катта ҳаяжон билан келишди, чунки худди мана шу жойда 25 йил аввал биринчи йиғилиш бўлиб ўтган эди. Мана шу ерда уюшма ғоялари, яъни бутун халқларни бирдамликка, тинчликка, халқлар ўртасидаги тинчликни мустаҳкамлашга даъват этилган эди. Бу конференцияда Миср, Гвинея, Вьетнам, Шри Ланка, Ангола, Ҳиндистон, Қозоғистон, Қорақалпоғистон ва бошқа мамлакатларнинг кўпгина шоир ва ёзувчилари қатнашдилар.

Ҳиндистонлик ёзувчи Картар Сингх Дуггал шундай сўзларни айтди: “Ҳали ҳеч қандай ғоя жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётига бунчалик таъсир кўрсатмаган. АҚШ режалари мисли кўрилмаган пулларни урушга сарф қилмоқда, бу эса инсонларнинг ўзига хавф туғдирмоқда”¹³².

“Уруш бўлаётган жойда адабиёт билан ҳақиқатни ҳимоя қилиш ва шу орқали жамиятнинг онгига кириб боришдир. Баъзи бир кучлар бу тинчлик ҳаракатига тўсқинлик қилмоқда, лекин ҳар бир ерда Осиё-Африка ёзувчиларининг овози янграмоқда”, – деди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг номидан С.А.Азимов.

¹³² Димов Г., Кишли Н. Знамя форума мира и свободы. «Известия», 1983.

“Бугунги йиғилиш миллионлаб кишиларда порлоқ келажакка умид уйғотади. Қудратли қуроллардан бири ёзувчиларнинг қалами инсонларнинг ҳаракатига далда беради”, – деди ҳиндистонлик ёзувчи Бҳишам Сахний¹³³.

“Ҳозирги замон ёзувчилари ўз она юрти мустақил бўлиши учун жон берган қаҳрамонлар ҳақида ёзишлари, уларни миллионлаб одамларга етказишлари керак”, – деб айтди афғонистонлик ёзувчи Ғулом Дастиш Панжири. “Озодлик ҳаракатлари билан ўзаро боғлиқликда таржимонлик иши ҳам катта роль ўйнайди”, – деди Халқаро таржимонлар федерацияси директори А.Лилова. У Осиё-Африка ёзувчиларининг ишларига катта баҳо берди. Вьетнамлик машҳур шоир Суан Зиеу ҳам Вьетнамдаги аҳвол ҳақида нутқ сўзлади. Унинг фикрларини гвинеялик ёзувчи Джиги Камара давом эттирди. Қозғистонлик ёзувчи Джубан Мулдағалиев: “Ҳақиқий ёзувчи ўзини реал ҳаётдан олиб қочмаслиги керак. Ҳаётнинг пасту баландларини очик кўз билан қараши керак. Ҳаммамиз бирга ҳаракат қилсак, овозимиз бутун оламга ёйилади”, – деди. Эфиопиялик ёзувчи Асебе Гебре Мариям ҳам ўз нутқи билан қатнашди.

Конференцияда қўйилган катта масала – бу келажак авлоддир, бу бизнинг келажак цивилизациямизни белгилаб беради. “Бу ишларда адабиётнинг ўрни бекиёсдир”, – деган сўзларни айтди Шри Ланкалик ёзувчи Гупасин Витака. “Ҳозирда Европа ўзининг арзон китоблари билан бозорларни эгаллаб олмоқда, телевизор эфирларининг вақтини оляпти, бу эса одамларнинг, айниқса, ёшларнинг онига ёмон таъсир қиляпти. Ёзувчиларнинг кўксига шундай масъулият борки, улар ёзган асарлари билан ёш авлодни яхшиликларга ундашлари лозим. Конференцияда нигериялик ёзувчи Или Икудди, анголиялик ёзувчи А.Кардозолар ҳам нутқ сўзладилар.

Бу конференция ўзбек шоир ва ёзувчилари учун катта аҳамиятга молик воқеа эди, чунки у бизнинг шоир ва ёзувчиларимиз учун бошқа мамлакат ёзувчилари билан юзма-юз мулоқот қилиш, улар билан фикр алмашишга имконият яратди. Шу билан бирга Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасидаги адабий алоқаларни кенгроқ ривожлантиришга замин яратди. Масалан, халқ шоираси Зулфияга “Лотос” мукофоти берилди, Барот Бойқобилов “Тҳакур уйида” номли шеърини ёзди, Шароф Рашидовнинг “Кашмир кўшиғи”, Рамз Бобожоннинг “Ҳиндистон онаси” дostonлари битилди. Премчанднинг “Нирмала”, Б.Бҳаттаччарйанинг “Очарчилик”, Р.Тҳакурнинг “Кўзга тушган чўп”, Упендранатҳ Ашкнинг “Қулаётган девор” романлари ўзбек тилида чоп этилди. Калидасанинг “Йўқотилган

¹³³ Бахроми Т. Задача литературы объединяет людей. «Правда Востока», 1983.

узук” асари Зулфия таржимасида чикди. Асар “Ҳамза” театрида сахнага қўйилди. Яшпал, Кришан Чандарнинг ҳикоялари, Премчанднинг “Бир келин ҳикояси” тўплами, Хўжа Аҳмад Аббоснинг “Ҳиндистон фарзанди”, Р.Тҳакурнинг “Хонадон ва жаҳон”, “Сўнгги дoston” романлари, Али Сардор Жаъфарийнинг шеърий тўплами, урду ёзувчиси Ражендра Сингх Бедийнинг ҳикоялари чоп этилди. Ҳиндистонда эса Асқад Мухторнинг “Опа-сингиллар” асари Яшпал таржимасида чикди. Берди Кербобаевнинг “Дадил кадам”, Абдулла Қаҳҳор ҳикояси, Саида Зуннунованинг ҳикоялари Бомбайда ҳиндий тилида чоп этилди. Ўзбекистон шеърияти тўплами урду тилида Тошкентда Қамар Райис ёрдамида чоп этилди.

Хулоса қилиб шуни айтиб ўтиш мумкинки, бу конференция ўзбек шоир ва ёзувчиларига ўз санъатларини бутун дунёга кўрсатишга ва хорижлик касбдошлари билан фикр алмашишга имконият яратди. Тошкент эса бу уюшманинг рамзи сифатида шаклланди. Бу эса халқлар ўртасидаги адабий алоқаларни ривожлантириш ва таржималар орқали бир-бирларининг ижтимоий аҳволи, маданий ўзгаришлардан яқиндан таништиришга ёрдам беради. Конференцияда бир нечта қарорлар қабул қилинди, улар ичида энг муҳими ёш авлодни етук, билимли қилиб тарбиялаш ва, албатта, жаҳондаги глобал муаммоларнинг ечимини топишга адабиёт орқали ёрдам беришни мисол қилиб келтириш мумкин.

Адабий ёдгорликларнинг саҳифалари

Ҳиндистонга уюштирилган илмий экспедиция раҳбари Фозила Комиловна Сулаймонованинг айтишича (1986 й., октябрь), “биз Улуғбекнинг дастхатини иккита илмий трактатни ўз ичига олган китобда кўрдик. Биз Ҳиндистоннинг беш штатидаги шаҳарлардаги музейларда ва кутубхоналарида ишладик. Бир нечта юзлаб қўлёзмаларни кўрдик: Ҳайдарободда икки юздан ортиқ, Дехлида уч юздан ортиқ, Патна, Рампур, Бомбай, Ражастҳан, Жайпурда бир нечта юз ...”.

Бу бундай турдаги биринчи экспедиция эмас. Дастлабки экспедиция 1975 йилда филолог ва шарқшунос олим Ҳ.С.Сулаймонов раҳбарлигида амалга оширилган.

Ҳиндистон ва Ўрта Осиё халқларининг кўп асрлик маданий алоқалари “Рамаяна” ва “Маҳабҳарат” ватанини ўзбек, тожик, туркман халқлари, шунингдек кавказ халқлари маданий меросининг ҳақиқий хазинасига айлантирди.

Ўрта асрнинг буюк олимлари Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Райҳон Берунийлар урушлар ва чет элликларнинг босқинидан халос бўлиш мақсадида Ҳиндистонда бошпана излашган, у ерда Амир Хусрав

Дехлавий (XIII-XIV асрлар), Бадриддин Чочий (XIV аср), Бедил (XVII аср), Мирзо Ғолиблар (XVIII-XIX асрлар) яшашган. Ҳиндистон раҳбарлари Ўрта Осиёдан шоирлар, олимлар, тиббиётчилар, мусаввирлар, муסיқачилар, боғбонларни таклиф қилишган. Ўз навбатида, Бухоро, Хива, Самарқандда кўпгина ҳинд усталари, илм-фан ва санъат арбоблари ҳам яшаганлар. Улар бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга қўлёзмалар, санъат ва илм-фан асарлари келтиришган. Буларнинг барчаси халқларнинг ўзаро маънавий бойишига хизмат қилган.

Ўзбек шарқшуносларининг Ҳиндистонга бўлган экспедициялари давомида бир нечта янги материаллар олиб келиб, ҳозирги вақтга қадар номаълум бўлган бир нечта шеърӣ мисраларни ўқишга муваффақ бўлишди, янги номларни очишди, бизнинг кўп миллатли маданиятимиз хазинасини сезиларли даражада бойитишди. Беш юз йилдан ортиқ вақт ўтганидан сўнг Хоразмӣ девони Ҳиндистонда топилди. Девон муаллифи девоннинг охирида ўзи ҳақида шундай деб ёзган: “Мен – Абдулрахим Ҳофиз Хоразмӣ, хоразмлик шоирман”. Бу тўплам ҳам 1986 йилда ўзбек олимлари ҳаракатлари билан топилган Улуғбекнинг “Юлдузли жадваллари” дастхати билан Саларжанг музейида сақланмоқда. Ҳофиз Хоразмӣ девони йигирма мингга яқин байтдан иборат. Унинг Тошкентга келтирилган фотонусхаси эски ўзбек тилидан таржима қилинди ва нашр этилди – дастлаб битта китоб, кейинчалик иккита китоб шаклида чиқди. У она тили ва адабиётининг ватанпарвари бўлган, табиат уйғунлиги, инсоннинг гўзаллиги, озодликка интилишини куйлаган. Бугун у яна ўзининг она ерига қайтди, яна ўз халқига мурожаат қилмоқда.

Тошкентлик олимлар унинг девонини илк маротаба Калькутта университетининг кутубхонасида кўришди. Бу тадқиқотчиларнинг катта ютуғи эди – шоир Комроннинг шеърларини кўп маротаба ўзбек ва ҳинд адабиётида тилга олинган. Унинг рубоӣ ва ғазаллари замондошларини мафтун қилган. Шоирлар ўз шеърларида уни тилга олишган, унинг фожеасини бошларидан ўтказишган – Комрон акаси – тахт ворисининг буйруғига биноан кўзлари кўр қилинган.

Ўтган йиллардаги экспедициялар натижасида кўпгина шоирларнинг қўлёзмаларини расмлар билан безатган иккита ажойиб бухоролик мусаввирнинг номи маълум бўлди. Улар деярли ҳеч қаерда ўз дастхатларини қўйишмаган. Фақат Ҳайдарободдаги топилма уларнинг номларини аниқлашга ёрдам берди – Шайх Мулло Юсуф-ал Ҳиравий ва Девони Наққош. Эндиликда улар Шарқнинг машҳур миниатюрачилари қаторида ўз ўрниларига эга бўлишди.

Экспедициялар натижасида “Ислом динигача бўлган даврда Ўрта Осиё халқларининг афсона ва мифлари – фольклор асарларининг нодир тўплами” топилди ва микрофильмга олинди. Шунингдек, ҳозирги вақтга қадар номаълум бўлган бухоролик олим – Баҳовуддиннинг адабий куллийети ҳам ўрганиб чиқилди. Алишер Навоий ва замондошларининг мактублари топилди. Қўқон хонлиги тарихининг айрим саҳифаларига нур бахш этадиган тарихий тадқиқотлар ўрганилди. Қидирув натижалари – Ибн Сино ёзган кичик асарларнинг учта тўплами ва турли асрлардаги қўлёзмалардир.

Ҳиндистон музейлари ва кутубхоналарида сақланган ушбу қўлёзмалар ўзбек халқи маданиятининг ҳозирги вақтга қадар номаълум бўлган саҳифаларини очишга ёрдам беради. Патна шаҳар кутубхонаси директори доктор А.Бедарнинг саъй-ҳаракатлари туфайли Ўрта Осиё халқларининг адабий ёдгорликлари асраб-авайлаб келинмоқда.

Патнадаги оммавий кутубхона – ислом адабиётининг ҳақиқий хазинаси – XIX асрнинг сўнгги ўн йиллигида пайдо бўлган. У форс ва араб тилидаги камёб қўлёзмаларга бойлиги билан машҳурдир.

Кутубхонани ташкил этиш тўғрисидаги фикр Худо Бахшнинг отаси – Муҳаммад Бахшга, (ўзи ҳуқуқшунос эди) узоқ вақт давомида тинчлик бермаган. Муҳаммад Бахш ўз иш ҳақининг катта қисмини қўлёзмалар харид қилишга сарфлар эди, унинг ҳаёти давомида уларнинг сони 1400 тага етган.

Тез орада Муҳаммад Бахшнинг қимматбаҳо жамланмалари Банкипурга (Патнага) келтирилади. Патнада бобурийлар даврида кўпгина олимлар ва шоирлар яшашган. Шаҳар таълим ва маданиятнинг йирик маркази сифатида донг таратган.

Худо Бахш 1842 йилда Чхпрада туғилган ва Калькуттада таҳсил олган. Узоқ йиллик муҳтожлик ва мусибатлардан сўнг у ҳуқуқшунос бўлди ва Патнада адвокатлик амалиётини очди. У катта муваффақиятларга эришди, у низом Олий судининг бош судьяси этиб тайинланди.

Худо Бахш ислом адабиёти ва исломшуносликни жуда ҳам севган ва у асос солган ажойиб кутубхона – унинг қобилиятининг тирик ёдгорлигидир. Кутубхона расмий равишда 1891 йилда кенг омма учун очилди, у ҳозирги вақтда Ҳиндистон ва унинг ташқарисида Худо Бахш кутубхонаси сифатида машҳурдир.

Кутубхонадаги мос равишда 4221 ва 4184 тани ташкил этадиган араб ва форс тилидаги қўлёзмалар унинг асосини ташкил этади. Бироқ бу ерда урду, турк, ҳиндий ва санскрит тилларидаги нодир қўлёзмалар ҳам кўпчиликлари ташкил қилади. Бундан ташқари, кутубхонада 200 та пальма япроғига ёзилган қўлёзма ва 700 та ажойиб бадий

миниатюра мавжуд. 1891 йилда кутубхона очилган вақтда у ерда 2500 та китоб ва 4000 та қўлёзма, босма китоблар, газета ва журналлар мавжуд бўлган. Уларнинг орасида – ислом илоҳиёти, фалсафа, суфизм, эстетика, юриспруденция, тарих бўйича асарлар, шунингдек илмий асарлар ва беллетристикани ажратиб кўрсатиш мумкин.

Кутубхонадаги нодир асарлардан 1269 йилда машҳур хаттот Ёкут ал-Мустақаний уч усулда ёзган Муқаддас Қуръонни тилга олиш мумкин. Қуръон ўсимликлар ва барглар кўринишидаги ажойиб безаклар билан безатилган. Билимдонлар темурийлар тарихини “Тарихи-Хандани-Тимурия” қўлёзмасининг 133 та рангли суратлар билан безатилган саҳифаларини кўриб хайратга тушадилар. Муҳаммад Амин қаламига мансуб бўлган “Подшоҳнома” қўлёзмаси тарихий мазмундаги қўлёзмалар орасида ўзига хос ўринга эга. У подшоҳ Шох Жаҳоннинг туғилишидан бошлаб ўлимига қадар бўлган ҳаёти тўғрисидадир. Адабий мазмундаги асарлар орасида шоир Ҳожи Шамсиддин Муҳаммад Ҳофиз ал-Шерозий томонидан ёзилган “Девони Ҳофиз” ўзига хос эътиборга лойиқдир. “Девон” саҳифаларида ўз вақтида Ҳумоюн ва Жаҳонгир қўйган белгилар сақланган.

Ўзбекистонда Р.Тҳакур асарлари

Ўзбек халқи Р.Тҳакур (Р.Тагор) асарлари билан XX асрнинг 20-йилларида танишди. “Қизил Шарқ” журналининг 1920 йил 2-сонида Тҳакурнинг “Боғбон” шеърлар тўпламидан бир шеъри босилган эди. “Маориф ва ўқитувчи” журналининг 1924 йил 6-сонида Тҳакур ҳақида катта мақола босилиб, расми ҳам берилган, шоир асарларидан намуналар келтирилган эди. Шундай қилиб, 1924 йилга қадар ўзбек зиёлилари журналлар орқали Тҳакурнинг ҳаёти ва ижоди билан тан эди.

Тҳакур тўғрисидаги мақолалар ва унинг асарларидан намуналар ўзбек тилида газета ва журналларда 1925 йилдан бошлаб пайдо бўла боради. Шу йили “Маориф ва ўқитувчи” журналида ўзбек шоири Чўлпоннинг “Улуғ ҳинд” номли мақоласи босилади¹³⁴. Мақола муаллифи шоирнинг рус тилига таржима қилинган барча асарларини завқ билан ўқиганлигини ҳикоя қилиб, унинг асарларида юксак бадиий маҳорат, чуқур фикрлар мавжудлигига қойил қолади.

“Тҳакур Ҳимолай чўққиларининг орқасида туғилиб ўсди ва у чўққилардан баланд кўтарилди”, дейилади ҳиндшунос, тарихчи И.Ҳошимов мақоласида¹³⁵.

¹³⁴ Чўлпон. Улуғ ҳинд. Маориф ва ўқитувчи. –Т., 1925. № 7, 8.

¹³⁵ Ҳошимов И. Рабиндранат Тҳакур (ҳаёти ва ижодий йўли). –Т., 1961, 51-б.

Чўлпон Тҳакур ҳаётини чуқур ўрганишга киришиб, унинг шеър ва ҳикояларини ўзбек тилига таржима қила бошлади. У буюк ҳинд шоирининг “Янги ой” шеърлар тўпламидан “Қоғоздан қайиқлар”, “Оқ булутлар билан тўлқинлар”, “Кўнгилчанлик” шеърларини насрий таржима қилса, “Ҳай, йўловчи қиз!” шеърини назмда таржима қилади. Тҳакурнинг “Сўба” ҳикоясини ҳам Чўлпон ўзбек ўқувчиларига тақдим қилади.

Чўлпон “Тҳакур ва Тҳакуршунослик” деган мақоласида ҳинд ҳамкасбининг ҳаёти ва ижоди ҳақида тўхталиб, унинг ижодини Россия ва Ғарб мамлакатларида ўрганиш масаласи тўғрисида сўзлайди. Тҳакур ватанида ва чет элларда жуда севилиб ўқиладиган шоир эканлигини баён қилади.

“Ер юзи” журналининг 1926 йил 5-сонида Тҳакур ҳақида мақола босилиб, шоирнинг нуруний, ўйчан расми ҳам берилган эди. Бу мақолада шоир Шарқнинг улуғ мутафаккири ҳам эканлиги, ижодида ҳинд буржуазияси ва зиёлиларининг ҳаёти акс этиб, ситамкор ва исёнкор меҳнаткаш халқ жуда кам ёритилганлиги тўғрисида сўзланади.

1926 йилда ҳинд шоири Европа мамлакатлари бўйлаб навбатдаги сафарга чиқанида, “Известия” газетасининг мухбири Стокгольм шаҳрида Тҳакур билан учрашишга муяссар бўлади. Газета мухбири Тҳакур билан қилган суҳбати ва шоир тўғрисидаги таассуротларини газетада ёритади. Ана шу мақола “Қизил Ўзбекистон” саҳифасида ҳам тўлиқ босилиб чиқади.

“Ер юзи” журналида¹³⁶ “Рабиндранат Тҳакур ва Ғарб маданияти” сарлавҳаси остида шоирнинг расми билан катта мақола босилиб, унда ўқувчи Тҳакурнинг империализм ва фашизм инсоният бахтига бало ёғдираётгани ва ғарбий буржуа маданиятининг фош қилувчи ҳаққоний сўзларини ўқийди.

1930 йилнинг сентябрида Тҳакурнинг Москвага келиши муносабати билан ўзбек газета ва журналлари бу тўғридаги хабарларни ўз саҳифаларида ёритган эди.

Ҳинд халқи мустақилликка эришиб, республика деб эълон қилиниши, ҳинд адабиётининг дунёда кенг танилишига катта имкониятлар берди.

Рабиндранат Тҳакур ва бошқа илғор ҳинд ёзувчиларининг шеър, ҳикоялари ўзбек газета-журналларининг саҳифаларида кўплаб чиқа бошлади.

1957 йилда буюк ҳинд ёзувчисининг “Нур ва соялар” ҳикоялар тўплами ўзбек тилида нашр этилиб, тўпламга Тҳакурнинг ўн бешта

¹³⁶ Ер юзи. –Т., 1928, №2.

ҳикояси киритилган. Тҳакур асарлари аввалига рус ва инглиз тилларидан таржима қилинган бўлса, 50–60-йилларга келиб ҳиндий тилларидан таржима қилина бошланди. 1958 йилда И.Д.Серебряковнинг “Ҳинд адабиёти классиклари” китоби босилиб чиқди. Муаллиф китобининг сўнгги бобини Тҳакурнинг ҳаёти ва ижодига бағишлаб, унинг ҳикоя, шеър, роман ва дунёқарашларини алоҳида-алоҳида таҳлил қилиб чиқади.

Умуман, ҳинд адабиётини ва қисман улуғ Тҳакур ижодини ўрганишда ҳиндшунос И.Д. Серебряковнинг хизмати каттадир. У Ўзбекистон пойтахтида яшаган йилларида ва ундан кейин ҳам республикамиздаги газета, журналларда илғор ҳинд адабиёти ҳақида мақолалар бостириб, машҳур ҳинд ёзувчиларининг ҳикояларини ҳиндий, урду, инглиз тилларидан русчага таржима қилиб турди. И.Д.Серебряков Тҳакурнинг ҳаётини ва жуда бой ижодини оммалаштиришда катта хизмат қилди.

1956 йилда Ўзбек миллий академик драма театри ёзувчининг “Ҳалокат” романи асосида “Ганг дарёсининг қизи” драмасини томошабинларга тақдим этди. 1957 йилда театр жамоаси шу сахна асари билан Москвада бўлиб ўтган театр жамоаларининг танловида иштирок этиб, биринчи мукофотни олишга муяссар бўлади.

Ўзбекистон Давлат бадиий адабиёт нашриёти ўзбек ўқувчиларининг улуғ ҳинд ёзувчисининг асарларига бўлган катта талабини ҳисобга олиб, унинг саккиз жилдлик танланган асарларини нашр қилди (1958–1965). 1958 йилда ўзбек ўқувчилари Тҳакур асарларининг биринчи жилди билан танишиш имкониятига эга бўлиб, унинг ажойиб романи “Ҳалокат”ни ўқидилар. 1960 йилда ёзувчи асарларининг иккинчи жилди нашрдан чиқиб, ўқувчилар “Гора” романи билан танишдилар. 1958 йилда Тошкентда рус тилида нашр этилган “Ҳиндистон шоирлари” тўпламида улуғ шоир Тҳакурнинг шеърларига катта ўрин берилди.

1961 йил 15 июлда Р.Тҳакурнинг невараси К.Крипалининг илтимосига кўра, бобосининг “Почта” номли драмаси сахналаштирилган эди. Шу йили “Ўзбекфильм” киностудияси Тҳакурнинг “Ҳалокат” романи асосида “Ганг дарёсининг қизи” номли фильмни суратга олди.

Жамоат арбоби, файласуф, ёзувчи Р.Тҳакур адабий мероси жуда бой ва серқиррадир. Маълумки, Тҳакурнинг асарларини бутун жаҳон тан олган, турли тилларга таржима қилинган. Ўзбек тилида адибнинг айрим ҳикоялари журналларда ҳам чоп этилган. Шулардан бири “Ака ва ука”¹³⁷ ҳамда “Соҳил ҳикояси”¹³⁸ номли қисқа ҳикоясидир.

¹³⁷ Тҳокур Р. Ака ва ука. «Шарқ юлдузи», 1986, №5. 149–151-б.

¹³⁸ Ўша жойда. 152–155-б.

“Ака ва ука” ҳикоясида тўрт образ, яъни ака Шамибхушан, унинг рафиқаси Бражундерий ва тутинган ука Радхамунуд ва хотини Росманидир. Ҳикоя адиб яшаган давр шароитини акс эттиради. Шамибхушан ва Радхамунуд бир қориндан талашиб тушмаган бўлсалар-да, меҳр-оқибат бобида ҳақиқий ака-укалардан қолишмас эдилар ва бир уйда яшардилар. Ака бой-бадавлат, ука камбағал эди. Ука хотинининг қистови билан акасининг пулларини ўғирлашни, мулкини мусодара қилдиришни уюштиради. Қарабсизки, ука бойиб кетиб, ака уканинг қарамоғида ўн йил яшайди. Ҳикоя сўнгида ука хаста бўлиб қолганда, акасига қилган барча хиёнатларини кечиришини сўрайди, бироқ ака барча гапдан хабардорлиги ва уни кечирганини айтади. Шунда ука мулкига акасининг ўзи эгалик қилишини сўрайди, аммо ака қўл силтаб қўяди.

Ҳикоя ахлоқий-тарбиявий аҳамиятга эга. Акага уканинг қилган хиёнатлари, туғишган бўлмасалар-да, аканинг меҳр-оқибатини сақлаб қолишга интилиши ҳақиқий ака-укаларга сабоқ бўлади.

Адибнинг иккинчи ҳикояси “Соҳил ҳикояси” деб номланади. Ҳикоя Кусум исмли қиз ва унинг тақдири хусусида боради. Унинг болалиги, турмуш қуриши, бева қолиши, умуман умрининг сўнги кунигача бўлган даври соҳил тилидан айтиб берилади, чунки Кусумнинг энг яхши кўрган ва ёлғиз дамлари ўтадиган жойи соҳил эди. Ўтмишдаги воқеа-ҳодисалар ҳикояда Кусум образи орқали ёритилади. Жумладан, қизларнинг қизалоқлигидаёқ узатилиши ёки ёшгина бева бўлиб қолиши, ҳеч қандай маросимларга қатнашмаслиги ёзилган. Йиллар ўтгач, Кусумнинг қишлоғига ёш қаландар келганида ҳамма каби Кусум ҳам зиёфатга боради, бора-бора у билан диний суҳбатлар қуриб кўникиб қолган Кусум, қаландарни ёқтириб қолади. Кусум қаландарнинг унга бефарқлигини англагач, ўзи улғайган Ганг дарёси қаърига йўл олади.

Тҳакур учун анъанавий бўлган дарё, сув образи худди инсон каби ҳикоя қаҳрамони билан дардлашади. Ҳикоянинг асосий ғояси, болалигидан қизларни турмушга беришдек эскириб қолган анъаналарни қоралашдир.

Р.Тҳакурнинг 1961 йилда нафақат мақолалари, ҳикоялари, шеърлари, балки бошқа асарлари ҳам ўзбек тилида чиққан эди. “Учиб кетган қушлар”¹³⁹ номли мақоласида эстетик жиҳатдан гўзал панду насихатлар берилган.

Р.Тҳакур ўз ватандошларининг қувончи, ғами, ташвиш билан яшган эди. 1983 йилда “Ёш гвардия” нашриёти Рабиндранат Тҳакурнинг

¹³⁹ Тҳакур Р. Учиб кетган қушлар. «Шарқ юлдузи», 1996. №5.

рус тилидан таржима қилинган 22 та ҳикоясини жамлаб, китоб ҳолида чоп этди¹⁴⁰. Орадан бир йил ўтиб, 1984 йилда Тҳакурнинг “Бибҳа соҳили” ва “Донишманд Ража”¹⁴¹ номли романлари нашр этилди.

“Жаҳон адабиёти” журнали Тҳакурнинг беназир шеърларидан тайёрланган таржималардан шеърият шайдоларини яна бир бор баҳраманд қилиш мақсадида “Кўнглимизда умид ва иймон” номли тўпламни нашр этди¹⁴². Ушбу гулдастадан ўрин олган “Байрам тонги”, “Оддий одам”, “Жаҳолат”, “Даъват” ва “Мағрурлик” каби шеърлардан Тҳакур қаламининг иси уфуриб турибди.

Тҳакур шеърларидаги руҳий тасвирлар, нозик лиризм, кўтаринки услуб ва чуқур фалсафий муҳокамалар ҳар қандай китобхоннинг гўзалликка ташна қалбини қондира олади:

*Қалбим эрта тонгдан шод бўлди беҳад,
Ва жо-бажо бўлди дунё бесарҳад,
Офтоб ёғдулари – тилло заъфарон,
Лол этди боз мени, айлади ҳайрон...*¹⁴³

2006 йилга келиб Ҳиндистон Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси жаноб С.Р.Тайал ташаббуси ва ҳомийлигида нашр этилган “Чироқ ёнар тун бўйи” номли ҳинд ёзувчи ва шоирларининг асарлари жамланган тўпламда Р.Тҳакурнинг “Кобуллик” ҳикояси¹⁴⁴, “Сенсан, онажон”¹⁴⁵ ва “Муҳаббати билониҳоя”¹⁴⁶ шеърлари чоп этилди.

Ҳинд диёрининг буюк фарзанди Тҳакур нафақат адабиёт билан, балки тасвирий санъат билан ҳам ошно эди. Ҳинд тасвирий санъати ривожига ҳам самарали ҳисса қўшган.

Тҳакур ижодини ўрганишга ҳали ҳам талаб бор экан, у бунга лойиқ. Унинг ижодининг очилмаган қирралари, ўрганилмаган асарлари бисёр. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Президентимиз томонидан адабиётга, санъатга эътибор кучайиб бориб, Рабиндранат Тҳакурнинг тажриба ва билимлари, айниқса, бўлажак адабиётшуносларга дастуриламал бўлиши ҳақиқатдан йироқ эмас.

¹⁴⁰ Тҳакур Р. Ҳикоялар. –Т., 1983. (Т.Жалолов таржимаси).

¹⁴¹ Тҳакур Р. Бибҳа соҳили.Донишманд Ража. –Т., 1984 (Т. Жалолов таржимаси).

¹⁴² Тҳакур Р. Кўнглимизда умид ва иймон. «Жаҳон адабиёти», 1999. №7.

¹⁴³ Ўша жойда. 58-б.

¹⁴⁴ Тҳакур Р. Кобуллик. Чироқ ёнар тун бўйи (тўплам), –Т., 2006. 17-24-б (О.Раҳимий таржимаси).

¹⁴⁵ Ўша жойда. 25-б. (Эркин Воҳидов таржимаси).

¹⁴⁶ Ўша жойда. 25-26-б. (Шайхзода таржимаси).

Ўзбекистонда Премчанд асарлари

Премчанд асарлари нафақат Ҳиндистонда, балки турли мамлакатларда, жумладан Чехия, Польша, Англия, Германия, Таиланд, Индонезия ва бошқа мамлакатларда, шу билан бирга, Ўзбекистонда ҳам мутолаа қилинади.

Премчанд асарлари юртимизда рус ва ўзбек тилларига таржима қилиниб, матбуот саҳифаларида кенг ёритиб келинган. Премчанд ҳикояларини чоп этишда “Шарқ Юлдузи” журнали жонбозлик кўрсатган.

XX асрнинг 50–60-йилларида Премчанднинг “Ювошлик”¹⁴⁷, “Қамоқ”¹⁴⁸ ҳикоялари ва “Ҳинд ҳикоялари”¹⁴⁹, “Қизил гуллар”¹⁵⁰, “Ҳиндистон ёзувчиларининг ҳикоялари”¹⁵¹ каби тўпламларда бир қатор ҳикоялари нашр этилган. Премчанднинг асарлари таржима қилиниши билан бирга, унинг ижодини ҳам О.Коломейцева¹⁵², Р.Елизаровалар¹⁵³ чуқур ўрганиб, ҳикоялари таҳлил қилинган.

Премчанд ҳикоялари мавзусининг сиёсий ўткирлиги, озодлик учун курашга бўлган чақириқ билан йўғрилган. Премчанд бундай ҳикояларида сиёсий ҳаракат учун ҳеч қандай аниқ амалий режани илгари сурмайди ва сиёсий раҳнамолик учун ҳеч қандай даъво ҳам қилмайди. У ўз асарларида инглиз мустамлакачиларига қарши курашда ватанпарварликка чорлашни ва сиёсий воқеаларни, мамлакатдаги энг эзилган қатламларнинг аянчли ҳолатини тасвирлаб беришни ўз вазифаси деб билади. Шундай ҳикоялардан бири “Қамоқ” (“Жел”) 1931 йилда ёзилган эди¹⁵⁴.

“Қамоқ” ҳикоясининг бош қаҳрамони ёш, хушчақчақ аёл Мридула тасодифан қамоққа тушиб қолади. Назокатли ва меҳрибон она уйида қолган боласи томон талпинади. Мридула ўзининг навқирон ёшлигидан ва ўз бахтидан сармаст аёл эди. Қамоқ, оиладан айрилиқ, озодликка чиққач, диндор ва қаттиққўл қайнонасининг пичингларида коча олмаслик, барчаси ёш аёлни тушкунликка тушира олмайди. Унинг учун ҳаёт – туганмас қувонч бўлоғи. Мридула ҳам ҳамма каби дилида ватанпарварлик туйғусини туяди. Бошқаларга ўхшаб Мридула ҳам суд, полиция, ҳукуматни ҳурмат қилмайди. Мридуланинг эри инглизларнинг қандай-

¹⁴⁷ Премчанд. Ювошлик. «Шарқ юлдузи», №3. 1955. (М. Ҳаким таржимаси).

¹⁴⁸ Премчанд. Қамоқ. «Шарқ юлдузи», №2. –Т., 1958. (Тоиров таржимаси).

¹⁴⁹ Ҳинд ҳикоялари (тўплам). –Т., 1955.

¹⁵⁰ Қизил гуллар (тўплам). –Т., 1956.

¹⁵¹ Ҳиндистон ёзувчиларининг ҳикоялари (тўплам). –Т., 1958.

¹⁵² Коломейцева О. Премчанд – демократ ёзувчи. «Шарқ юлдузи», 1951. №7.

¹⁵³ Елизарова Р. Ижодий камолот чўққиси. «Шарқ юлдузи», 1957. №4.

¹⁵⁴ Премчанд. Қамоқ. «Шарқ юлдузи», 1958. №9. (Т.Тоиров таржимаси).

дир компаниясида ишларди, бироқ у ўзининг “қуллиги”га нафрат билан қарарди. Ҳатто унинг жажжигина ўғли уни “қул” деб чақирганини Мридула кулиб эслайди. Эр бир неча бор ишдан бўшашга ҳаракат қилди, лекин Мридула кўнмади, ишдан кетса, тирикчилик қандай ўтади? Шу фикрлар Мридула қамокдан чиқаётганда унинг кўнглидан кечганди.

Орадан уч ой ўтди. Мридула яна қамокқа тушди, лекин бу сафар унинг ўтган галдаги қувноқлигидан асар ҳам қолмаган, ҳатто унинг ҳуснига ҳам путур етган эди.

Ҳикоядаги воқеалар қаҳрамон тилидан ҳикоя қилинади. Мана шу ҳолат муаллифга ҳикоя қаҳрамонининг ички кечинмаларини тўлиқ, батафсил очиқ, ҳикоя доирасида озодлик йўлида онгли равишда курашувчини кенгроқ ифодалаш имконини беради.

Ҳикоя қаҳрамони Мридула қишлоқ ҳаётидаги ижарачиларнинг, солиқчиларнинг инсофсизликлари, ҳукуматнинг халқ билан иши бўлмаслигини ўз тилидан гапириб беради.

Солиқ тўлашдан бош тортган деҳқонларни полиция калтакларди, намоёишларда қурол ҳам ишлатиларди. Бечора деҳқон кимдан ёрдам сўрашни билмай боши қотган.

Премчанднинг 50-йилларда таржима қилинган асарлари инглиз ёки рус тилларидан ўгирилган эди. 60-йиллардан бошлаб ҳиндий ва урду тилларидан ўзбек тилига таржима қилина бошланди. 1958 йилда Тошкентда Осиё ва Африка ёзувчиларининг анжумани бўлиб ўтади. Ушбу анжуманга ҳинд ёзувчи ва шоирларидан иборат катта делегация ҳам ташриф буюрди. Учрашувлар, суҳбатлар, баҳслашувлар натижасида “Тошкент руҳи” деган тушунча ҳам пайдо бўлди. Бу воқеа Ўзбекистонда ҳинд адабиётига бўлган қизиқишнинг ошишига катта бир туртки бўлди. Шу даврдан бошлаб Премчанднинг романлари билан ўзбек китобхонларини таништириш мақсадида унинг “Нирмала”¹⁵⁵, “Қисмат”¹⁵⁶ романлари таржима қилиниб, китоб ҳолида чоп этилди.

Премчанднинг “Қисмат”¹⁵⁷ романи унинг романлари ичида ўзига хослиги билан ажралиб туради. Бу асар ёзувчи ижодининг энг юксак чўққиси, XX асрнинг биринчи ярмида ҳинд реалистик адабиётининг энг яхши намунасидир. Премчанднинг бошқа асарларидаги каби бу романнинг марказий мавзуси ҳам Ҳиндистон қишлоқ ҳаётини акс эттиришдир. Мустамлака тузуми шароитида, энг оддий ҳуқуқлардан ҳам маҳрум этилган

¹⁵⁵ Премчанд. Нирмала. –Т., 1967.

¹⁵⁶ Премчанд. Қисмат. –Т., 1962. (Р. Муҳаммаджонов таржимаси).

¹⁵⁷ Елизарова Р. Ижодий камолот чўққиси. «Шарқ юлдузи», 1957. №4.

Ҳиндистон деҳқонлари ва уларнинг аянчли аҳволи, эски диний ақидаларнинг оддий меҳнат кишиси бошига келтирган кулфат ва фожеалар ҳикоя қилинади.

Романнинг марказида деҳқон Ҳўврий ва унинг хотини Дҳания образлари туради. Ҳўврий Ҳиндистоннинг мустамлака тузуми шароитидаги зулматга маҳкум этилган деҳқонлар оммасининг типик вакилидир. Тонг саҳардан ярим кечагача бутун оиласи билан далада меҳнат қилган Ҳўврий хўжалиги солиқлар, судхўрлардан олинган оғир шартлар, қарзлар туфайли қашшоқлик сиртмоғидан қутула олмайди. Қарз ва солиқларнинг оғир исканжаси бу оила аъзоларини ўз меҳнат самараларидан баҳраманд бўлиш имконини бермайди. Бироқ, қанчалик жафо чекмасин, унинг қалбидаги ҳинд меҳнаткаш табақасига хос бўлган олийжаноблик сўнмайди. Ҳўврий ҳаётга ишонч билан қарайди. Турмушни яхшилаш мақсадида сигир сотиб олмоқчи бўлади. Сигирнинг эгаси ем-хашак йўқлигидан сотаётганини билиб, Ҳўврий унинг сигирини олмай, ўзининг охириги ҳашагини унга беради.

Премчанд бош қаҳрамоннинг бундай тантилик ва олийжаноблигини жуда содда ва ишонарли қилиб кўрсатади: “У бировларнинг кўрида қўл иситишга одатланмаган деҳқон эди”, – дейди у.

Ҳўврийнинг оиласи кўп кулфатларни бошидан кечиради. Унинг ўғли Гўбар уйга бир бева аёл Жҳунияни етаклаб келганда, отаси унга уйидан жой беради. Бундан хабар топган қишлоқ аъёнлари Ҳўврийга қарши бўлиб, унинг бор-будини мусодара қиладилар. Шунда ҳам Ҳўврий ва унинг хотини Дҳания қилган ишларидан пушаймон бўлмайдилар.

Бу билан, яъни Ҳўврий оиласининг инсонга нисбатан янгича муносабати орқали Премчанд эски дунёнинг чириганлигини, уннинг ҳалокатга юз тутганлигини кўрсатишга муваффақ бўлади. Ҳўврийлар каби ижтимоий онги юксалиб бораётган оддий деҳқонлар оммаси олдида ўз ожизлигини сезган жамоанинг юқори табақалари талвасага тушгани ва улар тиш-тирноғи билан эски урф-одатларни сақлаб қолишга урингани ва шу каби реакцион руҳдаги уринишларни беради.

Бу ҳам етмагандай, Ҳўврий бир амаллаб сигир сотиб олганида, унинг жинойтчи укаси Ҳира сигирга заҳар бериб, ўз оиласини ҳам ташлаб қочиб кетади. Энди Ҳўврий икки оилани боқишга мажбур бўлади. Ҳиранинг даласида ҳам ишлайди. Бир неча йилдан сўнг қайтиб келган Ҳира акасининг қилган яхшиликларини кўриб виждон азобида қолади. Акаси уни кечириб, ички руҳий азобдан қутқаради.

Ҳўврийнинг бўйи етган қизи бор эди. У қизини қарз-ҳавола қилиб узатади. Қулоғигача қарзга ботишига қарамай, у сигир олиш

ниятидан қайтмайди. У пул тўплаш мақсадида курилишга тош йўнувчи бўлиб ишга киради. Оғир иш натижасида у соғлиғини йўқотади, касалликдан вафот этади. Ҳўврийнинг ишлаб топган 20 аннаси уни дафн этишга ҳам етмайди. Ҳиндуларнинг эски урф-одати бўйича ўлган одамнинг руҳини шод этиш учун браҳманга сигир садақа қилиниши лозим эди. Ҳўврийнинг сигир олиш учун яхши ният билан тўплаган озгина пули унинг бошидан садақа бўлади. Тўғрироғи, пул Ҳўврийнинг эмас, балки ўзи пулнинг, сигир сотиб олиш учун тўплаган, оғир моддий қийинчиликларнинг садақаси бўлади.

Романнинг бош қаҳрамони образида Премчанд Ҳиндистон деҳқонларига хос бўлган аччиқ қисматни ана шу тарзда усталик билан кўрсатади. Унинг тасвирида ҳинд деҳқони моддий қийинчиликлар исканжасида қанча азоб чекмасин, ҳаётга бўлган ишончини йўқотмайди, ўз ғоясидан воз кечмайди. У олийжаноб, меҳнатсевар, бир сўзли ҳотам кишидир.

Премчанд инсоннинг иродасига ва халқ кучига хайрихоҳлик ва ишонч билан қарайди, унинг “Қисмат” романи худди шу ишонч руҳи билан суғорилган. Асар фожеа билан тугаса ҳам, унда катта ишонч, мардлик ва буюк умид ҳисси билан тўлиқдир.

70–80-йилларда Ўзбекистонда Премчанд асарлари кенг кўламда нашр этилди. Унинг “Жанг майдони”¹⁵⁸, “Рама ҳақида қисса”¹⁵⁹, “Бир келин ҳикояси”¹⁶⁰, “Нажот”¹⁶¹ романи ва “Оташ нафаслар” номли тўпламда “Нажот йўли”¹⁶², “Икки ҳўкиз”¹⁶³ ҳикоялари чоп этилди.

Премчанднинг машҳур ҳикояларидан бири “Сут ҳақи”¹⁶⁴ ҳикояси ўзбек китобхонлари қўлига етиб борди. Бу ҳикояда ҳинд қишлоқларидаги оғир ҳаёт, ҳинд жамиятидаги ижтимоий тенгсизлик муаммолари ёритилган. Ҳикоя бҳангий тоифасига мансуб Мангал исмли бир бола ҳаёти ҳақидадир. Онаси қишлоқнинг обрўли кишиси Бабу Маҳешнатҳнинг ўғлига энагалик қилади.

Йиллар ўтгач, Мангалнинг отаси юқумли касалликдан вафот этади. Онасини заҳарли илон чақиб ўлдиради. Шундан сўнг Мангал буткул етим бўлиб қолади ва тиланчилик қила бошлайди. У Бабу Маҳешнатҳнинг уйи атрофида айланиб юрадиган ва ўша ердан чиққан сарқитлар билан қорнини тўйдирадиган бўлади. Бу билан Премчанд

¹⁵⁸ Премчанд. Жанг майдони. –Т., 1985.

¹⁵⁹ Премчанд. Рама ҳақида қисса. –Т., 1970.

¹⁶⁰ Премчанд. Бир келин ҳикояси. –Т., 1973 (А.Файзуллаев таржимаси).

¹⁶¹ Премчанд. Нажот. –Т., 1976 (А.Файзуллаев таржимаси).

¹⁶² Нажот йўли. Оташ нафаслар (тўплам). –Т., 1977. (А.Файзуллаев таржимаси).

¹⁶³ Ўша жойда.

¹⁶⁴ Премчанд. Сут ҳақи. «Шарқ юлдузи», 1990. №1.

қишлоқлардаги ҳаётнинг оғирлигини кўрсатади. Ҳикоя номи билан боғлиқ бир детални кўрсатиб ўтиш жоиз. Бабу Маҳешнатҳнинг уйидан чиқаётган сарқитлар билан қорнини тўйдираётган Мангал бу сарқитларни сут ҳақи деб билади: “Бабу Маҳешнатҳнинг ўғли Сурешни мени ойим сут бериб боққан... одамларнинг айтишича, сут ҳақини ҳеч қачон адо этиб бўлмас экан. Мана, менга тегаётган сут ҳақи!”¹⁶⁵.

Премчанд шу каби муаммоларни кўтарса-да, уларнинг ҳал қилиш йўллари кўрсатмайди. Бу эса Премчанд ижодига хос услубдир. Асосий мавзуга асос қилиб олинган муаммолар билан бир қаторда Премчанд замонага хос бўлган муаммоларни ҳам кўтариб чиққан. Бу ҳинд қишлоқларида тиббий хизмат йўлга қўйилмаганлигидир. Қишлоқда битта ҳам ҳамшира йўқлигини битта жумладан билиш мумкин: “Қишлоқда ҳамшира бўлиб ишлайман, деган бир зот топилмади. Қанча ёлворгандан кейин биттаси рози бўлган эди, лекин эвазига шундай катта пул талаб қилдики, Бабу соҳибнинг лом-мим демасдан чиқиб кетишдан ўзга иложи қолмади”¹⁶⁶.

Шунинг билан бирга, ёзувчи ҳикояда олий табақа вакиллариининг инсофсизлигини, адолатсизлигини кўрсатади. Буни Мотерам Шастрининг Бабу Маҳешнатҳга айтган сўзларида кўриш мумкин.

Премчанд шу каби қатор муаммоларни жасурлик билан очиб берди. Премчанд ҳақида “Ўзбек миллий энциклопедияси”¹⁶⁷ да ҳам маълумотлар берилган.

2006 йилга келиб Ҳиндистон Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси жаноб С.Р.Тайалнинг ташаббуси билан Ҳиндистон шоирлари ва ёзувчиларининг сара асарлари жамланган “Чироқ ёнар тун бўйи” тўплами нашр қилинди. Премчанднинг ҳам таржима қилинган икки – “Нажот йўли” ва “Икки ҳўкиз”¹⁶⁸ ҳикоялари мазкур тўпланда қайта нашр этилди.

Премчанд асарлари хоҳ ҳикоя бўлсин, хоҳ роман бўлсин, ўзбек китобхонлари орасида ўзига яраша мухлис орттира олди. Унинг асарларини мутолаа қилган ўқувчи ҳинд халқи озод бўлиш учун неча йиллар давомида қанча қурбон берганини кўради. Бу озодлик қанчалик қимматга тушганини фаҳмлайди. Ўзбек китобхони ҳам мустамлакачиларга, золим, бешафқат феодалларга қарши кураш, синфлар орасидаги кескин тафовутга барҳам беришда танқидий реализмдан унумли фойдаланган Премчанднинг қалами кураша-кураша синмаганига, курашчиларни илҳомлантириб турганига амин бўлади.

¹⁶⁵ Ўша жойда. 176-б.

¹⁶⁶ Ўша жойда. 171-б.

¹⁶⁷ Ўзбек миллий энциклопедияси. Т.2004 й., №7.

¹⁶⁸ Чироқ ёнар тун бўйи (тўплам). Нажот йўли. Т.2006 й.

XX аср охири ва XXI аср бошларидаги адабий алоқалар

Ҳиндистондаги йирик кутубхоналарда Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги адабий, маданий алоқалар тарихини ўрганишда катта аҳамиятга эга бўлган манбалар сақланиб келмоқда. Бу кутубхоналар, жумладан, Дехли, Бомбай, Мадрас, Ҳайдаробод, Алигарх, Калькутта ва Патна каби шаҳарларда жойлашган.

XX аср бошларида Ҳиндистонда бир неча йил яшаган ўзбек адабиётининг йирик намоёндаларидан Зокиржон Фурқат ўз фаолияти ва ижоди билан ўзбек ва ҳинд халқлари ўртасидаги дўстликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшган.

Ҳиндистон мустақил давлат ҳуқуқини қўлга киритгандан кейин халқларимиз ўртасидаги адабий алоқалар кенгайиб, янги йўлга қўйилди. Ўзбекистонда Ҳиндистон ёзувчи ва шоирларининг асарлари катта қизиқиш билан ўқилади. Ўзбек китобхонлари Рабиндранат Тҳакур, Премчанд, Али Сардор Жаъфарий, Кришан Чандар, Яшпал, Сажжод Зоҳир, Амрита Притам¹⁶⁹, Картар Сингх Дуггал¹⁷⁰ ҳамда Анант Муртий¹⁷¹ каби Ҳиндистон адибларининг ўзбек тилига ўгирилган асарларини севиб ўқийдилар.

Кейинги 25-30 йиллар мобайнида ҳинд ёзувчи ва шоирларининг 60 дан ортиқ асари ўзбек тилига таржима қилинди ва нашр қилинди.

Ўз навбатида, Ҳиндистонда ўзбек адибларининг асарлари ҳам қизиқиш билан ўқилади. Масалан, ўзбек шоираси Зулфия асарларини ҳинд китобхонлари севиб ўқийди. Зулфиянинг “Мушоира” деб номланган шеърий тўплами Халқаро Жавоҳарлал Неру мукофотида сазовор бўлганлиги юқоридаги фикримизни тасдиқлайди.

Таниқли ўзбек ёзувчиси Пиримқул Қодировнинг “Юлдузли тунлар” романи ҳиндий тилида чоп этилди. Асқад Мухторнинг “Опасингиллар” романи панжоб тилида, Одил Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси” романи ҳиндий тилида нашр қилинган. Булардан ташқари, ҳинд китобхонлари Ойбекнинг “Қутлуғ қон”, Ғафур Ғуломнинг “Шум бола” асарларини ҳам ўз тилларида ўқишга муяссар бўлганлар.

¹⁶⁹ Притам А. Ойдин кеча. //Оташ нафаслар. –Т., 1977 (Р.Мухаммаджонов таржимаси).

¹⁷⁰ Сингх К. Кузнинг тўлин ой кечаси. Жаҳон адабиёти. –Т., 2000. (А.Файзулло таржимаси).

¹⁷¹ Муртий А. Икки дунё овораси. –Т., 2000. (О.Н.Шоматов ва А.Файзулло таржималари)

Бундай икки томонлама маданий ҳамкорлик халқларимиз ўртасидаги дўстлик кўпригини янада мустаҳкамлайди. “Адабиёт – дўстлик элчиси” деган гап бежиз эмас. Ушбу мавзунини ёритишда “Жаҳон адабиёти” адабий журнали ҳам катта ҳисса қўшмоқда.

Шеърятдан – Рабиндранат Тҳакур шеърятини таржималарини Абдулҳамид Пардаев ўзбек китобхонларига тақдим этди. Улуғ шоир, адиб, драматург ва публицистнинг “Кўнглимизда умид ва иймон” сарлавҳали тўпламидаги “Байрам тонги”¹⁷² номли шеърини мисол тариқасида келтиришимиз мумкин:

*Қалбим эрта тонгдан шод бўлади беҳад,
Ва жо-бажо бўлади дунё бесарҳад.
Офтоб ёғдулари тилло-заъфарон,
Лол этди боз мени, айлади ҳайрон.
Офтоб эй, сен билан пайваста жоним
Мудом равшан бўлғай Шарқий осмоним.
Ложувард самонинг бағрида мен ҳам,
Жо бўлай сен каби, жо бўлай беғам.*

Ушбу шеър ватанпарварлик, халқпарварлик руҳида ёзилган бўлиб, унда шоир озодликни тараннум этган. Р.Тҳакур ўзининг “Соҳил ҳикояси” асарига эса реал воқеаларни асос қилиб олган бўлса-да, унинг бу ҳикоясида рамзийликка берилиш сезилиб туради. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас, чунки Тҳакур ўз ҳикоясида бир нозиккина қиз ҳақида ҳикоя қилади. Қизнинг ўй-кечинмаларини табиатга уйғунлаштирган ҳолда тасвирлайди: “Кеча ойдин эди. Қирғоқда ҳеч зот йўқ. Чирилдоқ жон-жаҳди билан чирилларди. Ибодатхонадан таралган кўнғироқнинг сўнгги садоси ҳам дарахтлар оша қоронғулик қўйнига сингиб кетди. Зинапояларимга келиб урилган тўлқинлар чалоп-чулуп қилар, осмондан кумуш нур ёғиб, бамисоли борликни ясантirmoқда эди. Шитир этган шабада йўқ, япроқлар ҳам қилт этмайди. Кусум соясини менга туширганча аста чўкди”¹⁷³.

Берилган лавҳадан ҳам Тҳакурнинг табиатни қай даражада ҳис қилиши кўриниб турибди. Яна шуни айтиб ўтиш лозимки, ҳикояни ёзишда Тҳакур ўз услубига содиқ қолиб, ёрқин деталлардан фойда-

¹⁷² Тҳакур Р. Байрам тонги. «Жаҳон адабиёти», 1999. №4.

¹⁷³ Тҳакур Р. Соҳил ҳикояси. «Шарқ юлдузи», 1990. №1. 154-б.

ланмайди, ўз фикрларини фалсафий мушоҳада ва мажозлар орқали баён қилади.

Ҳинд адабиётида ҳам бошқа адабиётлар сингари ижтимоий муаммоларни ёритиш кенг ўрин эгаллаган. Машҳур панжоб ёзувчиси Амрита Притам ўз қаҳрамонларини тасвирлашда ажойиб ўхшатишлардан фойдаланган. Ёзувчи “Амакри”¹⁷⁴ ҳикоясида китобхонларни севгига бефарқ бўлмасликка чорлайди, соф муҳаббатни тараннум этади.

Шу йилларда Ўзбекистонда нафақат шоиранинг асарлари, балки унинг серқирра ижодига бағишланган ҳиндшунос Т.А.Хўжаеванинг илмий изланишлари натижасида рус ва ўзбек тилларидаги мақолалар, панжоб ва рус тилидаги иккита монография чоп этилди.

“Шарқ Юлдузи” журнали саҳифаларида Ҳиндистон ҳаёти нафақат ҳинд адиблари ижоди, балки ўзбек адиблари ижоди намуналарида ҳам акс этган. Бунга мисол қилиб, Абдурауф Фитрат қаламига мансуб “Ҳинд ихтилочилари”¹⁷⁵ драмасини айтиш мумкин. “Ҳинд ихтилочилари” драмасида Фитрат ҳинд ватанпарварларининг инглиз зулмига қарши кураши акс эттирилган. Ўзбек адиблари Ҳиндистон мавзусига ўтган асрнинг 20-йилларидан мурожаат қила бошладилар. Чўлпоннинг “Шарқ уйғонди”, Фитратнинг “Мунозара”, “Ҳинд сайёҳи”, “Ҳинд ихтилочилари” каби асарлари ана шундай асарлар жумласига киради.

Юқорида қайд этилган асарлардан ташқари, “Шарқ Юлдузи” журналида Жавоҳарлал Нерунинг “Ҳиндистоннинг кашф этилиши” ҳамда “Дунё тарихига бир назар” номли асарларидан парчалар эълон қилинган. Бу парчаларда Нерунинг шоир ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақидаги фикрлари билан танишиш мумкин: “Бобур қолдирган эсдаликлар бу зотнинг ички дунёсига назар ташлашга ёрдам беради. У бизга Ҳиндистоннинг ҳайвонот олами, набототи, мевалари ва кишилари, ҳатто курбакалари ҳақида ҳам ҳикоя қилади. Шунингдек, ўзининг олис юртидаги ажойиб қовунлар, узумлар ва гуллар ҳақида ёзади. Унинг сўзларига кўра, бу юртда унга хайрихоҳ бўлган ҳеч ким, ҳеч нарса йўқ...”¹⁷⁶. Бу парчаларда, шунингдек, Нерунинг Бобурга жамоат арбоби сифатида берган баҳоларини ҳам ўқиш мумкин.

¹⁷⁴ Притам А. Амакри. «Шарқ юлдузи», 1991. №2.

¹⁷⁵ Фитрат А. Ҳинд ихтилочилари. «Шарқ юлдузи», 1990. №4.

¹⁷⁶ Проза Амрита Притам. Монография (на пенджаби). Пенджаб, изд-во Пендж. Академия. 1991. Художественная проза Амрита Притам. Монография (на русском языке). –Т.:ТашГИВ, 2007.

Шундай қилиб, “Шарқ Юлдузи” журнали саҳифаларида чоп этилган ҳинд адибларининг асарлари билан танишиб, ўрганиб чиққан ҳолда айтиш мумкин: 1986-1991 йиллар давомида “Шарқ Юлдузи” журналида ҳинд адиблари асарлари унча кўп чоп этилмаган¹⁷⁷.

Мақоланавислик борасида таниқли таржимон Амир Файзуллаев “Икки чинор” мақоласида шеърят мулкининг султони Алишер Навоий ҳамда ўзининг серқирра ижоди билан бутун Шарқ ва Ғарбга танилган Мирзо Асадуллоҳон Ғолиб каби шоирларнинг ҳам ҳаёт йўллари, ҳам адабий фаолиятларини бир-бириникига боғлаб ҳамоханг ҳолда чуқур ифодалаб берган¹⁷⁸. “Бу икки чинор – икки буюк чинорнинг нафақат ижодий фаолиятларида, балки ҳаётларида ҳам яқин ўхшашлик мавжудлигидан ҳайратда қоласан киши. Навоийнинг отаси Ғиёсиддин Кичкина теурийлар хонадонига мансуб амалдорлардан эди. Мирзо Ғолибнинг отаси Абдуллобек ҳам асли келиб чиқиши ўрта осийлик ҳарбий саркардалардан бўлган. А.Навоий ҳам бефарзанд ўтганлар, Мирзо Ғолиб ҳам ва ҳ.к.”¹⁷⁹.

Ўзбек адиблари ва китобхонлари томонидан Ҳиндистон адабиётига қизиқиш ХХІ асрда ҳам ўз мавқеини йўқотмасдан келмоқда. Жумладан, йирик ҳиндшунос, профессор О.Н.Шоматов ҳамда таржимон А.Файзулло ҳиндий тилидан ўзбек тилига таржима қилган замонавий Ҳиндистон адиби Анант Муртий қаламига мансуб “Икки жаҳон овораси”¹⁸⁰ эълон қилинди; журналнинг шу йилги яна бир сониде А.Файзулло ҳиндий тилидан таржима қилган, асосан, панжоб тилида ижод қилувчи адиб Картар Сингх Дуггалнинг “Кузнинг тўлин ой кечаси” номли қиссаси, 2003 йилда Премчанднинг А.Файзулло ўғирган “Фидойи”, урду тилидаги “Сўзе Ватан” ҳамда “Севасадан” номли машҳур асарлари ҳам маҳорат билан таржима қилиниб, ўзбек китобхонларига тақдим этилди. Бундай ижод намуналари жуда кунт билан ёзилиб, унда ватанпарварлик, озодлик, замонавий ҳурфикрлик ғоялари тараннум этилган. Премчанднинг “Сут ҳақи”¹⁸¹ ҳикояси ҳам ҳиндий тилидан ўгирилиб, китобхонларга ҳавола этилди.

¹⁷⁷ Неру Ж. Бобур. «Шарқ юлдузи», 1990. №10. 147-б.

¹⁷⁸ Файзулла А. Икки чинор. «Жаҳон адабиёти», 1998. №3.

¹⁷⁹ Ўша жойда. 14-б.

¹⁸⁰ Муртий А. Икки жаҳон овораси. «Жаҳон адабиёти», 2000. №2.

¹⁸¹ Премчанд. Сут ҳақи. «Шарқ юлдузи», 1990. №1.

1998 йилда эса Ҳиндистоннинг кўзга кўринган сўз устаси, ажойиб романнавис Яшпал ижоди ўзбек китобхонларига анча жиддий таассурот қолдирганига ажабланмасак ҳам бўлади. Унинг ўта маҳорат билан ёзган “Раққоса”¹⁸² (Дивья) номли асарини Ҳамид Жабборов ҳиндий тилидан таржима қилиб, ўзбек китобхоналарига тақдим этди.

Булардан ташқари, 1999 йилда А.Иброҳимов таржима қилган Кришан Чандарнинг “Дадар кўпригидаги болалар”¹⁸³ номли қиссаси ҳам журналда чоп этилди.

XX аср охири ва XXI аср бошида Ўзбекистонда Бобур даврига, унинг ижоди, фаолияти, “Бобурнома”га бўлган қизиқиш натижасида мақолалар, китоблар нашр этилди¹⁸⁴ ва бҳакти ҳаракати ва ўрта асрдан бошлаб агиографик жанр ривожланишини батафсил ўрганган ҳиндшунос У.Муҳибованинг бир неча мақолалари¹⁸⁵ ва “Индийская агиографическая литература” номли монографияси 2008 йилда чоп этилди.

¹⁸² Яшпал. Раққоса (Дивья). Жаҳон адабиёти, 1998. №2.

¹⁸³ Чандар К. Дадар кўпригидаги болалар. «Жаҳон адабиёти», 1999. №2.

¹⁸⁴ Иброҳимов А. Бобурийлар мероси. –Т., 1993; Файзиев Т. Бобур ва унинг авлодлари. –Т., 1996; Иброҳимов А. Бобурнома – буюк асар. –Т., 2000.

¹⁸⁵ Муҳибова У. Индийское литературоведение о становлении первой прозы на брадже. Востоковедение. –Т., 1995; К проблеме возникновения и становления жанра «варта». Востоковедение, №5. –Т., 1992; О жанре ворта в средневековой литературе на брадже. Тезисы V конференции молодых востоковедов. Т.3. –М., 1989.

ХУЛОСА

Ушбу масалани таҳлил қилиб чиқишда икки минтақа адабиётларининг тарихий-маданий ривожланиши тамойилига асосланиб биз адабий алоқаларни таҳлил қилишга ва ўзаро таъсирларнинг йўналишини аниқлашга ҳаракат қилдик. Ушбу масала серқирра, бир қанча муаммолардан иборат бўлиб, уни ҳам горизонтал, ҳам вертикал жиҳатдан кўриб чиқиш мумкин, чунки улар улкан вақт қатламини қамраб олган.

Афғонистон, Тожикистон, Ўзбекистон (VII-VIII асрлар) давлатлари минтақалари учун таъсири яққол бўлган буддизм бутун ҳинд адабиёти томон ўзига хос кўприк бўлиб ҳисобланади.

Шундай қилиб, Сурхондарё вилоятида 12 та қўлёзма (роҳиблар ҳаёти қоидалари жамланмаси) топилган бўлиб, уларнинг парчалари романтик руҳдаги новелла жанрига яқиндир. Ҳинд муаллифларининг ғоялари ва асарлари Марказий Осиё халқларининг маънавий маданиятини бойитган ҳолда ушбу минтақадан Шарққа тарқалган.

Ўзаро адабий алоқалар ривожланишининг бошланғич босқичида XI асрда Ҳиндистон тарихи, адабиёти, тил ҳолати бўйича аниқ маълумотлар кўплиги нуқтаи назаридан Берунийнинг “Ҳиндистон” асари муҳим бўлиб ҳисобланади (XII боб Ведалар, Пураналар ва диний адабиёт тўғрисида, XIII боб шеърият тўғрисида).

Ўрта асрлар адабий йўналиши тўғрисида сўз юритадиган бўлсак, Шарқда “Калила ва Димна” номи билан кенг тарқалган санскритча “Панчатантра” тўплами, айниқса, адабий жанрлар жиҳатидан юқоридаги минтақаларнинг адабий жараёнига кенг таъсир кўрсатди. Унинг туркий тилдаги дастлабки варианты XIII асрга тегишли бўлса, форс тилига таржимаси – XVI асрга тегишли, 1898 йилда эса ўзбек тилига таржима қилинган. Манбаларга кўра, “Калила ва Димна” ўзбек китобхонлари орасида энг машҳур асарлардан бири бўлган.

Ҳинд адабиётшунослари, хусусан, Р.Санскритяян ишларида шоирнинг олий бурчи ҳақида А.Навоийнинг фалсафий-дидактик асари ҳисобланган “Хамса”нинг ўзига хос ўрни алоҳида таъкидланади, шунингдек XVIII асрдаги ҳинд шоирлари Валий, Мир Тақи Мир асарларининг ички маънавияти бўйича А.Навоий шеъриятига шубҳасиз ўхшашлиги ва яқинлиги намоён бўлади.

Кейинги босқич Бобур даврига (XVI-XVII асрлар), улкан илмий аҳамиятга эга бўлган тарихий-маданий ва адабий ёргорлик ҳисобланган “Бобурнома”га тегишлидир. Кўпгина манбаларга биноан, А.Навоий Бобур ва унинг адабий қобилиятига катта таъсир кўрсатган. Бобур

ўз ижодиётида Навоийнинг муносиб давомчиларидан бирига айланди ҳамда Ҳиндистон диёрида миллий адабиётни туркий тилда ривожлантиришда давом этган. Унинг туркий тилда ижод қилган ўтмишдошлари Лутфий, Атоий, Гадоий, Дурбек Бобур ижодига сезиларли таъсир кўрсатди.

А.Навоийнинг шеъриятида, айниқса, “Хамса”сида ифодаланган, инсонийлик ғоясига асосланган, ҳаётни маълум нуқтаи назардан тушунишнинг уйғун тизимини акс эттирувчи қарашлари XVI-XVII асрларнинг иккинчи ярмида Ҳиндистоннинг форсийзабон ва туркийзабон шоирлари ижодига таъсир кўрсатди. Айримлар бу фикрларга қўшилса, бошқалар унга эътироз билдиришмоқда, учинчи томон эса айрим масалалар бўйича қўшимчалар киритмоқда. Бедил, Мунир Лахўрий, Ғани Кашмирий, Сармад Кашанийларнинг шеърӣ мисралари ушбу баҳс-мунозараларга бағишланган. Айнан Навоийнинг инсонийлиги, унинг инсоният ва тирикликка бўлган меҳр-муҳаббати шоирлар эътиборини ўзига тортган.

XVI асрнинг иккинчи ярмида Ҳиндистонда адабий ҳаракатдаги юксалиш Ўрта Осиёдан етишиб чиққан Урфий Шерозий (1555-1591), Назирий (1612 йилда вафот этган), Файзи Даканий (1547-1598) ва бошқа шоирларнинг номи билан боғлиқ.

Ушбу даврнинг машҳур шоири Мутрибийнинг (1559 йилда Самарқандда туғилган) асарлари, унинг 320 дан ортиқ ўрта осӣлик ижодкорлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган антологияси, шунингдек “Жаҳонгир тўғрисида нафис китоб” (1625) асари XVI-XVII асрларда Ўрта Осиё ва Шимолий Ҳиндистон ўртасидаги адабий алоқаларни ўрганишда муҳим манба бўлиб ҳисобланади. Иккинчи китоб учун шахсан Жаҳонгир томонидан тақдим этилган манба Акбар даврида Ҳиндистонда яшаган, ижодиёти Ҳиндистоннинг адабий жараёнига таъсир кўрсатган 80 нафар шоир ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган.

Эрон, Туркистон, Бухоро ва Самарқанд вакиллари иштирок этган адабий мусобақалар – “мушоира”ларнинг таъсири Бобурнинг ўғли Ҳумоюн ижодида кузатилади. XVI асрда ўзаро самарали таъсирлар натижасида турк-форс иккитиллиги вужудга келди. XVIII-XIX асрларда Ҳиндистон форсийзабон адабиётининг йирик вакили бўлган Бедил Ҳиндистон, Афғонистон ва Ўзбекистоннинг фалсафӣ ва ижтимоӣ ғоялари ривожланишига катта таъсир кўрсатди. Тожикистон ва Ўзбекистонда унинг девонлари жуда машҳур бўлган ва севиб ўқилган.

Нафақат А.Навоий асарлари, балки Бедил ғояларининг Ўрта Осиёда тарқалиши, шунингдек мактабларининг пайдо бўлиши тўғрисида ҳам сўз юритиш мумкин. Ўзбек шоири ва публицисти Фурқат ўзининг

Ҳиндистондаги таассуротлари остида шеърятга Ҳиндистон мавзусини киритади (“Бомбайдан хат”, “Кашмирда”, “Кашмирлик қиз”).

XX аср икки минтақанинг адабий алоқалари тарихида янги давр бўлганлигидан дарак беради. 1925 йилдан бошлаб Р.Тҳакур ҳикоялари биринчилардан бўлиб Ўзбекистонда ўзбек ва рус тилларида чоп этилган¹⁸⁶.

1947 йилда Ҳиндистон мустақилликка эришганидан сўнг адабий алоқалар янада тизимли тус олди ва сезиларли даражада кенгайди. Хусусан, таржима адабиёти ролининг кучайиши, ўзаро ижодий таъсирлар шакллариининг ўсиши кузатилди. Р.Тҳакур ғоялари ва тимсоллари дунёсини идрок қилиш, ижодий таъсир шакллариининг (таржималар, сахналаштириш, унинг асарларини экранлаштириш) ўсишини алоҳида таъкидлаш жоиз. Абдулла Қодирий Тҳакурни жуда ҳам ҳурмат қилган ва улуғлаган. Шу йилларда К.Чандар, Х.А.Аббос, А.С.Жаъфарий, М.Иқбол, Ф.А.Файз, Премчанд ва рамзийлик йўналиши вакиллариининг шеърларида илғор ҳинд муаллифлариининг 15 та ҳикоя ва 10 та шеъри “Шарқ юлдузи” ва “Звезда Востока” журналларида чоп этилган. Бунда 1958 йилда Тошкентда ўтказилган, кўп сонли делегациялар иштирок этган Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилариининг конференцияси ҳам муҳим роль ўйнади.

60–70-йилларда чоп этилган таржималар, мақолалар таҳлили шуни кўрсатадики, таржималар билан бир қаторда Ҳиндистон адабиёти, хусусан айрим муаллифлар ижоди, бадиий услублар, жанрлар ривожланишининг турли йўналишларини; айниқса, А.Х.Дехлавий (илмий йўналиш), К.Чандар, Яшпал, А.Нагар, В.Прахкар, И.Жўший, А.Притам, А.С.Жаъфарий, С.К.Чавҳан, Х.А.Аббос каби илғор ёзувчи ва шоирлар ижодини ўрганиш тенденцияси янада ортмоқда, ҳинд ва ўзбек муаллифлари ижодида қўшни мамлакат адабиёт хусусиятларини ўрганишга типологик ёндашув кузатилмоқда. Тақдим этилаётган адабиётларнинг доираси ҳам кенгайди: бу ҳиндий, урду, бенгал, панжоб, тамил адабиётларидир.

Бундан ташқари, Ҳиндистон мавзуси Р.Бобожон, Ғ.Ғулом, Ю.Шомансур, Б.Бойқобилов, Мирмуҳсин каби шоирларнинг ижодида яна катта ўринни эгаллайди. Ғ.Ғулом адабий меросининг бутун бир йўналиши Ҳиндистонга бағишланган (ўзига хос шоирона ижод, таржималар, адабий-танқидий мақолалар).

¹⁸⁶ “Маориф ва ўқитувчи” журнали (“Ер юзи” саҳифаларида Тҳакурнинг “Суба” ҳикояси; “Соҳил бўйлаб” (1926 й.), “Эхтиром ила қараш” (1927 й.), “Тҳакур ва Ғарб маданияти” мақоласи (1928 й.). Унда ёзувчининг буржуа маданияти тўғрисидаги танқидий мулоҳазалари келтирилган).

60–80-йилларда илғор ҳинд ёзувчиларининг 50 яқин номдаги китоблари таржима қилинди ва чоп этилди. Ёзувчилар ижодини (А.Притам ва Зулфия) муайян таҳлил қилиш асосида ижод қилиш қобилияти, ижтимоий-эстетик қарашлар яқинлиги жиҳатидан Зулфия шеърятининг панжоблик шоирага таъсирининг ҳаётбахш, оптимистик характери намоён бўлади. Ғ.Ғулом ва Ғ.Сингх, Ш.Рашидов ва К.Чандар ижодий ҳамкорлиги тўғрисида ҳам сўз юритиш мумкин.

Тҳакур романлари билан М.Р.Ананд, Р.К.Нарайан, Р.Рагҳава, Б.Саҳний асарлари орқали ёзувчилар истеъдодининг янги томонлари очилмоқда. Ушбу давр шуниси билан диққатга сазоворки, қадимги ҳинд адабиётининг йирик ёдгорликлари “Маҳабҳарат” ва “Рамаяна” асарларининг ўзбек тилидаги таржималари ўзбек китобхонининг бисотиға айланди. “Маҳабҳарат” билан танишиб чиққандан кейин ўқувчилардан олинган фикрлар ва хатлар таҳлили қадимги даврдаги қаҳрамонлар тимсоллари, уларнинг диний, фалсафий қарашлари, донолиги ўзбек халқига чуқур таъсир кўрсатганлигидан далолат беради.

XX асрнинг охирлари ва XXI асрнинг бошларида Бобурнинг ижодий меросига, ўрта асрлардаги адабиётда агиографик жанрга, М.Ғолиб ижодидаги мактуб жанрини ўрганишга, Ҳиндистон миллий адабиётлари: панжоб, тамил, синдхӣ адабиётларини ўрганишга янги, чуқур қизиқиш кузатилмоқда.

Яшпалнинг “Дивья” (“Раққоса”) номли тарихий романи, Б.Саҳнийнинг “Басанти” номли ўткир ижтимоий романи, К.С.Дуггалнинг “Кузнинг тўлин ой кечаси” романи ўзбек халқига қадимги ва замонавий Ҳиндистонни, унинг муаммолари ва орзу-умидларини очиб берди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Ўзбек тилида

1. Аъзамова С. Ҳозирги Панжоб. –Т., 1974.
2. Акбаров А. Зулфия. –Т., 1985.
3. “Амрита Притам билан танишинг!” “Ўзбекистон хотин-қизлари”. – Т., 1961. №5.
4. Анант Муртий. Икки жаҳон овораси. Жаҳон адабиёти, №2. –Н., 2000.
5. Ашурбоев З. Ғафур Ғулом Ҳиндистонда. «Ўзбекистон маданияти». 1973, 11 май.
6. Бобожон Р. Танланма асарлар. I жилд. –Т., 1974.
7. Бобур Ҳиндистонда. –Т., 1995.
8. Беруний. Танланган асарлар. –Т., 1969.
9. Дехлавий А.Х. –Т., 1987.
10. Еремян Л. Ҳиндистон ва Навоий. –Т., ЎЗР ФА тўплами. 1994.
11. Еремян. Л. Ҳинд-ўзбек алоқаларидан бир парча. Ҳиндистон халқлари адабиётидан очерклар. –Т., 1975.
12. Еремян Л. Самарали алоқалар. “Ўзбекистон маданияти”, 17 сентябрь, 1974.
13. Захир С. Таништирув. – Қ.Райис. Шеърлар. –Т., 1973.
14. Озулфия. Мушоира. “Шарқ юлдузи”, №10. 1970.
15. Иброҳимов А. Бобурийлар мероси. –Т., 1993.
16. Иброҳимов А. Бобурнома – буюк асар. –Т., 2000.
17. Иброҳимов А. “Бобурнома”нинг Ўзбекистонда ўрганилиши. “Тошкент оқшоми”. 04.12.2000.
18. Иброҳимов А. “Бобурнома”нинг янги илмий нашри. “Ўзбекистон матбуоти”. №3, 2004.
19. Иномхўжаев Р. XVI аср Ҳиндистон адабиётида турк-форс икки тиллиги. –Т., 1993.
20. Иномхўжаев Р. Ҳиндистон туркийзабон адабиёти. –Т., 2005.
21. Ирисов А. Беруний ва Ҳиндистон. –Т., 1963.
22. Исмоилов А. Бедил ва бедилшунослик ҳақида. ТошДШИ 15 йиллиги анжуман материаллари. –Т., 2006.
23. И.Д.Ягеллонинг шахсий архиви.
24. Картар Сингх Дуггал. Кузнинг тўлин ой кечаси. –Т., 2000.
25. Клевань А.А. Туркистон ўлкасида чет тилининг ўқитилишига доир. “Совет мактаби”, 1965 йил, 6-сон, 72-б.
26. Мирзаев И. Бобур маърифати. –Т., 1996.
27. Мирмуҳсин. Танланган асарлар. I-жилд. –Т., 1973.
28. Мўминов И. Мирзо Бедилнинг фалсафий қарашлари. –Т., 1958.
29. Навоий А. Мукаммал асарлар тўплами. 4 ж. –Т., 1989.

30. Навоий А. Хамса. –Т., 1960.
31. Нарайан Пандит. Ҳитўпадеша ёки ибратли ҳикоялар (А.Иброҳимов таржимаси). –Т., 1997.
32. Нарайан Р.К. Авлиё Ражуий. –Т., 1964.
33. Неру Ж. Дунё тарихига назар. «Ҷаҳон адабиёти», 1997. №4.
34. Низомиддинов Н.Г. Ҳиндистон туркийзабон адабиёти. –Т., 2005.
35. Низомиддинов И. Маданий ҳамкорлигимиз саҳифаларидан. –Т., 1981.
36. Орипов У. Хўжа Аҳмад Аббос. –Т., 1969.
37. Премчанд. Қисмат /Раҳмонберди Муҳаммадҷонов тарж./. –Т., 1961, №5.
38. Премчанд. Ювошлик. “Шарқ юлдузи”, 1955. №3.
39. Премчанд. Қамок. “Шарқ юлдузи”, 1958. №2.
40. Премчанд. Наҷот йўли. –Т., 1976.
41. Премчанд. Жанг майдони. –Т., 1985.
42. Премчанд. Сут ҳақи. “Шарқ юлдузи”, 1990. №1.
43. Премчанд. Икки ҳўкиз. “Чироқ ёнар тун бўйи” (тўплам). –Т., 2006.
44. Притам А. “Бир савол” романидан парчалар. “Ўзбекистон хотин-қизлари”. –Т., 1961, №5.
45. Притам А. Атиит ки парччҳайян. –Деҳли. 1962.
46. Притам А. Бҳангра. “Ўзбекистон хотин-қизлари”. –Т., 1958. №6.
47. Притам А. Ойдин кун. “Ўзбекистон хотин-қизлари”. –Т., 1958, №6.
48. Притам А. Кичик Шоҳаний (“Бир савол” номли романдан парча). (Урду тилидан Н.Муҳамедов таржимаси). “Ўзбекистон хотин-қизлари”. –Т., 1961. №5.
49. Притам А. Бир савол. (Урду тилидан Н.Муҳамедов таржимаси). «Шарқ Юлдузи». –Т., 1961. №4.
50. Притам А. Юрий Гагарин. «Шарқ Юлдузи». –Т., 1962, №9.
51. Рашидов Ш. Кашмир қўшиғи. –Т., 1970.
52. Райис Қ. Шеърлар. –Т., 1973.
53. Райис Қ. Тинчлик шаҳри. (Н.Муҳамедов таржимаси). Совет Ўзбекистони. –Т., 1966.
54. Райис Қ. Ўзбекистон шоирлари (урду тилида). –Т., 1973.
55. Рашидов Ш. “Кашмир қўшиғи”. –Т., 1970.
56. Рустамов У.А. Республика Индия. –Т., 1969.
57. Русва М. Бир хоним саргузашти. –Т., 1965.
58. Салимова Ф. Ҳинд диёри. –Т., 1973.
59. Саҳний Б. Басанти. «Ҷаҳон адабиёти», 1998. №2, 3, 4.
60. Сингҳ Н. Олтин ўқ. –Т., 1975.
61. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. –Т., 1997.

62. Тҳакур Р. Асарлар тўплами. 8 жилдлик. –Т., 1973.
63. Тҳакур Р. Ҳикоялар. –Т., 1983.
64. Тҳакур Р. Бибҳа соҳили. Донишманд рожа. –Тошкент, 1984 йил (Т.Жалолов таржимаси).
65. Тҳакур Р. Ака ва ука. «Шарқ юлдузи», 1986,№ 5.
66. Тҳакур Р. Учиб кетган қушлар. “Шарқ юлдузи”, 1996. №5.
67. Уильям Эрскин. Бобур Ҳиндистонда. –Т., 1995.
68. Уйғун. Танланган асарлар. Икки жилд. –Т., 1985.
69. Файзиев Т. З.М.Бобур ва унинг авлодлари. –Т., 1996.
70. Файзиева В. Алоқаларимиз мустаҳкам. Ўзбекистон маданияти. 1973, 11 сентябрь.
71. Файзуллаев А. Икки чинор. «Жаҳон адабиёти», 1998. №2.
72. Хайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. –Т., 1971.
73. «Шарқ юлдузи» журналлари. 1950–1959-йиллар.
74. «Шарқ Юлдузи». «Звезда Востока журналлари». 1970–1979-йй.
75. Шарқшунослик. ТошДШИ. 1980–1989-йиллар.
- 76.«Шарқ Юлдузи» журнали. 1980–1989-йиллар.
77. Шароф Рашидов. “Тинчлик ва халқларнинг бахт-саодати учун”. “Шарқ Юлдузи”. 1958, 9-сон.
78. Шомухамедов Ш. Форс-тожик адабиёти классиклари. –Т., 1963.
79. Чандар К. Бир қизга минг ошиқ /Наби Мухамедов тарж/. –Т., 1966.
80. Чандар К. Танланган асарлар. –Т., 1960.
81. Чирок ёнар тун бўйи. Ҳинд ёзувчиларининг асарлари.–Т., 2006.
82. Эрскин У. Бобур Ҳиндистонда. –Т., 1995.
83. Яшпал. Раққоса. «Жаҳон адабиёти», 1998. №2.
84. Ўзбекистон Марказий давлат архиви.
85. “Ўзбекистон маданияти” газетаси. 1973, 11 сентябрь.
86. Ўзбекистон хорижий шарқ адиблари ижодида. –Т., 1986.
87. Ўзбек шеърляти Ҳиндистонда. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2008, 22 февраль.
88. Ўзбек миллий энциклопедияси. –Т., 2004, №7, 8.
89. Қамар Райис.“Тинчлик шахри” /Наби Мухамедов тарж/. –Т., 1966.
90. Қамар Райис. Ўзбек-ҳинд маданий алоқалари. Шарқ юлдузи, –Т., 1972. №6.
91. Қаюмов А. Садди Искандарий. –Т., 1975.
92. Ғаниева. С. Қалб куйчиси. “Ўзбекистон хотин-қизлари”. –Т., 1961, №5.
93. Ғолиб М. Шайдо. –Т., 1965.
94. Ғулом Ғ. Интервью. 1974, январь.
95. Ғулом Ғ. Асарлар. 8-жилд. –Т., 1976.
96. Ғулом Ғ. Асарлар. 10 жилдлик. –Т., 1976.

97. Ҳасанов С. Мирзо Комрон девони. Адабий мерос. –Т., 1986.
98. Ҳиндистон халқлари адабиётидан очерклар. –Т., 1975.
99. Ҳошимов И. Р.Тҳаккур – ҳаёти ва ижодий йўли. –Т., 1961.
100. Ҳошимов И. Мирзо Ғолиб. –Т., 1969.
101. Хўжаева Т. Ўзбекистонда Панжоб куни. “Ўзбекистон маданияти”. 1973, 27 февраль.
102. 361-фонд. оп. 1. ед. хр. 2, 8, 9.

Рус тилида

103. Азимджанова С. Государство Бабура в Кабуле и в Индии. –Т., 1977.
104. Абу Райхан Беруни. Избранные произведения. –Т., 1963.
105. Азимджанова С. Индийский диван Бабура. –Т., 1966.
106. Алиев Ю.Т. Персоязычная литература Индии. –М., 1968.
107. Ананд М.Р. Впервые в истории двух континентов. “Культура и жизнь”, –М., 1985. №9.
108. Ашрафи М. Индийские дневники. –Т., 1956.
109. Бабурнаме. Записки Бабура. –Т., 1993.
110. Беруни. Индия. –Т., 1963.
111. Бекаева Д. Социально-политические романы Яшпала. –Т., 1978.
112. Бобурнома. –Т.: “Шарқ”, 2002.
113. Библиография Индии. –М., 1959.
114. Библиография Индии. –М., 1965.
115. Библиография Пакистана. –М.: «Наука», 1976.
116. Бонград-Левин Г.М., Ильин Г.Ф. Древняя Индия. –М., 1969.
117. Бросалина Е.К. «Драматургия Р.Тагора». –М., 1973.
118. Булгаков И.Т. Жизнь и труды Беруни. –Т., 1972.
119. Взаимосвязи литератур Востока и Запада. –М., 1961.
120. “Вечерний Ташкент” газетаси. 1983 йил, сентябрь.
121. Вопросы истории, экономики и культуры народов Средней Азии и стран Зарубежного Востока. выпуск I. –Т., 1970.
122. Гнатюк-Данильчук А.П. Становление реалистического метода в творчестве Р.Тагора. –М., 1962.
123. Гуляев Н.А., А.Ю.Богданов, Л.Г.Юдкевич. «Теория литературы в связи с проблемами эстетики». –М., 1970.
124. Димов Г., Кишли Н. Знамя форума мира и свободы. Известия. газ. –Т., 1983.
125. Еремян Л. Дружба литератур – дружба народов. “Узбекистан и страны Востока” китобида. –Т., 1976.
126. Ежегодник. Индия. 1981-1982. –М., 1983.

127. Журналы «Шарқ юлдузи», «Звезда Востока» и «Жаҳон адабиёти» за 1950 – 2007 годы.
128. Захир С. Дух Ташкента непобедим. “Совр. Восток”, –М., 1958.
129. «Звезда Востока» журналы. 1980–1989-йиллар.
130. «Звезда Востока», –Т., 1999-2002 гг.
131. Иброхимов А. Русский перевод “Бабур-наме”. “Востоковедение”. –Т., 2002, №2.
132. Ивбулис В.Я.. К вопросу об идейных взаимоотношениях Р.Тагора и М.Ганди. –М., 1973.
133. Ивбулис В.Я.. Литературно-художественное творчество Р.Тагора. Рига, 1981.
134. Из истории культурных связей народов Средней Азии и Индии. –Т., 1973.
135. Изучение литератур Востока. –М., 2002.
136. Иномходжаев Р. Сведения «Аин-и Акбарий» о среднеазиатско-индийских литературных связях. –Т., 1986.
137. Иномходжаев Р. Среднеазиатско-индийские литературные связи. –Т., 1989.
138. Иномходжаев Р. Тюрко-персидское двуязычие в литературной жизни Индии XVI в. –Т., 1993.
139. Индия.ж. Перспектива. №2. 1970.
140. История Индии в средние века. –М., 1970.
141. Курманов А., Трубников В. Международные связи Советского Узбекистана. –Т., 1958.
142. Кутина М.М., Салимова Г.С. Роль и место Узбекской ССР во внешнеэкономических и культурных взаимоотношениях Советского Союза с Индией. “Узбекистан и страны Востока” китобида. –Т., 1976.
143. Литература и время. –М., 1973.
144. Литературы Индии. –М., 1958.
145. Литературы Индии. –М., 1979.
146. Мухамедов Н. Али Сардор Джафри и его поэзия. –Т., 1969.
147. Неру Дж. Открытие Индии. –М., 1955.
148. Низамутдинов И.Г. Взаимоотношения Средней Азии и Индии в XVI-XVIII веках. –Т., 1966.
149. Низамутдинов И.Г. Из истории среднеазиатско-индийских отношений (IX-XVIII вв.). –Т., 1969.
150. Низамутдинов И.Г. Очерки истории культурных связей Средней Азии и Индии (XVI – XX вв.). –Т., 1981.

151. Низамутдинов И. Из истории среднеазиатско-индийских отношений. –Т., 1969.
152. Неупокоева И. Проблемы взаимодействия современных литератур. –М., 1963.
153. Новая история Индии. –М., 1961.
154. Новая история Индии. –М., 1996.
155. Полинова О. Реализм в современном индийском романе. –Т., 1984.
156. Полинова О.С. Проблемы реализма в современном индийском романе. –Т., 1970.
157. Поэты Узбекистана. –Т., 1973.
158. “Правда Востока” газетаси. 1983 йил, сентябрь.
159. Притам А. Узбекистан ки зульф, Дҳармюг. 1962. (хиндий тилида).
160. Проблемы индийского романа. –М., 1974.
161. Проблемы становления реализма в литературах Востока. –М., 1964.
162. Расуль-Заде П.Н. Из истории среднеазиатско-индийских связей. –Т., 1969.
163. Рустамов У. К истории изучения экономических, политических и культурных связей Индии и Средней Азии. Т., 1956.
164. Рустамов У.А. Из истории экономических, политических и культурных связей народов Средней Азии с Индией конца XIX и начала XX веков. –Т., 1958.
165. Серебряков И.Д. Литература народов Индии. –М., 1984.
166. Современный Узбекистан и Зарубежный Восток. –Т., 1984.
167. Современная индийская проза. –М., 1962.
168. Средняя Азия в древности и средневековье. –М., 1977.
169. Ташкентская конференция писателей стран Азии и Африки. –Т., 1960.
170. Тансыкбаева С.И., М.М.Кутина. Индия и Узбекистан. –Т., 1983.
171. Типология и взаимосвязи средневековых Востока и Запада. –М. 1974.
172. Тимофеев Л.И. Основы теории литературы. –М., 1976.
173. Тохтаходжаева И. Узбекистан – Индия: дружба и сотрудничество. –Т., 1983.
174. Узбекистан и страны Востока. –Т., 1970.
175. Фролова С. Строки дружбы из глубины веков. Правда Востока, ноябрь, 1986.
176. Фуркат. Избранное. –Т., 1981.
177. Хамраев. У. Рукописи Калилы и Димны. Сб. «История культурных связей между Средней Азией и Индией». –Т., 1986.
178. Хайдар Г. Собственными глазами. “Огонёк”, –М., 1958, №41.
179. Хансраж Рахбар. Жизнь и творчество Премчанда. –М., 1963.

180. Ходжаева Т.А. Учебное пособие по новой и новейшей литературе народов Индии (на языке хинди). –Т., 1999.
181. Храпченко М.Б. Творческая индивидуальность писателя и развитие литературы. –М., 1975.
182. Хусейн С.Э. История литературы урду. –М., 1961.
183. Чельшев Е.П. Индийская литература вчера и сегодня. –М., 1991.
184. Ягелло И. Система обучения языкам. “Туркистанские ведомости”га қаранг. 1907 йил, 64-сон.
185. Ходжаева Т.А. Художественная проза А.Притам (монография). – Т., 2007.
186. Haider M. India and Uzbekistan. Linkages and Interaction. Aligarh, 1993.

ГЛОССАРИЙ

Санскрит – қадимги Ҳиндистон ёдгорликлари тили.

Ведалар – қадимги Ҳиндистон адабиёт ёдгорликлари.

Пураналар – қадимги ҳиндларнинг афсоналари, қиссалари.

Муаммо – араб алифбоси ҳарфлари орқали бирор-бир исмни яширишга асосланган икки ёки уч байтли таъкид ёки ишора асосида ёзилган лирик жанр.

Аҳли ишрат – сарой аҳлининг шоирлари.

Маснавий – ҳар икки мисраси ўзаро қофиядош бўлиб, байтлар асосида ёзилган шеър.

Рубоий – фалсафий, ишқий, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий ва диний мазмунларда ёзилган тўрт мисрадан иборат лирик турга мансуб мустақил жанр.

Қитъа – Шарқ халқлари мумтоз шеъриятида кенг тарқалган, икки ёки ундан ортиқ жуфт мисралари ўзаро қофияланган байтлардан иборат жанр.

Мақол – чуқур маънавий, алоҳида ритмик-мелодик хусусиятларга эга бўлган фольклор жанр. Тузилиши гапга тенг.

Билингвизм – икки тиллик.

Шир-у-шакар – икки тилда аралаш ёзилган байтлар.

Мистицизм – тасаввуф, илоҳиётга, ғайритабиий кучларга ишониш.

Очерк – ўз ҳажми жиҳатидан ҳикояга яқин турган, эпик турга мансуб бадиий публицистик жанрлардан бири.

Антология – бир нечта шоир ва ёзувчиларнинг танланган асарлари тўплами.

Таваиф – махсус уйларда тарбияланган раққоса.

“Ер юзи”, “Маориф ва ўқитувчи” – XX асрнинг 20-30-йилларида Ўзбекистонда чиққан журналлар.

Ҳарижан – энг паст каста.

Тамил адабиёти – Жанубий Ҳиндистон адабиётларидан бири.

Қасида – араб, форс-тожик ва туркий халқлар мумтоз адабиётидаги лирик турга мансуб шеърӣ жанрлардан бири.

Қисса – Яқин ва Ўрта Шарқда кенг тарқалган фольклор ва ёзма адабиёт асарлари.

Куллиёт – муаллиф асарларининг тўплами.

Лирика – “лирика” атамаси III-II асрларда эллиistik маданият зами-нида пайдо бўлган. “Лирика” – қадимги Грецияда мусикали асбобнинг номи.

Услуб – тил воситаларидан фойдаланишнинг маълум бир ёзувчи, асар, жанр учун хос бўлган усуллар мажмуи.

Tamara KHODJAYEVA
*Assistant Professor of Tashkent State
Institute of Oriental Studies*

FROM THE HISTORY OF THE UZBEKISTAN – INDIA LITERARY LINKS

This monograph is outlined to the III-IV year students of the faculty of philology, history and international relations of Tashkent State Institute of Oriental Studies. It gives information thoroughly literary relations of Central Asia and India from the ancient period to the present time (VII-XXI centuries). The consideration is directed to the analyses in the developing history of literary relations of Uzbek word masters. The representative of Central Asia in India, their literary heritage, contribution to the development of these relations and some information about Indian scientists are included. The consideration is directed to the creatures of the writers and poets who made significance contribution to the widening of literary relations.

This material is a compilation affiliated with the history, culture and literature of India and Uzbekistan; it gives opportunity to get new information both theoretical and practical feature and helps to possess extensive and a lot of facts. This compilation is going to be published firstly. Its purpose is to develop the process of literary relations and to study research results on the bases of manuscript funds, research works, translations and materials of conferences in order to prepare the specialists for them.

This monograph gives not only new knowledge, facts, bases and scientific information for scoears, but gives incentive to enlarge their specialty in the future.

The scholars must work independently on each given theme on the bases of their knowledge, because these themes may be a scientific work and even an artistic translation.

МУНДАРИЖА

Сўз боши	3
Кириш	4
I БОБ. XI-XV асрлар	
Ҳиндистон ва Ўзбекистон адабий алоқалари тарихининг босқичлари	8
Ўрта Осиё ва Ҳиндистоннинг қадимий адабий алоқалари	10
Беруний ва унинг “Ҳиндистон” асари	13
Алишер Навоий ва Ҳиндистон	15
Ўрта Осиё ва Ҳиндистон адабий алоқалари ҳақида “Ойини Акбарий” маълумотлари	21
II БОБ. XVI-XVIII асрлар	
Бобурийлар даври	25
Ўзбекистонда “Бобурнома”нинг ўрганилиши	28
Комрон Мирзо шеърляти	31
Ҳиндистонда туркийзабон адабиёт	33
Ҳиндистон адабиётида икки тиллик (билингвизм)	36
Бедил ва адабий алоқалар	39
Ҳиндистон ва Ҳамза, Фурқат ижоди	40
XVI–XVII асрлардаги Ҳиндистонга оид Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтидаги қўлёзма манбалар	44
III БОБ. XX аср	
И.Д.Ягелло – Ўзбекистондаги илк ҳиндшунослардан бири	46
XX аср 50-йиллар – “Шарқ Юлдузи” ва “Звезда Востока” журналларининг роли	47
Тошкентда Осиё ва Африка ёзувчилари анжумани	54
60-йиллар ва адабий алоқаларнинг ривожланиши	57
Ўзбек адиблари асарларида Ҳиндистон мавзуси	61
70–80-йиллардаги адабий алоқалар	64

Ҳинд шоир ва ёзувчилари Ўзбекистон ҳақида	68
Адабий алоқаларда Қамар Райис ижоди ва фаолияти.....	72
Ўзбек шоирларининг асарларида Ҳиндистон мавзуси	77
Дўстлик, ижодий алоқалар: А.Притам ва Зулфия	81
80–90-йиллардаги адабий алоқалар	86
Осиё ва Африка ёзувчиларининг 1983 йилдаги конференцияси ва адабий алоқалар	90
Адабий ёдгорликларнинг саҳифалари	93
Ўзбекистонда Р.Тҳакур асарлари.....	96
Ўзбекистонда Премчанд асарлари	101
XX аср охири ва XXI аср бошларидаги адабий алоқалар.....	106
ХУЛОСА	111
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	115
Глоссарий	122

Contents

FORWARD	3
INTRODUCTION	4
I Chapter. XI-XV centuries	
Foot-steps of the literary relations of India and Uzbekistan	8
The ancient literary relations of Central Asia and India	10
Beruni and his work “India”	13
Alisher Navoi and India.....	15
“Oini Akbari” information about literary relations of Central Asia and India	21
II Chapter. XVI-XVIII centuries	
The period of Baburids	25
The study of the “Baburnama” in Uzbekistan	28
The poetry of Kamran Mirza	31
Turkic speaking literature in India.....	33
Bilinguals in the literature of India.....	36
Bedil and literary relations	39
India and Hamza; the creature of Furqat	40
The manuscript sources about India in XVI-XVIIth centuries in the Institute of Oriental Studies under the Academy of Science of Uzbekistan.....	44
III Chapter. XX century	
I.D.Yagello – one of the first scientists on the study of India	46
50s of XXth century – the role of the journals “Sharq Yulduzi. (“The star of the East”) and “Zvezda Vostoka”	47
The conference of Asian and African writers in Tashkent	54
60s of XXth century and development of literary relations.....	57
The theme of India in the works of Uzbek writers	61
Literary relations in the 70s-80s of XXth century	64

Indian poets and writers about Uzbekistan.....	68
The creature and activity of Qamar Rais in the literary relations	72
The theme of India in the works of Uzbek poets	77
Friendship, creative relations: A.Pritam and Zulfiya.....	81
Literary relations in the 80s-90s of XXth century	86
The conference of Asian and African writers in 1983 and literary relations	90
The pages of literary monuments	93
The works of R.Thakur (R.Tagore) in Uzbekistan	96
The works of Premchand in Uzbekistan.....	101
The literary relations in the end of XX century and begining of XXI century.....	106
Conclusion.....	111
Library for using.....	115
Glassary	122

Техник муҳаррир:

М.М. Зарифов

Компьютер версткаси:

Д.У. Арифжанова

Ушбу монография ТошДШИ Илмий Кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган (баённома №10, 20.04.2011).

Босишга рухсат этилди 16.05.11.
Бичими 60x84 ¹/₁₆. Шартли 8,0 б.т. 50 нусхада босилди. Буюртма №
Тошкент давлат шарқшунослик институтининг кичик босмахонаси.
Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 25 уй.

© Ходжаева Т.А.

© Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2011